

*Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
19 йиллигига бағишланади*

*Ватан! Бугун такрор куйлагим келди,
Мадҳиянг тилимда ҳамишадир ёд.
Оламга чиройинг суйлагим келди,
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.*

*Турналар самога ёзар исмингни,
Кўклам тошларингга куйлайди баёт.
Жонида авайлаб нафис жисмингни,
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.*

*Мурғак дилга севинч солганим — онам,
Меҳрингдан нур олар дунё тоабад.
Тенгларга тенг бўлиб ҳар лаҳза, ҳар дам
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.*

*Фарғона вилояти Ёш ижодкорлар
ижодидан намуналар*



570-18

**ҲАЙРАТ
БУЛОҚЛАРИ**

Шеърлар



ТОШКЕНТ
«ТАФАККУР ҚАНОТИ»
2010

*Фарғона вилоят ҳокимлиги Маънавият-маърифат Кенгаши
ҳомийлигида чоп этилди*

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан
нашрга тавсия этилди.*

Тўпловчи ва тузувчи



Э. Сиддиқова

Мазкур тўпلامдан фарғоналик ёш шоирларнинг ранг-баранг мавзулардаги шеърлари жой олган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб чоп этилаётган бу китоб, шеърят ихлосмандларига манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

ҚУЁШ, НУРИНГ СОЧАВЕР МУЎЛ-МУЎЛ

Шеър ёзиш ҳар кимнинг кўнгил иши, аммо яхши шеър — адабиётнинг мулкидир. Бугун ўз орзу-истакларини, ёшлик туйғуларини чинакам сўз санъатига айлантиришга уринаётган ёш қаламкашларнинг кўплиги мени ҳамиша қувонтиради. Навоийни англашга, Машрабни уқишга, Фузулийни ёд олишга иштиёқманд ука-сингилларимни кўрсам, дилим яйрайди. Китобдан кўра интернет, нозик изҳори дилдан кўра тўмтоқ, дидсиз электрон ёзишмалар азиз бўлиб бораётган даврда кўнгилга “жиз” этиб тегадиган мисралар топаётган ёшлар адабиётимиз эртасига умид уйғотади.


Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилоят бўлими томонидан тайёрланган баёзни ўқиб, бояги қувончим, умидим ўн карра ошди. Бир-биридан оҳорли, бир-биридан нафис ташбеҳлар, сатрлар, шеърлар топаётган укаларим шижоатидан кўнглим тўлди. Уларда адабиёт масъулиятини англашга, сўз ҳароратини илғашга интилиш жуда кучли. Бу куч, бу шижоат, табиийки, улар сув ичган дарёларга боғлиқ. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик  **5**  намояндалари Хувайдо, Ҳазиний, Муқимий сингари улуғлар меросидан сабоқ олган, Йўлдош Сулаймон, Оҳунжон Ҳаким, Исмоил Маҳмуд Марғилоний,

Баҳодир Исо каби шоғирдпарвар ижодкорлар тарбиясини кўрган ёшлар бугун Ватан бағрида бўй кўрсатишяпти.

“Меҳр” сўзининг лугавий маъноси қуёшни англатади. Ҳақиқатан ҳам офтоб нури меҳрнинг энг улкан тимсолидир. Унинг беминнат нурларидан гул ҳам, ёшан ҳам бирдек баҳра олади. Бугун мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор ҳам ана шу меҳрнинг ўзидир. Хусусан, Фарғона вилояти ҳокимлигининг бу борадаги гамхўрлиги, ташаббуси таҳсинга лойиқ. Кунни кеча — ўша истибдод тузумида меҳр-мурувват кўрмай, истеъдодини юзага чиқаролмай қувраган гиёҳдек хазон бўлган ижодкорларнинг кўпини биламан. Бугун эса, ҳар битта ниҳол кафтда тутиб асраляпти, ардоқланяпти. Фақат бу меҳр зиёси остида ким гул бўлади, ким эса йўқ. Бизнинг мақсадимиз — шу юртни чаманга айлантириш. Шу маънода, юртимизда униб-ўсайтган гулзорларнинг ястаниб-яшнаши барчамизга бирдек қувонч улашади.

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ёзувчилар уюшмаси раисининг
Ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

«Ориф ТОЛИБ»



1987 йил 16 февралда Фарғона вилоятининг Учқўприк туманидаги Қўмбости қишлоғида туғилган. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тугатган. Айни дамда “Истеъмолчи” газетасида катта мухбир вазифасида хизмат қилади.

ЭНДИ ЭСЛАБ...

Нигоҳингга этдингу тутқун,
Ўйларимга кириб келдинг сен.
Гўё дилга туташди учқун,
Туйғулардан оловландим мен.

Сарсон кездим ҳижрон чўлида,
Лек севгингга эришолмадим.
Нетай, ҳаёт қисмат қўлида,
Омад билан келишолмадим.

Кейин сувлар оқди тескари,
Умидларим бўлдилар хазон.
Муҳаббатнинг содиқ аскари
Жанг-жадалсиз берилди қурбон.

Битмай қўйдим соғинчдан байтлар,
Кўнгил бир дам ором тилади.
Севар эдим сени бир пайтлар,
Энди эслаб қулгим келади...

КЎККА ҲАВОЛАНИБ...

Кўкка ҳаволаниб тиниқ тортган ой,
Олис кетган сайин ҳусни ортган ой.
Ўйларга қўмилиб бедор ётган ой,
Менинг осмонимда қулмасмисан, айт?

Билиб туриб босдим тиконни атай,
Нозу фироғингдан айланиб кетай.
Кундузмас, тунларни соғинсам нетай...
Девона қалбимни билмасмисан, айт?

Олиссан, тутолмас олам нигоҳи,
Қўл чўзсам етқудай яқинсан гоҳи.
Йўлингга кўз тикиб қутганим чоғи
Нур сочиб, дил очиб келмасмисан, айт?

Ўн беш кун юксакдан жой берар фалак,
Ўн беш кун пойингда интизор, ҳалак.
Кўксимда бир умр қолгин, эй малак,
Дилни излаётган дилмасмисан, айт?

ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Хаёлларга эргашиб,
Тоғлар ошиб, қир ошиб,
Ҳижрон билан курашиб
Ёқавайрон бўлганман.

Гул бермадим, дил бердим,
Дилмас, содиқ қул бердим,
Шаҳар бердим, йўл бердим —
Мен сен томон бўлганман.

Ўйлар мени қийнади,
Тўйлар мени қийнади...
Алдов — қизлар зийнати,
Бошда ҳайрон бўлганман.

Шоирлик эмас илм,
Шунга овунар дилим,
Ишқ билан чиқди тилим,
Дарддан бийрон бўлганман.

Сўзларга ишонгандим,
Кўзларга ишонгандим,
Қизларга ишонгандим...
Роса нодон бўлганман.

Ойлар ўтди, йил ўтди,
Орамиздан қил ўтди.
Шулар мени танитди —
Кўзи гирён бўлганман.

Ишқнинг қўлига тушдим —
Бугдой келига тушдим.
Охир йўлига тушдим —
Шоҳи жаҳон бўлганман.

ҚИШ МАНЗАРАСИ

Беҳаё қизлардай эшилар тутун,
Мўриларнинг юзи қорайиб кетар.
Охири йўқ йўллар чўзилар узун,
Қишлоқлар ошноқ ун орқалаб ўтар.

Азадор аёлдай увлар изғирин,
Хатто ҳиссиз музлар тўка бошлар ёш.
Тўшакка михланган чол каби ҳорғин
Кулимсираб кўяр мажолсиз кўёш.

Ҳавода булутлар айланар карахт,
Камбағалдай қақшар яланг оёқ куш.
Буғу шохларидай япроқсиз дарахт
Ям-яшил баҳорни кўриб ётар туш...

ШОШИЛИНЧ МАКТУБ

Ҳиққиллаб кўймади қайсар юрагим,
Бола турвогандай топ деб музқаймоқ.
Хўрозқанд бергандай зўрға алдадим —
Хаёлларим бўлди хонангда кўноқ.

Майин сочларингни сийпалаб аста,
Шодон болакайдай сакради юрак.
Уйғониб қолма деб хонангдан тезда
Чиқиб кетди хаёл — хуркак капалак.

Бугун яна йиғлаб ўтирар дилим,
Алдаганим билди бола бўлсаям.
Урсам жон ачийди — бормайди кўлим,
У эса қаттиқроқ бўзлар дам-бадам.

Хуллас, кўп уринмай, вақтлироқ ётиб,
 Эртага тутзорга келгин эртароқ.
 Бор-йўғим — энг гўзал сўзларни сотиб,
 Оберишим керак унга музқаймоқ.

АНЪАНА

Юрагимни анор каби ушатдим,
 Сўнг улашдим
 Хушчиroy қизчаларга.
 Аста-секин меҳр бериб ўргатдим
 Қўлда дон тутгандайин
 Эркатоy қушчаларга.
 Қийнаб-қийнаб, битта кулиб суйдириб,
 Оҳ-воҳимдан маза топди гўзаллар.
 Дил уйимга ўтлар қўйиб, куйдириб,
 Ёт ҳовлига сувлар сепди гўзаллар.
 Улар учди иссиқ ўлка — қасрга,
 Менинг эса тўрт тарафим куз бўлди.
 Ажабланманг бу ўйинга, бу сирга —
 Кувончимнинг охири афсус бўлди.
 Мен не қилдим?
 Севавердим барибир,
 Гўзалларнинг жафосини мақтадим.
 Юмшоқ дедим қанча бўлса тошбағир,
 Шақар қўшиб жазосини мақтадим.
 Яхши қиз,
 Ҳолимга чекманг сиз қайғу,
 Ёки соддалигим олманг кулгига.
 Энг қадим замондан урфдир асли бу:
 Бўзчи белбоққа ёлчимас,
 Шоир севгига!

Муҳаммаджон ИБРОҲИМ

1982 йил 29 ноябрда Олтиариқ туманидаги Катпут қишлоғида туғилган. Фарғона Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Айти вақтда “O‘zbekiston” телеканалининг “Assalom, O‘zbekiston!” студиясида муҳаррир лавозимида фаолият юритмоқда.

БЕЛОРУС ҚИЗГА

Қароқчидай йўлинг пойлайман,
Хон қизидай қадаминг хуркак.
Чиройлисан ва ақллисан,
Беларуссан устига-устак.
Қалдирғочми қалам қошларинг,
Киприкларинг нима деб атай.
Белоруссан, аммо сочларинг
Узун, ўзбек қизиникидай.
Сен Есенин суйган оқ қайин,
Кўзларингда шимол ёғдуси.
Изларингдан эргашиб тайин
Ҳали кўплар шоир бўлғуси.
Ўзга тилда, бегона забон,
Бироқ сен ёт билма дилимни.
Ахир қандай яшайди инсон,
Тушунмаса юрак тилини.
Билсанг, ҳатто бир вужуд борлиқ
Худди сендек олмоқда нафас.
Ҳаёт ҳақда айтади кўшиқ
Куртакларга хазон басма-бас.

Келмоқ-кетмоқ бу-ку эски гап,
Сарҳисобин қилади тангри.
Лабларимга босақолгин лаб,
Бу дунёда фақат ишқ янги.
Бу дунёга кўзинг тўймасдан,
Ўғирлайди умрни йиллар.
Япроқлардек хазон бўлмасдан
Куртак каби кўз очсин диллар.
Кел, дилбарим, кел, баридан кеч,
Қара, қандай қисқадир фурсат.
Топишолсин нигоҳлар бу кеч,
Тиллашолсин юраклар фақат!

КУРСДОШЛАРИМГА

Қалдирғочнинг қанотларига
Эгизакдек ўша қошингиз.
Менинг дoston, баётларимда
Бир нур эди беғубор, тенгсиз.

Тегишардик тегиниб атай,
Хуш ёқарди шумликларимиз.
Узун-узун сочларингиздай
Узун эди киприкларингиз.

Оддий эди ўшанда бари,
Партада жим чекилган гусса.
Ўсмирликнинг гўра шеърлари,
Дағал кучиш ва нўноқ бўса.

Сентябрь. Бошлардик шундан,
Далаларда пахта терардик.
Алдасангиз ишониб чиндан
Пахтангизни ташиб берардик.



Оқшомлари овозни қўйиб,
Қийқиришиб қайгардик шодон.
Йўлимизга юлдузлар уюб,
Ойдан чироқ тутарди осмон.

Ўзимиз ҳам у пайт бошқача —
Юзларимиз ажиндаң холи.
Дунё — кўнгли тоза бўз бола,
Ишонарди эртакка ҳали.

Ишонарди, ишонч — бу қанот,
Уфқларга опкетди бизни.
Соддаларим, маккора ҳаёт
Ранжитмасин ҳеч бирингизни.

Тўғри, турмуш йўллари турфа,
Биров бўлмас бировга қоя.
Аммо мен бор сиз учун — мана
Балолардан қилай ҳимоя.

Осмонимни бераман, майли,
Ҳовуч-ҳовуч юлдузлар теринг.
Пахтангизни кўтарган каби
Дардингизни кўтарай, беринг.

Бу ҳаётга боққанча тикка
Юринг, йўлдир менинг изларим.
Юринг, кетдик талабаликка,
Она бўлган курсдош қизларим.

Қалдирғочнинг қанотларига
Эгизакдай эгиз қошингиз.
Муҳаммаджон баётларида
Ўн еттида ҳамон ёшингиз.

ГУЛИЖОН

Ўзим гулмисан гул эди, аммо
Бировнинг гулийдди, бировнинг гули.

Шавкат РАҲМОН

Қорлар ёғар бошимга,
баҳор кетар дилимдан,
Майин эди майсалар,
нишлар унар йўлимдан,
Аввал сира билмовдим,
аввал парво қилмовдим,
Гули, Гули, Гулижон,
сен бировнинг гулисан,
Бегонанинг гулисан,
бегонанинг гулисан.
Йўллар юрдим, йўл юрдим,
йўл юрсам ҳам мўл юрдим,
Гоҳи дарёлар кечдим,
гоҳи эса чўл юрдим,
Шоир бўламан дедим,
Тошкентларга юз бурдим.
Шу бемаъни ўйинга
нетай, ўзим қўл урдим.
Гули, Гули, Гулижон,
сен бировнинг гулисан,
Бегонанинг гулисан,
бегонанинг гулисан.

Олтиариқда бу пайт
шафтолилар гуллайди.
Унда мушфиқ онам бор,
туллар бахтим тилайди,
Қизлар ўтса кўчадан,
менга келин танлайди,
Нима қилай, не қилай,
у дардимни билмайди.
Гули, Гули, Гулижон,
сен бировнинг гулисан,
Бегонанинг гулисан,

бегонанинг гулисан.



Йигитман, йўламадим
 номарднинг яқинига,
 Юрмадим кимларнингдир
 сояи салқинида.
 Хиёнат қилмаганман
 омонат олганига,
 Наҳотки ишқим тушса
 бировнинг хотинига.
 Гули, Гули, Гулижон,
 сен бировнинг гулисан,
 Бегонанинг гулисан,
 бегонанинг гулисан.

Кучоғимга сифмайди
 осмон тўла юлдузлар,
 Юлдузданам кўп бугун
 атрофимда гул юзлар.
 Теграмда олов қизлар,
 қучсам юрагим музлар,
 Эй гулларнинг сараси,
 кўнгил бир сени истар.
 Гули, Гули, Гулижон,
 сен бировнинг гулисан,
 Бегонанинг гулисан,
 бегонанинг гулисан.

Шеър ёзмадим, йўл бердим
 дилимдаги гапларга,
 Бу гаплар ёқмас, балки
 баъзи нозиктаъбларга,
 Шоирнинг иши шу-да,
 шоирнинг ишқи шу-да,
 Йўқса йўяверсинлар
 мени беадабларга.
 Гули, Гули, Гулижон,
 сен бировнинг гулисан,
 Бегонанинг гулисан,
 бегонанинг гулисан.

51018

ШЕЪРЛАРИМ

Яширгани борми сирларим,
 Шоир деб ким айтди сизларга.
 Нима бўпти уч-тўрта шеърим
 Ёқса ёққандир-да қизларга.
 Мендан шоир чиқмаслиги рост,
 Қайга етдим елиб-югуриб.
 Ёзсам ёзиб қўйибман бироз
 Юрагимнинг гапига кириб.
 Шоир номи сира улуғмас,
 Юпун сўз-да “отарчи” мисол.
 Шоирман деб истаган нокас
 Айтаверар ҳозир бемалол.
 Адабиёт — қучоқлари кенг,
 Юришибди бошларин қашиб.
 Бирор ҳузур топармидим мен
 Бақироқлар билан тенглашиб.
 Яширгани борми сирларим,
 Шоир деб ким айтди сизларга.
 Нима қилай ғўра шеърларим
 Ёқаверса ахир қизларга.
 Жонларнинг шўх кўзларидан
 Юрагимда бўлса зилзила.
 Енгиламан ёвқур сўзлардан
 Келишади шеърга тизила.
 Эгиламан қоғозга маҳзун,
 Яна қўлга ботади қалам.
 Мен ёзаман хушрўйлар учун,
 Юртим учун ёзарман ёзсам.
 Бироқ сўзим гийбат билманг бас,
 Булар жиндай майда ташвишим.

Шеър ёзиш ҳеч менинг ишиммас,
Севиш менинг энг катта ишим.
Яширгани борми сирларим,
Мен шоирмас, шоирсиз сизлар,
Узр, агар ғўра шеърларим
Сизга ёддан ўқиса қизлар.

БИЛМАДИМ

Ўзимга ғанимман, ўзимга эрмак,
Бировга ёмонлик қилмадим.
Нимага бунақа сиқади юрак,
Менга нима бўлган, билмадим.

Куёш чаён бўлиб кўксимни чақар,
Тонг кулсам, оқшомлар йиғладим.
Ҳатто юлдузчалар ғалати боқар,
Менга нима бўлган, билмадим.

Ўттизга етмаёқ вужудим ўтин,
Елкамда дунёнинг ташвиши.
Кўнгил ўчоғимга қарасам — тутун,
Кўзларим ачишди, ачишди.

Мени жин ургандир, балки шу дардим,
Балки уриб қўйгандир эгам.
Бунақа қараманг, билсам айтардим
Соямдек эргашган, эй Одам.

Шу дарддан бошимга қонлар қуюлса,
Ўлсам қутилардим, ўлмадим.
Сизга шу дардим ҳам бахтим туюлса,
Сизга нима бўлган, билмадим...

ЁМҒИР

Бугун ёмғир ёғарми, бугун
Осмон бунча уйди қовоғин.
Дарвозангиз бахтингиз учун
Янгаларга очар қучоғин.
Бугун олиб кетишар сизни,
Йўлингизни ювар ёмғирлар.
Боғлаб турар ришталар бизни,
Узилгандир аммо тақдирлар.
Мен ким бўлдим, нима ҳам дердим,
Азал қаҳри қаттиқ бу дунё.
Худоданам қизғонар эдим,
Қизғондими мендан ҳам худо.
Бугун сиз-чун ҳамма нарса тахт,
Бажо этар тилагингизни.
Эзмасин-е шундай улкан бахт
Муштдеккина юрагингизни.
Менми, қўйинг кўксим тўла чўғ,
Кетаверай боқмай изимга.
Йўқ, сира ҳам йиғлаганим йўқ,
Томдимикан ёмғир юзимга.

СИНФДОШЛАРГА ХАТ

Ярашиқли бўйларингизга
Ёр топарсиз қалам қошлари.
Боролмайман тўйларингизга,
Менинг эрка синфдошларим.

Юргандирсиз кўча тўлдириб,
Юргандирсиз беғам, беғусса.
Давраларнинг шунқори бўлиб,
Қадаҳлардан сипқориб бўза.



Хушрўйлар хуш кўрар сизларни,
Йўлин тўсиб розлар айтарсиз.
Додин бериб кўшни қизларнинг,
Ярим тунда уйга қайтарсиз.

Шаҳарда ҳам дўндиқлар сулув,
Бироқ дилда бўлакча ҳислар.
Кечалари бермайди уйқу
Қорамағиз қишлоқи қизлар.

Юрак оғрир оғир ўйлардан,
Шум ўйинга ўзим бошладим.
Ўтаяпман чағир йўллардан,
Харсангларга уриб бошларим.

Бу тошларга келармидим тенг,
Бири шоир, бири ҳавасманд.
Бу шаҳардан нима топдим мен,
Ўзим ҳам жа машҳур эмасман.

Аммо улар кўнглини кўринг,
Бино қўйган оҳ-воҳларига.
Дунёнинг бор нарвонин беринг,
Йўқ етмайди димоғларига.

Модерн дер, посмодернизм,
Битмишлари ғалатдир бари.
Менинг барча ёзган шеърларим
Сизу мендек содда, тўпори.

Синфдошим, синфдошларим,
Кўз тегмасин бўйларингизга.
Менинг барча ёзган шеърларим
Қўшиқ бўлсин тўйларингизда.

Дилшога ХАЛИМЖОНОВА



1990 йил 17 октябрда Олтиариқ туманида таваллуд топган. Ҳозирда Фарғона Давлат университети 1-босқич талабаси, “Келажак овози” танлови республика босқичи ғолиби. “Умид фарришталари” шеърлар тўплами “Янги аср авлоди” нашриёти томонидан чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

* * *

Ҳижронаман, дийдорингни хушларманам,
Шийпонларда ўтин ташиб қишлар отам.
Ғўзаларга жон улашиб ишлар онам,
Кокиллари шамолларнинг ардоғида.

Елкаларин қуёш кўмар борган сари,
Кўрпасида меҳнат эмган болалари.
Дўппи тўла менга терган олмалари,
Жоним отам лой кўтарар бармоғида.



Кўргонида ёшлик умрим кечирганим,
Нигоҳини нигоҳимга кўчирганим.
Дуррасини шамолларга учирганим,
Кетмон урар адирларнинг нарёғида.

Қалдирғоч-ла суҳбаг қурар устунлари,
Беланчагин толга илган удумлари.
Бўлсам эди тандирининг ўтинлари,
Кўнглим маним нонга теккан қаймоғида.

Булутларнинг китобидан ўқир қушлар,
Боласиға хасдан кулба тўқир қушлар.
Гилосларнинг дудоғидан чўқир қушлар,
Ризқим мани чумчуқларнинг тишлоғида.

Елкасида майса йўлли банорас тўн,
Маним ишқим Олтиариқнинг қишлоғида.

* * *

Соғиндим-ов, саратонгул, фироқигул,
Бирам ўтлиғ кўк бахмалли пайпоғи гул.
Ариқларнинг четидаги қишлоқи гул,
Сиз хўплаган анҳорларда дардим, ота.

Ўрик пишди, шафтолилар эзилди-ёв,
Хўплам чойим томоғимда тизилди-ёв.
Юрагимдан шафтолилар узилди-ёв,
Ишқни ичиб, шеър ёдлаган пайтим, ота.

Пахсадевор ёриғидан сизар қуёш,
Томиримга кетмон урар овсар қуёш.
Юрагимга юрагингиз чизар қуёш,
Кўз ёшимни ҳаволарга артдим, ота.

Шаҳарнинг оқ осмонида ёмғир тинди,
Шамол гулли чучмомалар қолиб энди,
Токчадаги хўрозқандлар голиб энди,
Рўмолимга борим туғиб қайтдим, ота.

Кўз ёшимни ҳаволарга артдим, ота,
Ўрик пишди, шафтолилар эзилди-ёв...

СОФИНИШ


Гулнамо субҳидам, ҳаволар мовий,
Бу қишлоқ шу ерга экилган атай.
Синиқ деразадан нафас олар уй,
Пардалар кеманинг елканларидай.

Шамоллар чопқиллар айвонни кечиб,
Улар ялангоёқ, калишдан холи.
Синглимнинг қошига ўсма ўстирар,
Укам мўйлабини қорайтган ҳовли.

Томирларим ўсар юракка қараб,
Сопол косадан сут хўплаган хурдай
Отамнинг белига боғланган этак,
Ва ўроқ учида ўйнаган нурдай.

Оҳ... олма шохидай титраб кетди дил,
Менинг йўлим олис,
Менинг ичим доғ...
Йироқда отамнинг қизидай чопиб,
Қадоқ қўлларига сув қуяр қишлоқ.

Гулранг бекатларга ўзин отар кун,
Шажарлар матлаби худога етар.
О, шошқин майсалар тўлқини бехос
Ҳавонинг кўксига урилиб кетар.



Кўкнинг кулгичлари нурланар ёрқин,
Шуълалар таъмига қонар тепалик.
Сарвқад теракларнинг елкаси оша
Саболар дунёча қилар телбалик.

Тўнкага қоқилиб кетар тушмагур,
Фурсат куртакларнинг томини бузар.
Пастқам кулбаларнинг теппаларида,
Қантак ўрикларнинг маззаси сузар.

Бахмал номаларда куннинг дастхати,
Қирларга рўмолин ечади фараҳ.
Кўкламнинг илоҳий кошонасида
Лолалар ҳақ учун кўтарар қадаҳ.

АВГУСТ ТУНИ

Ёнғоқларнинг тўнин йиртар август тунни,
Совуқ хатлар дарчаларнинг йўлагидан.
Саратонда қўли куйган шаббодалар,
Кийиб олмиш шамолларнинг қўйлагидан.

Ҳаволарга бошин урар оқ ғунчалар,
Жўяк хатлаб бели синмас теримчи қиз.
Олча гулли рўмолнинг четларига
Уч чаноқлар илиб тинмас иримчи қиз.

Сувлар тинар, дили тош бу анҳорларнинг,
Тубларида бахмал кунлар поклар сурур.
Сандиғидан олар бўлди камзулини
Мезонларнинг ҳидин ичган энам курғур.

Жавзо пишар, хурмойилар маза сузуб,
Ёз сепларин йиғар адир ўтлоғидан.
Боларилар челақлаб нур ташир энди,
Кишмишларнинг тарс ёрилган дудоғидан.

Хўл кавишда сув сепади келинчаклар,
Мезонларнинг келар йўлин поклар сабо.
Онам тиккан кўрпачалар қатидаги
Ҳолво каби эриб-эриб борар жавзо.

ҚИШЛОҚ

Тонг ўпар қуёшнинг кокиллари,ни,
Турналар қонида чайқалар осмон.
Яшил елканларин ҳавога илиб,
Адирлар сузади кишлоққа томон.

Бахмал беҳиларға тўкилади боғ,
Челақлар ўй сураб ишқомдан нари.
Шамол пастлаб ўтар, хўл новдаларга
Урилиб кетади озгин қўллари.

Ғариб устунларга суянар ҳовли,
Аскардан қайтади тўпори хатлар.
Тандирлар лабида қаймоқлар иси,
Ширмойдан тўлишиб кетар саватлар.

Қуёшга суяниб ўтирар кундуз,
Гулларга нигоҳи тегмаган чорбоғ.
Оқ яктак далалар тафтини кечиб,
Томсиз шийпонларда гишт қуяр қишлоқ.



ОВВОРАМАН

*Кўзларингга жовдирар,
Сарсон висол, саргашта ишқ.
Ёш тўкиб йиртиб яқо,
Ҳижрон билан овворамиз.*

Фарида АФРҮЗ

Дилинг қадим кулбасийда боқийманам, меҳмонманам,
Кириқларинг елкасида шодликманам, армонманам,
Суюқлигим дардинг қалаб, юрагимга ўт қўйдилар,
Ишқинг таъми гуллаётган,
Чорбоғ билан оввораман.

Дийдорпараст ошённингга кўзим билан юриб боргум,
Кўксимдаги шеър лашкари, сўзим билан юриб боргум,
Маним қолмас бисотимсиз ўзим билан юриб боргум,
Жоним чиқар томирдаги
Титроқ билан оввораман.

Худойимдан ишқ сўровдим юрагимга тўкиб берди,
Пешонаминг теппасига исмингни, ёр, тикиб берди,
Дудоғингга борган эдим кулгичларинг сўкиб берди,
Кун қолиб, кундуз қолиб,
Тун моҳ билан оввораман.

Сочларимни рўмолимга ўраб қўйган қушим учди,
Кўзларимда ётмаганим, кўзларимдан тушим учди,
Фаришталар суҳбатига арш оралаб ҳушим учди,
Бунда-чи мен қўлимда сув,
Тупроқ билан оввораман,
Ишқинг таъми гуллаётган
Чорбоғ билан оввораман.

ВАТАН СУВРАТИ

Али тоғлар руҳидек юксалар олам,
Куннинг бўйларидан сукун анқийди.
Тонгга рўмолчасин тутган гиёҳлар
Мовий қўлларида тошларнинг ҳиди.

Зимдан қояларнинг томирларини
Ҳақнинг нигоҳидек бир ишқ уйғотар.
Бунда муҳаббатнинг дийдорларига
Буркалган кенгликлар гуркираб ётар.

Арчалар — худонинг алқаганлари
Дил ёзар,
Дардига бўялиб ёзар.
Шавкат Раҳмон каби ёзар ҳайқириб,
Муҳаммад Юсуфдек тўлғониб ёзар.

Субҳнинг тўлқинида сузади қушлар,
Майсалар тупроқни борарлар ёриб.
Шеърят бошидан сочиб юборар
Нур тўла кўксини Абдулла Ориф.

Адрас ўлкаларнинг сайхонлари-ей,
Офтоб нигоҳларин беркитар соқчи.
Кўзга яқин гуллар, ўтбадан гуллар,
Тонглари йиғлаган ўша алдоқчи.

Малаклар сочига илҳомгул қадаб,
Арчалар кўнглини шеърдек уйғотар.
Шоирлар худонинг алқаганлари,
Шоирлар худонинг алқаганлари
Тошканнынг кўксида гуркираб ётар...



* * *

Менинг ҳаққим майсаларнинг киприклари,
Кўзларимда пишар қантак ўриклари,
Сизга элтар манзилимнинг кўприклари,
Тонгларимни тугиб бергум хаёлларга...

Булутларнинг титроғида тушга киргум,
Ялпизларнинг ўтлоғига ишга киргум,
Бориб-бориб бир девона ишққа киргум,
Бораримда тун чўкмасми малолларга...

Юпанч бўлиб йўлларидан безган ўзим,
Тулпорларнинг товонини эзган ўзим,
Тишлаб юриб томирини кесган ўзим,
Қоним дучор қайтими йўқ саволларга...

Юринг! Дардни даво билан музлатгани!
Юринг! Ҳақни худо билан юзлатгани!
Жоним эсар жонингизни уйғотгани,
Юрагимни илиб қўйинг шамолларга...

Ялпизларнинг ўтлоғига ишга киргум...


ДИЛНАВОЗ ҚҰЛДОШЕВА



Дилнавоз Қўлдошева 1990 йили Охунбобоев туманида тугилган. Ҳозирда Фарғона Давлат университетидида таҳсил олмоқда. 2007 йилда “Ҳайратлар ашғори” номли шеърлар тўплами нашр этилган. “Нафосат” кўрик-танлови республика анжумани, Зулфия номидаги Давлат мукофотиға номзодлар кўрик-танловининг Республика босқичи иштирокчиси. 2008 йилда ўтказилган “Келажак овози” Республика кўрик танлови ғолиби. Шеър ва мақолалари республика ва вилоятимизнинг вақтли матбуотларида эълон қилинган. “Жаҳон отин Увайсий” ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

ҚИШЛОҚ ТУЙҒУЛАРИ

Қишлоқда ўксимас эски деворлар,
Овулнинг омонат кулбаларидай.
Ялпизлар елларга айтар алёрлар,
Булоқлар — қишлоқнинг телбаларидай.



Кўксида соғинчининг кўлкасин тортар,
Оғочга бошини тутган шамоллар.
Қадим дийдорларни ғижимлаб ёғар
Тугзорда илиниб қолган рўмоллар.

Ҳадик ўрлаб кетган кекса жийдазор
Йиллар томирига тугар имконин.
Эҳсон тилаб, тонгнинг дийдасига зор,
Малаклар қоқ тунда титкилар жонин.

Тонгни алқаганча дил туюмлари
Поклик сиёҳига бурканиб олган.
Фаришталар кўчиб кетмаган асли,
Ҳайрат туморига беркиниб олган.

Туйнуклар оралар ҳислар ловуллаб,
Айвонда жайдари лаҳжалар қотар.
Кўнгилда қишлоқнинг ялпизи гуллаб,
Қишлоқ туйғулари гуркираб ётар.

ВАҚТ

Синиқ кўзалардан симирар гулоб,
Тунда майса гилам тўқиган ҳурлар.
Тонгни кучоқлаган гўдакдай юмшоқ
Мўрили кулбага шамол урилар.

Эски деразанинг тирқишларидан
Сизиб кирди яна ёлғизоёқ тун.
Ташқарида хира кўзойнак тақиб,
Мук тушиб ўтирар шамолранг сукун.

Туйнукка тўкилса ой ғажаклари,
Гуллар яралгуси қадимий сирдан.
Яккаш лаҳзалар-ей хиромлар этса,
Ҳаволар рангганиб кетади бирдан.

Фонус кўтарганча ўз овулида
 Қирларда мезбонлик қилаётир бахт.
 Борлиқни қировлар кифтига юклар
 Қамарий тунларни туғаётган вақт.

ОТАМ ДЎППИСИ

Оқшом юрмиш пешонасин дурра кезган йўлларида,
 О, отамнинг чопонини пешайвонлар кийиб тинди.
 Олмазорда тилимланган қўлларида олма кучиб,
 Болакайдек оғиз очган гулайвонга тутар энди.

Отам бир-ла вақт мизғийди бу шамолранг кулбаларда,
 Кулбасида насимларнинг жой танламас телбаси бор.
 Тун болиши четларига боғ кўйлаги илинди-ёв,
 Саратонда бармоғида соч тарайди шафтолизор.

Эҳ, отамнинг белбоғида ҳиди қолса мезонларнинг,
 Ёмғирлари тазарруда қайтиб бермиш тинкасини.
 Шажарларнинг новдалари умр тилаб тирмашади,
 Бахтки, ўшал минг йилда бир ўпа олса елкасини.

Қиқирлайди дарахтларнинг юрагида аҳмар гуллар,
 Рашким анинг қиқирлаган кулгучини тўсгум деди.
 Воҳ, отамнинг дўпписига кўчиб олар шафтолилар,
 Шу дўппига юрак қоним қадаҳмонанд сузсам эди.

* * *

Фурур сочи кесилмишдир, воҳ қачонлар,
 Қисматларда ор ичмади хонумонлар.
 Шафтолилар ўйнамас бу гулайвонлар,
 Булки айвон ёсуманнинг айвонидир.

Ҳақ қафтидан нур ичмаса — сабомиди,
 Ҳайқириқлар ҳайқирдию — гадомиди?



Адоликнинг манзиллари адомиди?
Бу адолар ўлашларнинг тугёнидир.

Лола учган ҳалинчаклар шамолники,
Қалдирғочнинг қадри куйса, заволники.
О, турналар рўмол ёпса, висолники,
Булки висол ғулуларнинг поёнидир.

Ғам косаси дарз кетди- ёв дасти жоним,
Иддаолар жами тўлмиш баста жоним.
Дилгир руҳда ўсаётир қасди жоним,
Маним кўзим мовий гуллар карвонидир,
Мовий ашқлар ёмғирларнинг хандонидир.

* * *

Киприкларим нимталайди шом,
Илҳак турар кўнглимнинг кўзи.
Гуллаб ётар шеърпараст оқшом,
Бу умримнинг ибодат сўзи.

Ортга қайтди туманлар ичра,
Деворларни сийпаган диллар.
Ва лаҳзада ўпди бокира
Шажарлардай муслима йиллар.

Шийпонлардан мўралар олма,
Тарновлардан томар ҳайқариқ.
Ёронгуллар титраган палла
Ул олманинг юраги синиқ.

Хуржунида оғамнинг тўни,
Ё сафарга отланди қишлоқ.
Тебранади тикилган кўйи,
Синглим кўзи — ўша кўзмунчоқ.

Сукун ичган тонг товушида
Малакларнинг ҳар ёни қолгай.
О, онамнинг оқ ковушида
Қадамларнинг тугёни қолгай.

Вақт додига фараҳлар қонди,
Видо йўллаб хўрсиниқларга.
Бир тутам шом илиниб қолди
Киприкларим синиқларига.

ИШҚ


Юрагимдан гул кўчирди сўзоналар,
Ҳақ буюрди — ишқ ичирди сўзоналар.
Ўзимгача яшалмаган лаҳзаларни
Кечирмади ё кечирди сўзоналар.

Бахт дедиму бахт бозорин хароб этдим,
Ўз исмига исминг билан жавоб этдим.
Бир қатрасин ўз умримга асрамасдан,
Яшаш илмин ҳар кимсага хитоб этдим.

Ёмғирларнинг дарчасини ёпди кўзим,
Ва шу ёмғир киприкларим ўпди кўзим.
Туманларда қақшаб-қақшаб ғурбат аро,
Қисмат отлиг қайлигини топди кўзим.

Ташқарида вужуд қулдир итоатда,
Ичкарида дил гуллари ибодатда.
Иккисининг сарҳадида умр кечиб,
Ёзиб, ёқиб, ёниб ўтмоқ ҳидоят-да.

Бу қўрғоннинг малаклари тўзар бўлди,
Ковушлари товонимни эзар бўлди.



Ман ўзимни бутлаб-бутлаб қайтунимча
Сўзоналар дилимга ДИЛ чизар бўлди.

Юрагимдан гул кўчирди сўзоналар,
Ҳақ буюрди — ишқ ичирди сўзоналар...

БЕКАТДАГИ ҲЎЛАР

Дақиқалар ичар куннинг ҳобини,
Энг сўнгги қултумда вақт нашидаси.
Мудом бедарвоза бекатлардай жим,
Ёмғирда ивиди дунё дийдаси.

Бекатлар. Манзилга қоқилган соқчи,
Тўлғонмай кузатар кимсаларни гоҳ.
Бирда тубан, бирда баланд каслардан
Ботини титилиб турган суҳбатгоҳ.

Кўнгли озар ногоҳ оғизлар бетин,
Яп-янги сўзларни кавшаган дамлар.
Ёмони — лаҳзалик таскин қидирмас
Автобуслар ютиб кетган одамлар.
Бариси қалтисроқ туюлар, эссиз,
Бу оғир оёқлар қимирлаганда.
Бекатлар зарралаб тўкиларди гар
Кунларнинг сабрини симирмаганда.

Кун тамом. Шомини қувиб келди вақт,
Нуқталардан юлиб содда кўзларни.
Тунда фаррош шамол кетди супуриб,
Чайнаб ирғитилган эски сўзларни.

Дақиқалар ичар куннинг ҳобини...

ҚАЙТИШ

1

Куз сиртмоқ солади эски йилларга,
Кузакнинг бошида ҳасрат рўмоли.
Соялар суяниб қолган йўлларга,
Хазонлар буйнида йиллар малоли.

Дақиқалар шомнинг сўнги маҳбуби,
Титроғи улғайди ғамгусорларнинг.
Япроқлар пинжида кузнинг мактуби,
Эртаги тугади майсазорларнинг.


Хазонрез битиклар ёнар йўлакда,
Кетдим. Кузакларнинг кўзидан тониб.
Бир кун ҳузурингга олов куйлакда
Ловуллаб қайтаман куз каби ёниб.
Куз сиртмоқ солади эски йилларга...

2

Куз каби ловуллаб қайтдим бу кеча,
Қаро сочларингнинг қораларига.
Охир сингияпман тирноғимгача
Туташ қошларингнинг ораларига.

Илинж парчалайди тун бўйи маҳзун,
Ғамларингнинг азал ғамхонасини.
Фаришталар бекам супурар ҳар тонг
Бокира лабларинг остонасини.

Кифтингга юрагим опичлаб қўйиб,
Ўзим қароғингда муаллақман, жим.
Мени кўзларингнинг зарбидан асраб,
Кипригинга илиб қўйганми танграм.



Мен ўзим ўзимни ўғирлаб қўйиб,
Худодан ўзимни талаб оламан.
Магар кипригингдан тўкилиб кетсам,
Бу кеч кўзларингда тунаб қоламан.

Куз каби ловуллаб қайтдим бу кеча...

САВОЛ

Девоналар дилхонага инди, оға,
Косада қон шаробдайин тинди, оға,
Ул косалар майхонада синди, оға.
Айтинг, манам майхонада синаманми?

Ёсуманлар кипригимни танлаб кетган,
Орсиз-орсиз сочларимни санаб кетган,
Қаҳр қўли қўрғонимни талаб кетган,
Ман таланган қўрғонларга кўнаманми?

Қақшаб ётар юрагимнинг ёриқлари,
Қирқ йилда бир жон қирқади оғриқлари.
Рухга қайтар оқ руҳимнинг синиқлари,
Ман руҳимнинг қон рангидан тонаманми?

Додлар айтсам, томиримга томир яқин,
Ўт умримга қаландарий умр яқин.
Исён кетар... бу лабларга шивир яқин,
Адашгувчи шивирлардай тинаманми?

Рўшнолигим расоликда тузасалар,
Гул исмимни кузак бирла кузасалар.
Илинж сўрсам, ҳукмнома узатсалар,
Ман ҳукмнинг заҳмидан-да қонаманми?

Кўзи қалаҳ найсонларга ичикдимми,
Ёмғирларни хўплаб-хўплаб очикдимми,
Ё қисматнинг жангларига кечикдимми,
Шул жанггоҳда ор ютмоққа қонаманми?

Девоналар энди ҳаққа сингди, оға,
Косада қон шаробдайин тинди, оға,
Ул косалар майхонада синди, оға,
Синсам магар девонадай синаманми?
Дилхонада қадаҳ синди, ўшал манми...

ФАРРОШ ШАМОЛ

Кўҳна чинор борлиқларнинг ясовули,
Тунлар соқчи тайинлайди шамоллардан.
Сукунатлар кўниб кетар жимликларга,
Хўрсинади майса оний малоллардан.

Янграб кетар туннинг юрак зарбалари,
Сергакланар ёйилганча тиловатлар.
Қон-қонида хавотирлар сизиб борар,
Ридоларга ўранади ҳаловатлар.

Туннинг кифти оғирлашар ғийбатлардан,
Уйғоқ тоғлар битиб кетар сўзларини.
Япроқларнинг маҳбублари силай бошлар
Дарахтларнинг ажин босган юзларини.

Синоатин лаҳзаларга беркитишар,
Туну тонглар — пичирлашган дугоналар.
Илинжларда кўзмунчоқлар тебранади,
Дийдаларда сокинликдан нишоналар.



Ҳаяжонлар туртиб ўтар майсазорнинг
Оқликларга ланг очилган дарчаларин.
Тонглар ҳали оқармаган сочларида,
Супуради эски туннинг парчаларин.

ЯРАДОР ТУН

Тунлар емиради ойнинг қоматин,
Юлдузлар оқшомнинг оталиғида.
Шомлардан дам-бадам отилган ўқлар,
Ярадор уфқларнинг оралиғида.

Асрий лаҳзаларга асрар тераклар
Ёмғирлар сийпаган савлатларини.
Насимлар гулобни ҳўплаган янглиғ,
Қадақлаб ичади сукунатларни.

Соатлар минг йиллик бонгини уриб,
Сабр қулбасида гуллар бетизгин.
Фурдатлар оғриқдан покланиб олар,
Кексайган қишлоқни ортмоқлаб секин.

Тўққиз ойлик тонгнинг таъбида титроқ,
Нурлар титкилади кузги тугунни.
Вақтнинг суронлари олди опичлаб,
Қадаҳлаб ичилган ярадор тунни.
Жимлик...

ЎН ЕТТИМ ТУҲФАСИ

Фурдатларнинг оқ илғамас қароғлари,
Ўн тўртимнинг илинжларин саралади.
Келгунингча ўн бешимнинг таёқлари,
Ўн беш кунлик дийдоримни савалади.

Юрагимга мўралайди ҳавотирлар,
Истакларнинг жон тиланган ёҳусидан.
Ўн олтимнинг савлатлари қариб бўлди,
Ўн олти минг ёсуманнинг жодусидан.

Ғўр шамоллар йилларимни қувғин этса,
Сўролмайман кузакларнинг аҳволини.
Бора-бора тиканларни суйсам керак,
Жим изладим ўн олтимнинг малолени.

Шомлар интиқ, тун кўйлагин кийиб бўлмас,
Гулоб тутса сукунатнинг суйгулари.
Кўз қадалган манзилларнинг томирига
Ўрмалайди ўн еттимнинг кулгулари.

Фурсатларнинг оқ илғамас қароғлари,
Сен алқаган туюмларни саралади.
Келгунингча, ўн еттимнинг таёқлари
Ўн олти минг ёсуманни савалади.

Савдойидек ўн саккизим чимчилайди,
Энди синмас гуноҳларнинг сандиқлари.
Қолиб кетди ўн еттимнинг туҳфасидай,
Кўзларингда кўзларимнинг чандиқлари.

Кўзларимда кўзларингнинг чандиқлари.

Илмиддин УММАТАЛИЕВ



1987 йил Фарғона туманидаги Чимён қишлоғида туғилган. Ҳозирда “Мумтоз медиа” студияси ижодий ходими, ҳазрат Хувайдонинг еттинчи авлоди. “Оқ шом” номли шеърӣй тўплами 2009 йилда “Фарғона” нашриёти томонидан чоп этилган. Айни кунда ФарДУнинг 1-курсиди ўқийди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўғараги авзоси.

ОЛИС ЙЎЛ

*Ит ҳура, карвон ўтар.
Халқ мақоли*

Саҳрода изғиган туяман,
Оро кирар жонимга янтоқ.
Ва ундан илиқлик туяман
Жонимга, тиканлар яқинроқ.



Билганим, манзилга етаман,
Ўрқачим пасайиб қолмасдан.

Бош эгиб борадир сарбоним,
Бардошин юзимга солмасдан.

Борарман...
Жонимга жон керак,
Ортимда ғийбатим бир талай.
Дардлардан умидсиз бу юрак,
Сарҳадлаб бормоқда ҳарқалай.


Дил эзар умидсиз олис йўл,
Етмоқлик бормикин манзилга.
Кўнглингни бўшатиб, эй кўнгил,
Қўл берма умидсиз кўнгилга.

Сабрни ортмоқлаб бораман,
Кум тўлиб нур тўла кўзимга.
Ғийбатлар юкидан ҳораман,
Солмасми дунёлар юзимга.

Биз қачон егамиз,
Бахт дея аталмиш дунёга.
Бир олам орзуга эгамиз,
Дил яқин, яқинмиз худога...
Йўл олис...

РАЪНО

Хаёлимдан кетмайди,
Хаёлим ҳам етмайди.
Қалдирғоч қайтмагунча,
Ўзгани ёр этмайди.
Бир қиз...
Раъно.



Ўн саккизга кирмаган,
Бирга суҳбат қурмаган.
Ҳатто эсан сабога
Ой юзин ўптирмаган.
Хур қиз...
Раъно.

Ҳусни ойга овоза,
Таъриф топмайсан ёза.
Пари, шаҳризодадир,
Фариштага андоза.
Гулюз...
Раъно.

Ҳали нозик гунча у,
Дил ошиғи нечаю...
Ҳар бирини ўйлатиб,
Хаёлида кеча-ю
Кундуз...
Раъно.

Қалдирғочни ёрлаган,
Баҳорига чорлаган.
Осмонимни тўлдириб,
Қалбимдаги порлаган
Юлдуз...
Раъно.

Ушшоқ юрти нур, оқлик,
Қийин уни кўрмоқлик.
Армон бўлса наҳотки,
У ерлара юрмоқлик.
Эсиз...
Раъно.

Қўлга бериб қўлингни,
Бериб кетгин кўнглингни,
Йўқса дунёлар қандай
Суяр Илмиддинингни.
Сенсиз...
Раъно.

БАҲОР ИСИ

Кўксимга урилар баҳорлар иси,
Қишни йиқитмоққа сиғмади ҳадди.
Мени балолардан асрагувчиси,
Онамнинг намозга эгилган қадди.

Яшиллик яшарар, дил тортар кўркам,
Қулоққа чалинар бахт азонлари.
Уйимда биринчи кўклаган кўклам
Онам пойидаги жойнамоzlари.

Товоним қирқади қор ичган тошлар,
Тишимга ботади қишлаган беҳи.
Руҳимни осмонга кўтара бошлар
Онамнинг қўлидан тушмас тасбеҳи.

Само булутлардан юборар гуллаб,
Тоғларда оқарар қишнинг дардлари.
Кўкламга омонлик, эсонлик тилаб,
Онамнинг юзида юрар кафтлари.

Кўнглим қалдирғочни қўлидан ушлаб,
Сувларга кўшк урар эланиб такрор.
Чунки гул кўнглига омонат ташлаб,
Онамнинг кўнглидан келмоқда баҳор.

Кўксимга урилар баҳорлар иси...

КУЗ

Шамол. Новда. Совуқлик малол...
Келаверар қиш кунларига.
Кўпчиб ётар қирлар бемалол,
Тушин айтиб ёз гулларига.

Мужда кириб келмас баҳордан,
Осмон қоқар қиш пардасини.
Эски айвон зерикса қордан,
Тарнов сочар бор зардасини.

Осмонларга сиғмаган ёмғир,
Савалайди қорли ерларни.
Хижолатдан хўрсиниб оғир,
Осмон силқир қишки терларни.

Гиёҳ битар тошли йўлларга,
Ерга тушган фаришта нурлар.
Япроқ битиб борар гулларга,
Ёздан совчи бўп келган кунлар.

Саротонда йўқолган рангин
Топиб борар кузги мевалар.
Исмин айтиб қуллуқлар тангрин,
Ўзгаришиб кетган шевалар.

Ва хиёнат бошланар дамда,
Ҳамма нарса ўйланган пухта.
Барг қизарар, ёзги оламда
Дард тугади.
Куз қўйди нуқта.

Шамол. Новда. Совуқлик малол...

СИНГЛИМ


Синглим Гавҳаройга

Кўзларинг қорасида
Гавҳардайин ой кўрдим.
Дардларинг сарасида
Садоқатинг бой кўрдим.
Ҳаёт оворасида
Тошдай қотдими дилим,
Ойнинг бағри доғ, синглим,
Юрагим адоғ синглим.

Тунда ёққан ёмғирлар
Кўнглим бокира этса.
Наҳот кўнгли оғирлар
Кўнглим оғритиб кетса.
Бу дард қачон охирлар,
Тишимга ботар тилим.
Ойнинг бағри доғ, синглим,
Юрагим адоғ синглим.

Отамнинг кўзларида
Кўзингни кўриб ўтсам.
Онамнинг юзларида
Юзингни кўриб ўтсам.
Мен тақдирнинг нарида,
Тутиб тургайман кўнглим.
Ойнинг бағри доғ, синглим,
Юрагим адоғ синглим.

Биз йиғлатган кечалар
Тонга ҳасрат айтмаган.
Сувда оққан кулчалар
Кўприкларга қайтмаган.
Мен нодонман бунчалар,
Ризқинг тутмади қўлим,
www.ziyouz.com kutubxonasi



Ойнинг бағри доғ, синглим,
Юрагим адоғ синглим.

Айвоним райҳонлари
Қўлингдан сувлар ичар.
Кўнглимнинг баёнлари
Кўнглингдан қандай кечар.
Сен ўзингдирсан бари,
Райҳону атиргулим.
Ойнинг бағри доғ, синглим,
Юрагим адоғ синглим.

ҚУМ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Гап отмасдим сенга атайлаб,
Юрар эдим гапдан авайлаб.
Келунингча келиб ҳайратим,
Ўтганингда зимдан ҳай-ҳайлаб...
Бир қирда, бир сирда турардим,
Чунки сени яхши кўрардим

Сувга чиқсанг келар сув кечгим,
Чунки сендан келмайди кечким.
Ёмон эдим, ёмондан асраб,
Кўчангда йўқ бўлса-да ҳеч ким,
Ўнг йўлингни чапга бурардим,
Чунки сени яхши кўрардим.

Кўзим тиксам, осмон беқасам,
Қалқир эди тилларанг косам.
Келар эди сени овутгим,
Сепкил тўла юзингга боқсам.
Хол бўлар деб хаёл суарардим,
Чунки сени яхши кўрардим.

Рўмолларинг ўйноқи эди,
Ўйнаб йигит ёшимни еди.

Олам ўтганмикин оламдан,
 Бир кун кимни севасан? — деди.
 Асли буни сендан сўрардим,
 Чунки сени яхши кўрардим.

Ўша дилгир, ўша қувноқман,
 Лек барибир совуққонроқман.
 Бефойдароқ ўтган бўлса-да,
 Энг зўр куним, нузар қумлоқдан
 Сенга атаб уйлар қурардим,
 Чунки сени яхши кўрардим.

Бугун қўлга йўлим қайтардинг,
 Қўлимда қум, билинди қадринг.
 Уйинг бузиляпти, эркалаб
 — Сенга тегмайман, — деб айтардинг,
 Буни сендан яхши билардим,
 Чунки сени яхши кўрардим.

Сепингни бут этгунингча то,
 Балоғатга етгунингча то,
 Бахтинг етиб, балоғат битиб,
 Сен қишлоқдан кетгунингча то,
 Яхши яшаб, яхши юрардим,
 Чунки сени яхши кўрардим.

“Келин бўлдинг, ўзинг ўйлаган”,
 Дея куйлаганим, куйлаган.
 Ўғил кўрдинг, кўрдим қўлмакда
 Қум уй ўйнагани, ўйнаган.
 Қара ўғлинг олибди дардим,
 Чунки сени яхши кўрардим.

Севганинг ким ойдан сўрайман,
 Кўчанг кўрсам юзим бураман.
 Қишлоғимдан кетган кунингдан

Яхши яшаб, яхши юраман.
Бир қирда, бир сирда турарман

Фақат хушёрроқ бўл ўглингдан,
Деса қумдан уйлар кураман,
Уйинг бузилади демагин,
Ўглингниям яхши кўраман,
Чунки сени яхши кўрганман.

ЙИҒЛАЙДИ

Ковушини ечиб ястаниб ётган,
Тоғларнинг бошида қорлар йиғлайди.
Юрагимда ёрга етолмай юрган,
Ёрига вафодор ёрлар йиғлайди.

Тишимдаги тошнинг чақинларида,
Олис қишлоқларнинг яқинларида.
Тилимнинг учидан, бўғзим қаърида,
Тишимга тортилиб торлар йиғлайди.

Ажинлашиб кетар сойлар қирғоғи,
Булутларни ўрар ойнинг ўроғи.
Отдан тушса қийнаб эгар фироғи,
Осмонидан тушмас хорлар йиғлайди.

Мақр қишлоғидан ўтганда зоғлар,
Тун бўлиб тонглардан ютганда зоғлар.
Атиргул лабидан ўлганда зоғлар,
Булбулнинг лабида зорлар йиғлайди.

Кўз ёшимни артиб увишар кўлим,
Ҳар битга нафасда қувишар ўлим.
Кўнглимга ачинма, кўникким кўнглим,
Чунки унда дарди борлар йиғлайди.

Тоғларнинг бошида қорлар йиғлайди...

* * *

Шеъримни кучоқлаб туш кўраман тинч,
Онам ёпган нонлар димоғимники.
Отамни кулгани яшашга илинж,
Ҳар битта нафаси қулоғимники.

Офтобдан қорайиб қора бўлганман,
Қаттиқ нон қотирган дийдаларимни.
Чангиган кўчангда чанг ютган танман,
Кемшик тишда тамшаб жийдаларимни.

Оёғимга кирган кўзтиканларим,
Бегона назардан асрар қадамда.
Мағрурдир мен билиб кўз тикканларим,
Юз бурмас юзимдан тафт кетган дамда.

Мўрилардан чиққан илиқ тутуним,
Нопокка қора деб ука тутунса.
Шундай нокасларинг ошириб хуним,
Ғашимни келтирар,
Юқсиз ютунса.

Барибир мағрурман
Йўлингда,
Сабаб
Оёғим яланглаб яйраб юраман.
Сени борлигингни кўзимда асраб,
Сени борлигингни яхши кўраман.
Ваган...

ДУНЁ

Хуркак босган қадамларингдай,
Майдалашиб кетяпти дунё.
Юрагимни тескари ушлаб,
Май талашиб кетяпти дунё.



Ўз билгани билган қалбимнинг,
Омади кеч келган қалбимнинг.
Сўзинг билан тилган қалбимнинг
Чандиғида битяпти дунё.

Нурланади юзларинг ҳатти,
Айирмоққа кимнинг бор ҳаққи.
Ҳижрон деган ишқнинг хилқати
Иккимизга етяпти дунё.

Кўнглим ипи торларда қолган,
Кўнгилсизлик сорларда қолган.
Чўғ ахтариб қорларда қолган
Кулларини титяпти дунё.

Дунё бошқа, юрагим бошқа,
Нафим бошқа, тиргагим бошқа.
Лекин сенга керагим бошқа,
Йиқилишим кутяпти дунё.

Яшолмайсан ҳаётдан нолиб,
На яшайсан ҳаётда қолиб.
Хаёлимдан сувратин олиб,
Кўзларимга тутяпти дунё.

Кўзингни юм, кипригин санай,
Кафтингни бер, тафтида тунай.
Дунё, ахир мен қандай кўнай,
Кимни бахтли этияпти дунё.

Юрагимни тесқари ушлаб,
Май талашиб кетяпти дунё.

ШОИРЛИК

Мендек ҳеч кимнингги ҳечлар йўқлади,
Ҳолимдан хабарлар кечлар йўқлади.
Аросат аксирган совуқ кўчангда,
Ҳижрон деган мискин қорним тўқлади.

Кўнглимга ишондим, сенга ишондим,
Нодонман! Мен билан тенга ишондим.
Тиззам букиб кетди кимга ишонсам,
Ёқам йиртиб наҳот, енга ишондим.

Оёғим тойитди чўнқир кўчалар,
Юлдузлар кўзим чўқиди кечалар.
Кўксим тепиб-тепиб телбалаб кетди,
Юракка айланган кийикваччалар.

Мен битта шоирроқ бола эдим-ку,
Тонгда онгин билмас, тунида уйку.
Қайда мен ўпмаган тикондай дардлар,
Қайда қолди мени қучмаган қайғу.

Беармон хўшладим кўзим ёшини,
Тупурмай чайнадим келган тошини.
Кўл силтаб кетишга етмас имконим,
Қай имкон эслатмас юракдошини.

Кўчангни чангитар хаёлим шашти,
Шудир ҳижрон гашти, шу қисмат гашти.
Шоирроқ болайдим сени наздингда,
Лекин шоирлигим сенсиз ярашди.

Қара, шоирлигим жуда ярашди...

Гўзалхон ЭРГАШЕВА



1993 йил 4 январда Кува туманида туғилган. "Марғилон мушоираси" танлови ғолиби, Зулфия номидаги давлат мукофоти республика босқичи қатнашчиси.

Кувадаги "Нафосати Надимий" тўғарагида таълим олган.

БИЛКИ...

Кўзларимнинг оҳ лолазор қирлари бор,
Ўздан бошқа ҳеч ким билмас сирлари бор,
Юрагимнинг юрак отли шерлари бор,
Ўшал шерлар вужуд деган қафасдадир.

Оқ кўнглимда фаришталар қилар пардоз,
Жоним билан кураш тушар ғолиб бардош,
Чўғ кўксимда тунаб қолар ўктам кўёш,
Кенг бағримда ой ухлашга ҳавасдадир.

Энди қалбни бургутларга тутажакман,
Широқдайин жасоратни кутажакман,
Йиғлаб-кулиб нафрат билан ўтажакман,
Менинг қасдим ўшал сотқин нокасладир

Сиз боражак, мен боражак йўлим битта,
Шу ерларда хандон отиб кулинг битта,
Худо билан йўлим битта, дилим бигта.
Каъба каби бизнинг кўнгил орастадир.

Бир кўйлақда қишдан ёзга чиққан гулим,
Биз боражак манзил гулзор, йўллар сўлим,
Ёмонлик-ла курашмасанг, ўзбек элим,
Билки... Гўзал воҳ энг сўнгги нафасдадир.

БАҲОР СОҒИНЧИ

Осмон шивирлайди, ер тинглайди жим,
Насимлар маъқулар унинг сўзини.
Мен-чи юрагимга экиб боряпман
Тоғнинг асраб олган ўғай қизини.

Куёшни ўпмоқчи бўляпти қоя,
Эвоҳ, тупроқларда майса изи бор.
Менман қора рангдан кўрқиб, сочини
Энг оппоқ қорларга чулғаган баҳор.

Тўсатдан кўнглимга кириб келар ишқ,
Шамолни маст қилиб кўйди-ёв гуллар.
Кучоқлаб кетяпти ана ялпизни,
Янги йўлақларни кашф этган сувлар.

Ёмғир бахт куйини кўяр тўлдириб,
Совуқ еб букчайиб қолган хонамга.
Ўрик гулларига ўралган сурат
Энди ўхшаяпти мунис онамга.

Дарахтлар кимнидир кутар пичирлаб,
Тераклар ҳайқирар, кулади куртак.
Баҳорни елкада келар опичлаб,
Майсанинг ҳидига сингиб оқ яктак.



Отамга пешвоз чиқ гулларинг билан,
Чехрасига офтоб суратини чиз.
Хира туманларни бағрига босиб,
Юрагимдан лола тераётган қиз.

БАХТЛИ ФАРЗАНД

Куёш тупроғингга нур сочиб бахтли,
Юлдузлар бағрингга тўкилмоқ истар.
Онамнинг исини сеза бошлайман,
Ватаним, тўнгларинг отганда маҳтал.

Юксак чўққиларда бедордир руҳим,
Боғларинг ёритар тунда оқ яктак.
Кўкни кучган қадди баланд тоғларинг
Отам қоматидан бўй олса керак.

Гулинг кўзларимда уйғотган меҳр,
Шамол аллалаган бешикларимни.
Куйлайман мен энди то сўнгги қадар,
Ватан деб англаган кўшиқларимни.

Турналар қайтади хушхабар билан,
Лайлак ташлаб кетмас бир кун қишларинг.
Ватан, менда кўриб юртнинг хуснини,
Кўксимга қўнади Ҳумо қушларинг.

Тупроққа юз буриб туради осмон,
Гулга айлангани ойлар ҳам ҳалак.
Билмадим, ўзинг айт, эй Ўзбекистон,
Энг бахтли фарзандинг мен бўлсам керак.

БАҲОР

Куёш кўйлагини оҳорлаб қолди,
Денгиз кўлин олди унинг бўйнидан.
Кўзларим осмонга теккан маҳали,
Битта илҳом тушди юрак кўйнидан.

Шамол илҳомимни стаклар олдин,
 Куёш осмонларни йиртиб милтиллар.
 Анҳорлар бағрида шилдирар олтин,
 Лола кучоғида уйғонар диллар.

Майсалар ўнади товонларимни,
 Бойчечак қўллари бунчалар қадоқ.
 Қалблар илҳомининг довонларини
 Шабодалар кутиб ётибди муштоқ.

Оддий бир новдага бугун кирди жон,
 Гуллаб бахтин айтди қаторма-қатор.
 Дилларда уйғонди бардавом карвон,
 Сувлар қўлларига олмоқда дутор.

Қалдирғоч лабида Ватан тупроғи,
 Қаноти беркитар титроқларини.
 Асли у ўзининг уйини эмас,
 Қурмоқда Баҳорнинг қишлоқларини.

ГУЛЛАРНИ СОҒИНДИМ

Гулларни соғиндим, ишқим билинди,
 Қалбга нина санчган тиканлар синди.
 Бу тонг кипригимга куёш илинди,
 Нигоҳимни чўғда улғайтдим яна.

Тарновни титратган товушлар энди,
 Бўрон шиддатига қовушар энди,
 Узр, лой босмаган ковушлар энди,
 Отам этигига сир айтдим яна.

Қаҳратон боғлари қолди хувиллаб,
 Қирнинг кўкси ёнар ана ловуллаб,
 Барг ёзди ялтираб ўрикдек гуллаб,
 Юракка экилган дарахтим яна.



Мен фақат гулларга бўламан насиб,
Гул менга муносиб, гунча муносиб.
Кафтдек осмонларни бағримга босиб,
Тупроққа ёзаман дастхатим яна.
Гулларни соғиндим...

ЗОМИН ТОҒЛАРИ

Отам қоматидек қоялар улкан,
Осмонни кўтариб турган бир тиргак.
Ҳикматга йўғрилган харсанглар ўктам,
Тошларга тўкилиб кетади юрак.

Бу азим йўлларнинг тупроғи азим,
Азиз қадамларга очган кўксини.
Қуёшни бағрига олар арчанинг
Осмон тикиб берган яшил пўстини.

Қадим тарихлардан сув ичар, ҳайҳот,
Тупроқни кучоқлаб олган илдизлар.
Баланд тепаликда қилишади жанг
Тоғнинг кўзи билан тўқнашган кўзлар.

Бу қоялар менинг аждодимми, ё
Кўл ушлашиб турар бешиклари бир.
Тупроқдан отилар келиндек гўзал
Ойни чўмилтирган анҳорлар абжир.

Бир нигоҳда қара, кўзғалма ҳатто,
Кипригингга кўниб тургандек лочин.
Шууригимга сизмас бундай хилқатни
Сен қандай қалбингга сиздирдинг очун.

Энди юзни буюк тоғларга босиб,
Ор ичган бургутга кўлим чўзаман.
Руҳимни энг баланд чўққига осиб,
Зомин тоғларидек шеърлар ёзаман...

ШАҲД

Юрагим ёлғиздур, кўксим ҳувиллар,
 Жисмимдан тоғларга кўчади диллар.
 Шамоллар қаерда айтинг, эй гуллар,
 Мен шу шамолларни излаб юрибман.

Узоқ манзилларга кўзлар нигорон,
 О, қалбдан ғуборлар ювилар қачон.
 Ҳар битта одамга бахш этгувчи жон,
 Серсув Оролларни излаб юрибман.

Юрагимга Ватан қасрини қурган,
 Бобом белбоғини бойлаб улгурган.
 Онажоним бошдан туширмай юрган
 Оппоқ рўмолларни излаб юрибман.

Биз ўчмас гулханмиз билинг-эй, ёвлар,
 Ҳар нени ёндириб кетар оловлар.
 Кўлимиздан олиб эгар-уловлар,
 Қочган даллолларни излаб юрибман.

Фақат бахтлар солар солса шовқинни,
 Энди осмонлар ҳам сочар ёлқинни.
 Энди мен куйлайман улуғ халқимни,
 Зафарли йўлларни излаб юрибман.

ИЧИМДАГИ УРУШЛАР

58 Мен билмайман, қай кўчанинг қайси уйи меники,
 Мажнун додлаб йиғлаб айтган маҳзун куйи меники.
 Ёлғиз Оллоҳ дуо берган мангу тўйи меники,
 Шу тўйларни асраш учун қонлар кийган қиличлар.

Фаришталар кўзларимнинг қорасига тикилмай,
Тилсиз ишқлар юрагимнинг орасига йиқилмай.
Кўҳна замин қалбимнинг минг порасига сиқилмай,
Дил порага чора топмай бул қандайин юришлар.

Хурлиқолар қўниб олар гард қўнмаган дардимга,
Ўтмишларим дуо ўқир ўтиб кетган қадримга.
Менинг ишқим қолишини истамасдан Тангримда,
Муҳаббатга сотар дилни сотқин кўнгилфурушлар.
О! Жонимга санчиқ берар ичимдаги урушлар.

ҚУШЛАР

Тўрт деворда хотиржам, беғам,
Ўзим била яна ўзим банд
Худди олам ёритгандай шам,
Шеърларимга боқади хурсанд.

Ой уйимга истар кирмоқни,
Изн бермас бунга дераза.
Меҳробларга ёруғлик, оқни
Йиғиб ташлаганман, қарасанг.

Тонг ютарда подалар ўтар,
Осмонларни тутар овозлар.
Мени нуқул айвонга тортар
Менга жуда таниш парвозлар.

Гулдонларда ўсмайди тикан,
Асло тинчлик бермайди тушлар.
Ҳовлидаги чумчуқмасмикан
Ўзга юртга учаётган қушлар

Абдуманноб МАНСУРОВ



Абдуманноб Мансуров 1992 йилда Охунбобоев туманида туғилган. Ҳозирда Фарғона Политехника институти қошидаги 3-академик лицейда ўқимоқда. 2005 йилда “Ўзбекистон маданият ва санъати форуми” жамғармасининг Республика “Янги авлод” фестивали, 2009 йилда “Келажак овози” танлови республика босқичи лауреати бўлган. 2007 йилда “Орзулар чашмаси” номли шеърий китоби нашрдан чиқди.

ҚИШЛОҚ

Тонгнинг боғларидан тарқалди туман,
Осмон тандирига қуёш ўт ёқар.
Боғ оралаб ўтган ариқда чаман,
Яшил япроқларнинг яноғи оқар.

60

Туйғулар кўнгилни наққошдек ўяр,
Тутзорга етаклаб кетади хаёл.
Саҳарлаб ҳовлини супуриб қўяр,
Онамнинг кўринмас келини — шамол.

Шомда шафақ қолар пойида тунаб,
Қайноқ юракларда қайноқ тилаклар.
Ошноқ гуларидан боладек қувнаб,
Варрак учиради кўҳна тераклар.

Боларилар туга олмас ҳушини,
Боғнинг саҳнасида қушлар най чалар.
Шаббодага айтар оппоқ тушини
Киприклари ивиб кетган майсалар.

Айвон, баҳор дўппи тикиб ўтирар,
Игнага қадалган яшил қароғи.
Қадоқ қўлларида қадин кўтарар,
Отамнинг отамдек кекса ўроғи.

Улғайиб боради кун сайин япроқ,
Тўлишиб боради меҳридан бошоқ.
Пиёладек тутиб тупроқларини,
Деҳқоннинг кафтидан сув ичар қишлоқ.

Тонгнинг боғларидан тарқалди туман,
Осмон тандирига қуёш ўт ёқар.

ВАТАН ҲАЙРАТЛАРИ

Юртим тупроғини ўпиб бир нафас,
Басавлат тоғлардек кўкрак кераман.
Ватан не деб сўранг мендан, ашъормас,
Аввал чап кўксимни тутиб бераман.

Қайноқ юрагидек тандири қайноқ,
Дастурхонда гуллар ширмой нонлари.
Ҳатто пешонада терлари ҳам оқ,
Ҳуснидан туғилган гул-райҳонлари.

Халол меҳнатидан кўнгил хушлатиб,
Деҳқон чаноқлардан оппоқ бахт терар.
Юрагим кўлимга қалам ушлатиб,
Ватан, ҳисларимга исминг дарс берар.

Юрт иси тишлаган тишлоқларида,
Ўзлиги муҳаббат, томири бардош.
Осмонларни кучган қишлоқларида,
Пахса деворларда гуллайди куёш.

Пиёламда меҳринг туради тўлиб,
Яшил ҳаловатинг ҳар битга япроқ.
Қалдирғочларингга ҳур Ватан бўлиб,
Деҳқон кафтларида куйлайди тупроқ.

Ҳар лаҳза ҳис этдим тинчлик нафасин,
Юрагимга эркдан ҳаяжон тўлса.
Нечун турпоғини Ватан демасин,
Инсон шу тупроқдан яралган бўлса.

Юрагим кўлига қалам ушлатиб,
Ватан, ҳисларимга исминг дарс берар.

ЁЗ

Ёз кўкчой симириб ётар айвонда,
Далада тер тўкиб келган деҳқондай.
Жазирама чопар кенг адирларда
Тақа босган тойнинг туёғи қондай.

Тонглари куёшни чаккага қадаб,
Кечда ойни кўкнинг кўксига илар.
Битмаган деворнинг ёриқларида
Чигирткалар тунда ҳофизлик қилар.



Чинор кўриқчилик қилади ҳамон,
Гўзал теваракнинг тунда тушига.
Дон ташимоқ учун чўл хирмонига
Гала чумолилар киради ишга.

Қошларига қора қаламлар суртиб,
Қалдирғочлар кўкда қилади парвоз.
Куёш қотиб қолган кенг далаларда
Нафас олмоқликка ботинмайди ёз.

Ёз кўкчой симириб ётар айвонда,
Далада тер тўкиб келган деҳқондай.

ЯРАЛИШ

Ишқ ила алвон ранг гуллар бетиним,
Куёш ўпиб кетган оташ юракда.
Бетизгин илинжлар олов ёқади,
Кўл чўзса етгудек эзгу тилакга.

Қон бўлиб чопади томирларимда
Ҳайрат тулпорига минган орзулар.
Юракка ёмғирдай ёғаверади ✓
Соғинчдан сарғайган сирли ёғдулар.

Кескир қадамларни кўксига тутиб,
Қайгадир телбадек югурар йўллар.
Яшил ула суртиб яноқларига,
Самодан нур истаб туради чўллар.

Мақсад таранг этиб тортилган камон,
Нафосат юракда уради чапак.
Ой чиқмаган оқшом, титроқли тунда
Юрагимдан чақмоқ сўрайди фалак.

* * *

Кун қонига юзин ювди гулгун шафақ,
Вужудига қора бӯёқ суртди очун.
Қадаҳ олди қўлларига майсалар ҳам,
Сукунатнинг шаробини симирмоқ-чун.

Соқчилардек мағрур турар теракзорлар,
Япроқларнинг қўрқув ўпган жони ҳалак.
Бу тун меҳмон бўлган қора булугларга,
Кўксига қўл қўйиб, мезбон бўлар фалак.

Куй чалади уйқу билмас оқ булоқлар,
Само инграр чақмоқларнинг ёй-тигида.
Бахт йўқлаган лолазорни тушда кўриб,
Шамол ухлар қояларнинг ёстигида.


Кун қонига юзин ювди гулгун шафақ.

* * *

Кундузнинг шифтига қуёш ин курган,
Тонгнинг бӯёғида безанар фалак.
Қордек эриб кетган қора қарғалар,
Ёзни олиб келар кафтида лайлак.

Далаларни сарғиш чопонлар қучган,
Кўшиқлар қуйилиб келади сойга.
Ёшин яшаб қўйган қадим қирларда
Руҳим шамол билан ўйнайди пойга.

Бетизгин шодликнинг қамчисин урар,
Ҳайрат тулпорида кўнгил тилаги.
Гўёки қинидан чиқиб кетгудек,
Кўксимда уради тонгнинг юраги.



Воҳ! Қуёшнинг қайноқ боқишларидан
Юрагимда ёниб кетади алвон.
Чексиз ҳароратни елкага ортиб,
Саҳрода саратон чопади кетмон.

Кундузнинг шифтига қуёш ин қурган.

БАҲОР ТОНГИ

Тонг чертар осмоннинг деразасини,
Бахмал булутларга бўлиб харидор.
Музлаган ариқнинг пешонасидан
Шодликка беланиб ўпади анҳор.

Тўкилар самонинг ишқомларидан
Ёмғирдек бокира гул — ашъор фасли.
Адирлар нур истар инжа кўнглимдан,
Алвонлар юрагим, руҳимнинг асли.

Ифорга йўғрилган гулгун далалар,
Мажнунтол сочидан яшил ранг олган.
Эрмаган асли қишнинг қорлари,
Ўрик гулларига айланиб қолган.

Бокира адирлар гуркираб кетар,
Севинчдан фалак ҳам тўкканда кўз ёш.
Тобора борлиққа айланаверар
Заминда сумалак симирган қуёш.

Тонг чертар осмоннинг деразасини,
Бахмал булутларга бўлиб харидор.

ТОНГ ОТАР

Кун шафақ пойига келиб кулади,
Қуёшни кемириб борар қора тун.
Кўрқувдан тўкилиб тушган титроқлар,
Энди юрагимда қуради очун.

Ҳайҳот, чорбоғларга қайтар сукунат,
Ойнинг ёғдулари боради нураб.
Кўнглимга ирғитиб ташлайди зулмат,
Кадар этагига титроқни ўраб.

Дунёнинг тахтида қора тун кезар,
Лаҳзалар титроқдан қолади музлаб.
Шу дамда осмоннинг ишқомларида
Фаришталар турар тонгларни тилаб.

Сархуш тун кўксига тонг келар бирдан,
Нурга буркаб зулмат дарчаларини.
Саҳар шаббодаси супургисиди
Йиғиб олар туннинг парчаларини.
Тонг отар...

Мунира ҚЎҚОНОВА



1989 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ҳозирда Фарғона Давлат университети талабаси. 2006 йилда “Бахт учқунлари” номли шеъррий тўплами нашр этилган. 2007 йилда “Келажак овози” танловнинг вилоят bosқичида биринчи ўринни эгаллаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими қошидаги “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

ВАТАН МАДҲИ

Кўмилиб соғинчнинг гулига,
Ёнимда бўлсанг-да қизғониб.
Яшайман бағрингда сармасту,
Ватаним, меҳрингдан уйғониб.

Қалбимда абадий ўзингсан,
О, ишқинг улуғвор бунчалар

Жимгина ўтириб қаршингда,
Наҳотки севаман шунчалар.

Шамоллар сочимни ўйнатар,
Руҳимни уйғотар Хуррият.
Юксалиб бораман сен томон,
Тилимда муқаддас бир оят —
Ватаним!

БОКИРА НАСИМ

Қудратдан таралган бокира насим,
Ишқингни ундирмиш қароқларимда.
Майин шаббодадек ҳурдир нафасим,
Яна сен ўша қалб ардоқларимда.

Фурурдан руҳ бердинг тирноғимгача,
Ҳидоят маскани, эй нурли булоқ.
Севгинг нур бергайдур дудоғимгача,
Оппоқ орзуйимдек соғинчинг оппоқ.

Қалбим узра порлар офтобинг нури,
Райҳон бўйларидай меҳринг намоён.
Онгимда порлайди тонгинг шуури,
Эй улуг шавкатим, Ватан, Онажон!

* * *

Титраб кетди киприқларингиз,
Дилингизда ўзга галаён.
Юрагингиз ҳароратидан
Яралади сарғайган армон.

Вужудимни майда-майдалаб,
Кетаяпти қалбингиз намгин.
О, жиловсиз ишқ гирдобида
Чўкиб борар умидлар ғамгин.

Ҳижронлардан бўрсикқан йўллар,
Бугун сизни кутмоқда беҳол.
Соғинганча гардларни беун,
Изингизни сийпалар шамол.

Ғижимланган юрагимни, бас,
Жо этмагин боз кўзларингга.
Ҳазонрезги дарбадар руҳим,
Эркам, қайтгил, қайт изларингга.

Ҳур ёшим-ла ювай гуноҳим,
Ахир увол маъсум хотира.
Кўз ёшларим шўрлигиданми,
Унутолмай турибман сира.

ЁЛҒИЗЛИК

Ёлғизлик кемириб юборар мени,
Оғриниб ўтади кунлар, соатлар.
Бостириб келади ўқинч, таҳлика,
Туғаб бормоқдадир дилда тоқатлар.

Андухлар ичида яшайди хаёл,
Тинмас шаршарадай қуйилар сукун.
Ҳеч ким изламайди, о, бу дам мени,
Қалбимни забт этиб бормоқда тугун...

* * *

Қоялар, самонинг паноҳидасиз,
Қаердан олгансиз бундай бардошни?
Энг баланд ҳайратнинг ҳур оҳидасиз,
Бизларга тутасиз ҳар тонг қуёшни.

Қоялар, борингиз не сир-саноат,
Булутлар бошингиз силар оҳиста.
Ўг-ўлан пайваста қилади тоат,
Юрагим, нафасим, тоғларни иста...

Қоялар, кўнглимга шунча яқинми,
Қалбимнинг бир чети сиз каби кемтик.
Қоялар, о, менинг ҳур оғаларим,
Кўкка интиласиз мағрур ҳамда тик.

Қоялар, о, менинг ҳур оғаларим...

Дилрабо ХАЛИЛ



1985 йилда Тошлоқ туманида туғилган. 2010 йили “Фарғона” нашриётида “Ишқ остонаси” китоби чоп этилган. Жаҳон Отин Увайсий адабий тўғараги иштирокчиси.

МЕН ЁТГАН БЕШИКДА УЛҒАЯР ВАТАН

Бир кафтгина тупроқ, туғилган гўшам,
Соғинчим жам бўлган шудринглариди.
Муҳаббат яшарди, меҳр яшарди
Отам чойхонасин гурунгларида.

Қизғалдоқ бағрига бош кўйган қишлоқ,
Баҳор этагини тутган бойчечак.
Ҳилол юзларига парда тортгунча,
Ширмой нон ёпарди кўшни келинчак.

Энди бу соғинчлар кечанинг ҳаққи,
Мен ўзим ёнмоқлик ишқин танладим.

Ёшликнинг ўт-олов кўчаларида,
Менга кўзин тутган юртни англадим.

Бугун бешигимда ухлайди ўғлим,
Она, сенинг алланг айтаман зотан.
Бугуннинг, эртанинг иқболи бўлиб,
Мен ётган бешикда улғаяр Ватан!

ХУРЛИК НАФАСИ

Тонгнинг бўсасидан уйғонар олам,
Қалдирғоч учирма қилар боласин.
Кафтларидан туфроқ иси анқиган
Отам бахтга белар уйғоқ даласин.
Бу хурлик нафаси, хурлик нафаси.

Кўзларин эриниб очади борлиқ,
Нурлик шаббодаси сочларим силар.
Она ер заҳматкаш, қадоқ қўллардан
Юртимга барака, ризқу-рўз элар.
Бу хурлик нафаси, хурлик нафаси.

Майсанинг кўзида кулар ёруғлик,
Шукуҳлар ўлкамни айлайди чаман.
Озодлик бағрида иқболга тўлиб,
Онам алласидан улғаяр Ватан.
Бу хурлик нафаси, хурлик нафаси.

ҚИЯ ЭШИК

Қия эшик, кўз ёшларга кўмилган хона,
Қўлларида соғинч билан мўралар хаёл.
Рангсиз қалам, охирига етмаган нома,
Оқ қоғозга кейинги сўз келгандай малол.

Деворларга юзин босар энг сўнгги ҳадик,
Нурсиз чироқ, қотиб қолган тонгнинг сурати.
Мижжаларда томчи ёш йўқ, сувсиз кемадек,
Икки кўзда қалқиб турар ишқнинг журъати.

Бор умидлар, о, сукунат паранжисида,
Минг йилдирки бу кўчани йўқламас ҳиллол.
Оҳ, минг битта хотиралар исқанжасида
Бахтга тўлиқ бир онини ахтарар аёл.

КЕНГ ХОНА

Кенг хона. Дайдийди совуқ сукунат,
Туннинг рўмолига ўранган хаёл.
Юракдан армоннинг наштарин териб,
Покиза туйғуни аллалар аёл.

Барча орзуларин кўшиб айтади,
Киприкнинг ортига беркинар нигоҳ.
Бир зум хаёллари ортга қайтади,
Оппоқ орзуларга бурканиб ногоҳ.

Сабонинг кўксига бағрини бериб,
Мажнунтол оҳиста силкийди бошин.
Нимжонгина майса елкаларига,
Астагина ортар туннинг кўз ёшин.

Кўкда ой кечаги ширин суҳбатни
Давом эттиради сойдаги ой-ла,
Оқшомги ясаган кўнғироқларин
Гуллар қулоғига қўяди бойлаб.

Шамол ўйноқлашар боғ ҳусни билан,
Заминни титратар кўнғироқ бонги.
Орзуни аллалаб, кутганча бахтин,
Отади аёлнинг яна бир тонги.

ЖИЛМАЯДИ ҲУРРИЯТ ТОНГИ

Жилмаяди ҳуррият тонги,
Озод ҳислар ёзади куртак.
Гўдак учун ошёндири бешик,
Она бахтга тутади кўкрак.

Истиқболга югурар қуёш,
Келинчакка рўмолдир ҳаё.
Момом юзи — нурли чизиқлар,
Кафтларидан таралар дуо.

Баҳоримни кучоқлаб келган,
Шу заминда қотган қароғи.
Менга қондош ўша қалдирғоч
Оғзидаги ватан тупроғи!

ОНА

Она, тун бағрига сингиб кетсам гар,
Ишққа зор юрагим оққушларга бер.
Райҳон сеп мен юрган йўлақларимга,
Соғинчга қадалган нигоҳимни тер.

Ҳазин япроқларга руҳимни яшир,
Исмимни елларга шивирла секин.



Тонги ялпизларнинг юзларидан ўп,
Унда менинг қалбим ухлайди сокин.

Она, тун багрига сингиб кетсам гар,
Ишққа зор юрагим оққушларга бер.
Райҳон сен мен юрган йўлақларимга,
Соғинчга қадалган нигоҳимни тер.

СИЗНИНГ КЎЧАНГИЗГА...

Сизнинг кўчангизга ой қулаб тушди,
Менинг юрагимнинг ўшар ярмига.
Ёнига ўлтириб йиғлайди қалбим,
Сизни қўмсагани сабаб барига.

Туннинг ҳам ранглари кетди оқариб,
Юлдуз ўзин қўяр тополмади жой.
Армонни аллалаб қўяр ер-само,
Фироқни кучади кўкдаги чирой.

Ўша тун ҳижронлар болалаб кетди,
Минг пора кўнгилни бўлмади йиғиб.
Оппоқ орзуларга бўса улашди,
Армонлар юлдузлар ёнига сиғиб.

Аччиқ бўсалари фироқдан тахир,
Умидим ҳасратга қўйдилар ўраб.
Ярим ой, яримта куйган бу юрак,
Оҳ, сиздан воз кечди ризолик сўраб.

Сизнинг кўчангизга ой қулаб тушди...

ЁДИНГИЗНИ ЎРАДИМ
НУРГА

Ёдингизни ўрадим нурга,
Энг бокира ҳисларим билан.
Саҳарларнинг пешонасига,
Лабим босдим изларим билан.
О, исмингиз шивирлаб айтдим,
Мужгонимга тўлиб кетди сир.
Кўзларингиз унутмоқ бўлсам,
Кўнглим асир, юрагим асир.
Сиз-ла ўтган бир он, лаҳзани,
Армонларга келмайди бергим.
Нима қилай сиз деб яралдим,
Сизсиз яшаб бўлмайди, бегим.

Дилдора АҲРОРОВА



ОЛАМ ТҮЛАР

Олам тўлар турфа рангларга,
Гул-чечаклар тергум этаклаб
Маҳлиёман шўх оҳангларга,
Сайр этаман кўнглим етаклаб

Лўппи-лўппи пахтадек оппоқ
Орзуларим кезар самода,
Завқлан, дўстим, гулзорларга боқ,
Сочларингни силайди бода.

Мажнунтол бу — мунғайган аёл,
Дилбандини кутиб чарчаган.
Кенгликларни кезади хаёл,
Табиатнинг сирин англаган.

Турфа гуллар сочади ифор,
Булбуллар ҳам қувноқ куйлайди.
Чинорларда улкан ҳикмат бор,
Тоққа боқиб кўзинг кувнайди.

Салом берар олтин бошоқлар,
Она ерга эгилиб аста.
Беданалар — моҳир машшоқлар,
Райҳонларга жоним пайваста.

Чумолилар тўхтамас бир он,
Хирмонларин тўлдириб донга.
Қалдирғочлар парвозда ҳамон,
Емиш излар оч полапонга.

Қирга чиқиб алвон юзликлар,
Хур тоғларга қилар табассум.
Майин шамол сочларим силар,
Нашватилар боғларга хусн.

Нозланишиб турар анорлар,
Олмаларнинг юзлари ёнар.
Ҳандалаклар ёнига чорлар,
Боларилар шарбатга қонар.

Ишкомларда марварид саф-саф,
“Мени ол”, деб турарлар кутиб.
Тутзорларда ёнади садаф,
Таърифига бўлмайди етиб.

Хаёлларнинг тутиб этагин,
Тоғ-тошларни айлағум манзил.
Шўх сойларнинг тинглаб эртагин,
Улғайди мурғак хур кўнгили.



ҲАЙРАТ ГУЛЛАБ ЁТАР

Ўзбекистон мустақиллигининг 18 йиллигига

Ўн саккиз — умрнинг гулгун палласи,
Ўн саккиз — покликка йўғрилар шуур.
Ҳайрат гуллаб ётар остонанг аро,
Кўнгилни тўлдиранг илоҳий бир нур.

Ўн саккиз — юракда унар гулбоғлар,
Қалб узра порлайди поклик қуёши.
Ўн саккиз — ҳайратга тўла хуш чоғлар,
Тоғни парчалашга етар бардошинг.

Боқсанг, олов чақнар нигоҳларингдан,
Жисмингда мавжланар шиддат қонлари.
Юксалиб борасан ҳур тоғлар қадар,
Кўнглингда барқ урар бахт имконлари.

Ватан, бу кун сен ҳам ўн саккиз ёшда,
Қутлуғ ёш муборак, фидо жон-у тан.
Ашбордан тизайин бўйнингга маржон,
Жон қадар суюксан, буюгим Ватан!

Истиқлол бошинга сочар нур-зиё,
Ҳурлик шамоллари бағрингда елар.
Ватан, меҳрим бериб ҳар бир заррангга,
Пойингга кўнглимни тўшагим келар.

ОНАМ КУЛСА

Атроф зим-зиёдир, кўнглим зим-зиё,
Пардаларда базўр турар хавотир.
Дунё ғам-қайғудан яралганми ё,
Онам ёнгинамда ёш тўкаётир.

Оҳ, дилдан отилиб чиқмоқда ўтинч,
Йиғламанг, онажон, тўкмангиз кўз ёш.
Сиз меҳр булоғим, сизсиз кўз нурим,
Ҳайҳот, ёшингизга беролмам бардош.

Она, бир бор қаранг, ёшингиз кўриб
Бардошнинг тоғлари чўкаётирлар.
Гўё сукунатга фарқ бўлган борлиқ,
Булутлар ҳам кўз ёш тўкаётирлар.

Она, кун ва туннинг сўнгсиз жангида,
Бу кун зим-зиё тун енгиб кетмоқда.
Ой ҳам эртагини унутиб маҳзун,
Туннинг қароғига сингиб кетмоқда .

Сизсиз қалб қуёшим, чексиз уммоним,
Она, ўзим олай қайғуингизни.
Ҳеч бир наволардан тополмагайман,
Сизнинг шод янграган кулғуингизни.

Сиз кулган лаҳзада кулади чечак,
Кулган онингизда яшнагай райҳон.
Кулсангиз, дунё ҳам кулади бешак,
Бир бора кулсангиз бўлди, онажон!

ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим тўн кияр яшилдан бугун,
Баҳорнинг сийлови, саховатидан.
Хуш ифор қоплайди боғларни бутун,
Бол томар гулларнинг нур саватидан.

Кўкламнинг қўлидан етаклаб аста,
Ҳовлим айвонига қалдирғоч қайтар.



Завққа тўлиб кетар борлиқ бир насла,
Булбуллар баҳорий алёрин айгар.

Борлиқни яшнатар чучмомажонлар,
Наврўз шодликларин сочар борича.
Сумалак қайнатар нари момолар,
Оппоқ либос кияр сулув олича.

Юзлари қувончдан қизариб турар
Уйларнинг томида лолақизгалдоқ.
Табиат баҳорий хаёлин сулар,
Бугун чаманзорга ўхшайди ҳар ёқ.

ЎЛКАМДА БАҲОР

Шаббодалар елар бир майин,
Мусиқасин чалади анҳор.
Ҳайрат гуллаб борар кўзимда,
Дала-қирлар, боғларда баҳор.

Яна қалбим кетар ёришиб,
Дилга кўчар баҳор нафаси.
Юракларни орзуга элтар —
Баҳор очар кўнгил қафасин.

Лаҳзаларда кулиб юборар
Оқ ўрикнинг оппоқ гуллари.
Ўт-майсалар тошларни ёрар,
Жўшиб куйлар боғ булбуллари.

Олча гули тебраниб елда,
Оппоқ-оппоқ сулар хаёллар.

Сув бўйида сочини ўрар
Ҳур қизларга ўхшаган толлар.

Учар кўкни тўлдириб шодон
Лайлак, какку, чумчуқ, турналар.
Баҳор каби кўркем қизларга
Ярашади ўсма, сурмалар.

Шаббодалар елар бир майин,
Муסיқасин чалади анҳор.
Ҳайрат гуллаб борар кўзимда,
Дала-қирлар, боғларда баҳор!

ТУН

Тун маҳзун нигоҳин тикар борлиққа,
Нигоҳлар зарбидан юлдузлар ҳалак.
Бокира туйғулар уфуриб ётар,
Кўм-кўк бўёқларга беланар фалак.

Кўзимдан лочиндек учган ҳайратлар,
Жойлашиб олар ой яноқларига.
Оймомо ҳайратни нурларга ўраб,
Улашар майсанинг дудоқларига.

Остонада ҳадик турар беором,
Тиланар оймомо нигоҳларини.
Булут қароғидан жолалар тўкиб,
Ювгандай бўлади гуноҳларини.

Ҳайҳот, қўлларига кишанлар солиб,
Тунни сўроқ қилар кўриқчи дарахт.
Ҳайратим кўзлари юмилиб кетар,
Тушларимга кирар оқ кўйлакли бахт.



ХОТИРОТГА

Хотиротга тўладир хонам,
Ҳар бурчакда олам синоат.
Чиққиллайди исмингни айтиб,
Девордаги кумушранг соат.

Ҳур хонамнинг пардаларига
Кулгуларинг илиниб қолган.
Деразадан боққан нигоҳинг,
Ойналарга ўрнашиб олган.

Хаёлми бу ёки рўёми,
Сўйлайверар сен ҳақда гуллар.
Кўзларингдан изласам паноҳ,
Ҳаёт шунча нурли кўринар...

КЎК ЖАМОЛИ

Бокира ҳислардан яралган осмон,
Кўм-кўк салтанатга ўхшайди бирам.
Биллур кўшқларида ўтиради ой,
Юлдузлар қошида бўлишади жам.

Ойнинг жамолини мақташар бари,
Ҳар бири ўзича битади ашъор.
Шаббода ой сочин тарайди суйиб,
Ўша шаббодага ҳавасларим бор.

Саройнинг оқ ҳарир пардаларидан,
Гоҳ боқиб турар ой олам юзига.
Телба анҳор ҳар он ёнига чорлар,
Ой-чи қулоқ солмас, кўнмас сўзига.

Хуснига маҳлиё айлан-чун ойқиз,
Пардадан атайлаб мўраларми ё.
Ойнинг юзларини беркитган бот-бот
Булутлар рашк учун яралган гўё.

Ой шундай гўзалки, таърифга сўз оз,
Майсалар унинг-чун тўкишар кўз ёш.
Ўзи билармикан гўзаллигини?
Уни бир кўрмоққа интизор қуёш.

Бокира ҳислардан яралган осмон,
Кўм-кўк салтанатга ўхшайди бирам.

РУҲИЯТ МАНЗАРАСИ

Ғамлар эзиб борар елкаларингни,
Сен беун чидайсан барига, ҳайҳот.
Ғам эса тобора кучади елканг,
Сени минг синовга ташлайди ҳаёт.

Оғриниб борасан бу кенг очундан,
Кўзингга аламлар ташлар соясин.
Босасан қадаминг маъносиз, ҳиссиз,
Нураб бораверар кўнглинг қояси.

Кун келар жонингдан ўтар аламлар,
Шиддат қуйилади муздийда қонга.
Фуруринг, орзуйинг, умидинг билан,
Айланасан бир ҳур, курашчан жонга.

Токи томирингда шиддат кезаркан,
Кўнглингни нурларга белейди бир сас.
Ўзингни англашга пайт келган онда,
Зулматни енгишга куч тополсанг бас!

Иқбол ЮСУФ



1992 йилда Риштон туманида таваллуд топган. Ҳозирда Фарғона Олимпия захиралари спорт коллежи талабаси. Жаҳон Отин Увайсий тугарагининг абзоси. Шеърлари шаҳар, республика газеталарида чоп этилган. 2008 йилда “Рух капалак” номли тўплами нашр этилган.

ЮРТИМ

Онамга ўхшайсан, ўзинг онамга,
Порлаган чехранг-у кўзинг онамга,
Меҳрга йўғрилган сўзинг онамга,
Мен битга кўзлари қорангман, юртим,
Энг эрка, тўпори болангман, юртим.

Менга асли анов чўққилар гўзал,
Бошинга қўндирган дўппилар гўзал,
Чиройда ой юзи лўппилар гўзал,
Мен битга кўзлари қорангман, юртим,
Энг эрка, тўпори болангман, юртим.

Ахир қайси элда янграр аллалар?
Қайси тупроқларда унар ғаллалар?
Қайда бор осуда, шонли паллалар?
Мен битта кўзлари қорангман, юртим,
Энг эрка, тўпори болангман, юртим.

Қизларинг Барчиной, йигитлар ёвқур,
Фаришталар сенга дуолар ўқир,
Сени билмаганнинг қалблари сўқир,
Мен битта кўзлари қорангман, юртим,
Энг эрка, тўпори болангман, юртим.

МИРЗАТЕРАКЛАР

Хайҳот, дарахтларнинг қоматлари дол,
Мажнунтоллар учун макон йўлақлар.
Кўпдан бери қийнаб келар бир савол,
Нечун кўринмайсиз, мирзатераклар?

Анорлар ёрилар сархил боғларда,
Неларга чирмашиб ўсмоқда тоқлар.
Менинг хаёлларим баланд тоғларда,
Нечун кўринмайсиз, мирзатераклар?

Ў, учратганларим ястанган яйдоқ,
Жонга тегиб кетди нозик палақлар.
Анҳорнинг бўйлари сизларга муштоқ,
Нечун кўринмайсиз, мирзатераклар?

Тутлар шаббодага дош бериб хуррам,
Шохин кўтаролмай синар ўриклар.
Қад керар эдингиз бўронларга ҳам,
Нечун кўринмайсиз, мирзатераклар?

Қайинлар қўлтиқлаб олишган асо,
Бақатерақларга азиз чўнчаклар.
Менинг ҳам бўлгим бор алпқомат, расо,
Нечун кўринмайсиз, мирзатерақлар?

Юрт метин бардошни эрдан олмасми,
Ахир юртга керак ёнган юраклар.
Мавжудот ҳикматни ердан олмасми,
Нечун кўринмайсиз, мирзатерақлар?

АКА

Кимга байрам, кимга дод бўлди,
Кимдир мотам, кимдир шод бўлди,
Тойлар ўсди, ёвқур от бўлди,
Умр елдек чопдими, ака.

Сезмай қолдим йиллар ўтганин,
Энг покиза диллар ўтганин,
“Чумолию, филлар ўтганин”,
Кўзни тупроқ ёпдими, ака.

Юрак деган билмас тўзимни,
Хазон босиб кетди изимни,
Тополмайман ҳануз ўзимни,
Ғамлар мени топтими, ака.

Алдаб кетди кўзлари оҳу,
Ичганлари гўл қасам, оғу,
Ўн саккизга тўлганим йўғ-у,
Ўн саккизим қоптими, ака.

Йўллар равон, сўқмоғвор йўлак,
Кимлар тўғри, кимлардир туллак,

Тўзғиб ётган шеъримдан бўлак,
Дардим биров опtimi, ака.

Тўзғиб ётган шеъримдан бўлак,
Дардим биров опtimi, ака!

НАВОЙНИ ҲҚИМАГАНЛАР

Соҳир туйғуларга тўлган бу очун,
Кўзида ҳайрати балқимаганлар.
Ўзни донолардек тутасиз нечун,
Ҳазрат Навоийни ҳқимаганлар.

Китоби йўқ унинг офтоблари йўқ,
Кўнгилни ёритар моҳтоблари йўқ,
Хатолар қиласиз ҳисоблари йўқ,
Ҳазрат Навоийни ҳқимагалар.

Ори йўқ касларга жонин тўшайди,
Ким юртин, ким дўстин сотиб яшайди,
Навоий ахир бу нонга ўхшайди,
Ҳазрат Навоийни ҳқимаганлар.

Гадони ғам босар, бойни васваса,
Ҳақиқат мавжланмас юрак ёнмаса,
Қандоқ яшаш мумкин қалб уйғонмаса,
Ҳазрат Навоийни ҳқимаганлар.

Навоий султони шеърият мулкин,
Кифтига олган у дунёнинг юкин,
Унга талпинганнинг иймони бутун,
Ҳазрат Навоийни ҳқимаганлар.



СОҒИНИБ КЕЛАСИЗ

Дунёнинг устидан куламан,
Сиз эса ҳолимга куласиз.
Мен шуни аниқроқ биламан,
Қачондир соғиниб келасиз.

Муҳаббат йўллари алдоқли,
Гоҳ азоб, гоҳида ардоқли, —
Менингдек ошиқлар саноқли,
Қачондир соғиниб келасиз.

Қаранг-а, тақдирнинг чиройин,
Ҳаттоки қаҳрингиз мулойим,
Ҳар кимга бахт берар худойим,
Қачондир соғиниб келасиз.

Ҳалиям оловман, шўхман мен,
Юракка тегувчи ўқман мен,
Куйдириб ўтаман, чўғман мен,
Қачондир соғиниб келасиз.

Унгача қучасиз хаёлни,
Сочингиз силаган шамолни,
Телбадек ёқтириб Иқболни,
Қачондир соғиниб келасиз.

Моҳинур МУҲАММАДЖОН қизи



1994 йил 16 апрелда Фарғона туманида таваллуд топган. Ўзбек ва инглиз тилларида ижод қилади. Жаҳон адабиётидан Артур Конан Дойл, Алан Маршал, Жером К.Жером, Марк Твен, Чарлз Диккенс, Жорж Бернард Шоу, Арчибалд Жозеф Кронин, Маргарет Рейларнинг асарларини инглиз тилидан ўзбекчага, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Иқбол Мирзоларнинг ижод намуналарини ўзбекчадан инглизчага ўгирган.

Шеърлари вилоят ва республика матбуотида чоп этилган. 2008 йили водий ёшлари ўртасида ўтказилган “Марғилон мушоираси” минтақавий танловининг таржима йўналиши бўйича ғолиби.

ИШҚ ЭРТАКЛАРИ

Қаҳратон қиш бунчалар совуқ,
Тун зулматин бузиб ёғар қор
Кўнглимнинг шоҳ қасрларига
Ҳижрон дурин тизиб ёғар қор.

Мен қор бўлиб ёғсайдим бир бор,
Кафтингизда эриб кетсайдим.
Кўзларингиз ёлқинларида
Ишқ қаърига сингиб кетсайдим.

Оҳ, буларнинг барчаси хаёл...
Тошҳайкалдай совуқ ва жимсиз.
Йўқ, ёсуман сеҳрлаб кетган ✓
Эртақдаги баҳодиримсиз.

Овутади шу ёлғон токай,
Тўқиганим ишқ эртагидан —
Олиб кетсам сизни пок ишқ-ла
Тошҳайкаллар салтанатидан...

СЕНГА ОППОҚ БАХТЛАР ТИЛАЙМАН

Сенсиз қалбим қолди мунғайиб,
Қалбда чексиз алам, изтироб.
Сенсиз ҳолим ғарибдан-ғариб,
Ҳамма нарса гўёки сароб.

Юракдаги ҳисларим рангсиз,
Гўё умрим кузга айланган.
Шу интиҳо, видолар аро
Сенга оппоқ бахтлар тилайман.

Оғуларин ичиб бу ишқнинг,
Жангсиз таслим бу хаста кўнгил.
Абадиймас ахир бу дунё
Кўнглим,
Ўзинг йўқликка кўнгил.

КҮНГИЛ

Дарахтга ўхшайди соғинч дардларим,
Тинмай ўсаверар, гуллашни қўймас,
Ичидан дарз кетган, билмайди ҳеч ким,
Яшайди энг гўзал онларин эслаб.
Инграниб қўяди илдизлари ҳам,
Шамолга дардини сўйлайди гоҳ-гоҳ.
Ўша дарахт менман, экиб кетгандур
Тақдир йўлларига яратган Аллоҳ!

СОҒИНЧ


Кўнгил... Ҳислар... Муҳаббат ва биз.
Бунча гўзал бу туйғу-соғинч.
Келдингизми, қачон, наҳотки бу сиз,
Кўзларда муҳаббат, қалбларда севинч.
Бахтлиман, айна дам шунчалар бахтли,
Сизни узоқ кутдим, топдим сўнгги дам.
Муҳаббат. Тақдир. Ва яна айрилиқ,
Лек юрак тўхтамас ҳеч соғинишдан.

Гарчи азоб эрур, соғиниш, соғинч.

СЕНСИЗЛИК

Қор ёғади юзларимга...
Эриб кетар қалбим ҳароратидан.
Сен-чи эсладингми мени бир бора,
Қалбинг тирнадими ширин хотира.

Қор ёғар эзилиб... йиғлайверар жим,
Унингдан мен билан келди қандай



Дунё ҳам бедордур, уйқулари йўқ,
Қалбин оғриқларин сездирмас лекин.

Кўнгилдан чекинар оғриқли дардлар,
Сенинг бахтдан кулган кўзларинг кўриб.
Гарчи айрилганмиз, лек кулгуингдан
Шу митги юрагим турибди уриб.

Сен бахтли, демакки, яшайман мен ҳам!

* * *

Балки, ёдинг билан яшамоқ оғир,
Майли кет, оёқда турибман аранг,
Фақат муҳаббатинг олиб кетмагин,
Қалбим тирнаса ҳам ширин хотиранг.

Тўхтагин бир лаҳза, тўхтагин бир он,
Кўзингга термулай бесас ва беун.
Нигоҳинг асрайин қалбим тубида,
Токим нигоҳинг-ла боқай маҳшар кун.

Тўхта, ташлаб кетгин менга кўнглимни...

* * *

Шамолга айланиб қолсайдим бир бор,
Сочларинг суярдим, ўйнаб бетартиб,
Сенга бахш этардим бутун ҳаётим,
Кўзинг ёшларини кўярдим артиб.

Майин шивирлардим қулоқларингга,
Сенга бахш этардим майин табассум.
Инардим покиза булоқларингга,
Қалбингга эврилиб кетардим шу зум,

Қанийди, шамолга айланолсайдим...

УЧ МУШУКЧА

Инглиз болалар ижодиётидан

Ака-ука мушукчалар,
Тишлари кемшикчалар.
Йўқотиб қўлқопларин,
Совқотди бармоқлари.
Йиғладилар: — Ойижон,
Ўйнаймиз деб қорбўрон,
Йўқотдик қўлқопимиз,
Чўзмангиз қулогимиз.
Кечиринг бизни ойи,
Топмадик ҳатто пойин.
Она мушук хурпайди,
Деди: — Аҳмоқсиз, дайди,
Топмасангиз қўлқопни,
Емайсиз зўр пирогни.
Ака-ука мушукчалар,
Тишлари кемшикчалар,
Югурдилар ортига,
Чана учган ерига.
Излаб-излаб ҳар ёқни,
Топиб хурсанд қўлқопни.
Чопдилар шўху шодон.
Қичқаришди: — Ойижон!
Қўлқопимиз топилди,
Айбимиз ҳам ёпилди.
Пирог беринг кўпгина,
Қорнимиз очди жуда.
Юмшади она мушук,
Қувониб очди эшик.
— Киринглар дўмбоқларим,
Эй, ўйинқароқларим.
Мана пирог, энг шошмай,
Фақат йўқотманг бошқа.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Марям ҒАНИЕВА



1991 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят ҳамда республика матбуотларида мунтазам нашр этилмоқда.

Марям Ғаниева Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўрик танлови Республика босқичи иштирокчиси.

ВАТАН

Кувонсам бахтимдан бахтиёр бўлган,
Шодлансам шодликдан юраги тўлган,
Гуноҳ қилсам буни ёшликка йўйган,
Меҳрибон онамсан, онажон Ватан.

Аллалаб эркалар кўкдаги ойинг,
Қалбимдек жўшқиндир жилгаю сойинг,
Оромбахш, хушхаво сўлим ҳар жойинг,
Менинг беланчагим, бешигим, Ватан.

Сенга аталгандир энг гўзал сўзим,
Ишқинг-ла порлаган бу маъсум кўзим,
Сенга фидо бўлай борим-ла ўзим,
Беғубор муҳаббат, севгимсан, Ватан.

Осмонга учсам гар юрагим ёжим,
Тупрогинг кучаман соғинаман жим,
Ахир ким тонади ўзлигидан, ким,
Сен менинг ўзимсан, ўзлим, Ватан.

ОНАМГА МАКТУБ

Она, мен ўзгардим, бошқачароқман,
Бошқача урмоқда кўксимда юрак.
Кўнглимнинг четида оғриниб ётар,
Менга ҳамроҳ этиб берилган тилак.

Она, мен ўзгардим, бошқачароқман,
Кўзларим ўшаю боқишлар ўзга.
Бу кун кенг кўчада беруҳ юрибман,
Ишониб-ишонмай айтилган сўзга.

Она, мен ўзгардим, бошқачароқман,
Хонам тор, агрофда хазонрез боғлар.
Гоҳ-гоҳ тушларимга кириб туради
Хотирамда қолган болалик чоғлар.

Она, мен ўзгардим, бошқачароқман,
Лаҳзалар алдади, ёлғонга кўндим.
Тер иси уфурган кўйлакни кучиб,
Билмадим, кимнидир жуда соғиндим.

ҚИШЛОҒИМ

Меҳрлардан бунёд асли тунроқларинг,
Гулдек қизинг гуллаётир гул бағрингда.
Капалаклар хиром этиб рақс тушарлар,
Гул ифори тўлиб кетган ул бағрингда.

Қуёш бирла тонгдан онам суяр сени,
Кўзларига суриб, ўпиб ҳар гиёҳинг.
Онам ўша қайноқ-қайноқ гафтларида
Тунларингни ёритади бўлиб моҳинг.

Улғаяди фарзандларинг ҳур кафтингда,
Меҳмондўстдир бир-бирига, ҳам жону тан.
Бугун мана англаб етдим, о қишлоғим,
Юрагингдан бошланаркан асли Ватан.

ТАСКИН

Бу кун таскин бермоқчи бўлиб,
Шамол сўйлар қайсидир тилда.
Йиғлар ёмғир, ўйланар япроқ,
Баҳор рангин унутган дилда.

Сукунатда қолгандай қотиб,
Осмонда ой хўрсинади жим.
Капалакка боғланиб қолган,
Ул кўнгилнинг кўйлаги фиким.

Термулади ногоҳ йўловчи,
Тўзғиб кетган хаёллар томон.
Зангор баргнинг кузак ҳолига
Кўчиб борар юрагим аҳён.

Дарахтларга илиниб шодон,
Ўйноқдамас ўйноқи шабнам.
Яноқларда кулса-да қуёш,
Ҳайҳот, маъсум мужгонларда нам.

Термулади ногоҳ йўловчи,
Тўзғиб кетган хаёллар томон.

АЛЛА АЙТИБ БЕРИНГ, ОНАЖОН!

Қуласин кўнглимнинг ғам деворлари,
Қуёш ҳарорати тафтини олай.
Эрисин кўнглимнинг муз-у қорлари,
Бир зум меҳрингизга ўралиб қолай.
Бағрингизга қўяй бу мағрур бошим,
Яна алла айтиб беринг, Онажон.

Қишларнинг қирови илинган киприк,
Қувонч ёшларининг шабнами илсин.
Ахир бутун олам сиз ила тирик,
Виқорли тоғлар ҳам англасин, билсин.
Бағрингизга қўяй бу мағрур бошим,
Яна алла айтиб беринг, Онажон.

Сўкилиб тугасин аламлар чоки,
Болалик этагин яна бир тутай.
Қалбим уммонларга айлансин токи,
Бу дунё ташвишин бир дам унутай.
Бағрингизга қўяй бу мағрур бошим,
Яна алла айтиб беринг, Онажон.

Юрагим ойнасин чертган ҳижронлар,
Ашқларим сойига қўшилиб кетсин.



Оғушига олсин бахтиёр онлар,
Бедор қунларингиз қадрига етсин.
Бағрингизга қўяй бу мағрур бошим,
Яна алла айтиб беринг, Онажон.

ШАМОЛНИНГ КАФТИДА

Шамолнинг кафтида келган баҳорим,
Шамолдай елдинг-у кулиб кетдинг сен.
Турфа гул ушлаган бармоқларимга
Сариқ япроқларинг тутиб кетдинг сен.

Шамолнинг кафтида келган баҳорим,
Нечун қизғалдоғинг қизғондинг мендан.
Сариқ япроқларинг тутганинг замон,
Бу қалбим озгина оғринди сендан.

Шамолнинг кафтида келган баҳорим,
Келсанг бўлмасмиди ёмғир юзида.
Юрагимга сингиб кетардинг аста,
Қатра ёш бўлганча кўнглим кўзида.

БАҲОР

Ғуборсиз булутга айланар ҳислар,
Мусаффо самони чулғар оғушим.
Оппоқ туйғуларни чорлайди фалак,
Орзу каби қалбда чарх урар қушим.

Қиқирлаб кулади лолақизғалдоқ,
Осмон этагига осилса қуёш.

Анҳор буйларида беҳол-бемажол,
Яшизлар марвардон тўкадилар ёш.

Ой ҳам эркалайди тунда борлиқни,
Титроқ майсаларга тўкилар шабнам.
Ҳилол шуъласидан олади ором
Қарсак чалаётган барглар ҳам бу дам.

БОЛАЛИГИМ

Бола бўлиб соғиндим яна,
Қулча нонда қотган болларни.
Онам каби интизор кутган
Ўрик шохи, мажнунтолларни.

Ой алласин, райҳон исларин
Жуда-жуда соғиниб кетдим.
Лой кўчада қолдирган изим
Тополмайин оғриниб кетдим.

Ўн саккизим йўлакларида
Овораман саргардон, қара.
Сен-ла бахтли бўлган юрагим
Соғинчлардан, соғинчдан яра.

Кўзим очиб юмгунга қадар
Оқиб кетдинг дарёдек жўшиб.
Улғайтирди шафқатсиз йиллар,
Гул умримга гулларни кўшиб.

Бебошлигим, бахтиёрлигим,
Қайтгим келди бағрингга такрор.
Ахир нега келмасин қайтгим,
Қўйиб-қўйиб соғиниб-соғиниб зор.

Ўрим қилиб, ҳар томон сочиб,
Кунлар сочим саноқлаган найт.
Мен эрканинг шўхликларини,
Болалигим, соғиндингми, айт?

Болалигим соғиндингми айт?

СЕН СЕЗМАЙСАН

Сен сезмайсан ...
Шодликларда хабар кутади,
Қайғуларга кўмилган қалбим.
Мактубларинг пичирлаб ўқир
Жилмайишдан чарчаган лабим.

Қачонлардир гуллайди албат
Хазонларга кўмилган юрак. ~
Сен самодан излаган чоғда,
Ёмғир бўлиб ёғилсам керак.

Учрашмаймиз биз шундай азал,
Тақдиримиз фасллар мисол.
Сен қузланган қузги онингда,
Ёлвораман: баҳор бўлиб қол.

Кўклам келиб кулади борлиқ,
Қиқирлайди баргларда шабнам.
Кузагимни соғиниб шунда,
Ялтирайди қўзларимда нам.
Сен сезмайсан...

Дилфуза ҚОСИМОВА



1983 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. “Ўн саккизга кирган қиз” номли китоби нашр этилган. Қўқон Давлат Педагогика институти Педагогика факультети IV курс талабаси. “Ниҳол” адабий тўғараги аъзоси.

* * *

Сўнги нафас елади бесас,
Аввалиму охирларимда.
Ишқ ёмғири даво бўлади
Куяётган томирларимга.

Сарнигун оғочлар бунда жим,
Раббимга саловот айтади.
Оловранг ғуссага тўла жон,
Бош узра оёққа қайтади.

Кўксимга бош урар сездирмай,
Ниятдан жимдвор қилганга!



Меҳробга мўлтирар шом қадар
Эгасига илҳақ ибодат.

Тупроққа туташар ғафлатнинг
Жисмимни маст қилган алласи.
Кўксимда жон берар тонг маҳал
Гуссаранг гулларнинг нафаси.

Сўнгги нафас елади бесас,
Аввалиму охирларимда.

* * *

Сенга кун туғса-ю, менга ой туғса,
Тўкилсам гул бўлиб бармоқларингдан.
Жонларга тиркалган армонлар синса,
Юрак эриб оқса ирмоқларингда.

Сенга кун туғсаю, менга ой туғса,
Руҳимга нигоҳинг залвори инса.
Тўкилиб-тўкилиб тутамаса ишқ,
Кўнглим ўша ишққа сифинса.

Сенга кун туғсаю, менга ой туғса,
Англасам, юрагим бутунлигини.
Кўнглим йиллар соғинчидан овунса,
Йуқотиб қўймаса устунлигини.

Сенга кун туғсаю, менга ой туғса,
Адашсам ҳам майли сўқмоқларингда.
Айланиб қолсайдим фақат бир лаҳза,
Умрингнинг энг гўзал сўроқларига.

* * *

Фариштаю зиё билан дил яшнайди,
Гул томчилар кипригимга кўчиб борар.

Кўнгил ташна нозмунчоғу зийнатларга,
Дош беради қанча-қанча миннатларга.
Осий жоним ишонса-да жаннатларга,
Қайғуларим кўзимдан сув ичиб борар.

Менга азиз келажағу ўтмишларим,
Бир-бирига уйғунлашар ўнг-тушларим.
Келиб-кетар хушу нохуш кечмишларим,
Икки қошим аросида кечиб борар.

Етти фалак тепасида устуним бор,
Чинор каби ёвқур, бағри бутуним бор.
Мен кўрмаган бойчиборнинг дупури бор,
Юрагимнинг ич-ичидан кетиб борар.

* * *

Бу кўнгилнинг кўргулиги фақат ишқ,
Бу кўнгилнинг ичган оши маломат.
Бу кўнгилнинг мавжудлиги бир кечмиш,
Бу кўнгилнинг қучганлари надомат.

Оташида бир жон кетса кетгулик,
Гар истаса ҳижронни банд этгулик.
Хиёнатнинг ёқасини йиртгулик,
Бу кўнгилнинг излагани ҳаловат.

Ўн саккиз минг олам тинглар ноласин,
Худо эрур бу кўнгилнинг дояси.
Ўт қўйсангиз сизни ёқар сояси,
Бу кўнгилнинг бор-у йўғи ҳарорат.

Ойдин кўнглим, осмон кўнглим, хур кўнглим,
Қизгалдоқнинг эгизаги, гул кўнглим,
Эртақларни забт этамиз, юр, кўнглим,
Биз тиласак — тилагимиз ижобат.

* * *

Хаёлимдан хотиротнинг бўйи анқир,
Чор-атрофим ёмғирзорга тўлаяпти,
Юраккинам урганида оғир-оғир,
Кафтларимдан гул унгиси келаяпти.

Қаранг, бунда райҳон менга тилар умр,
Бахт ёрилтош орасида келаяпти.
Зухро юлдуз айлаганда шивир-шивир,
Кафтларимдан гул кулгуси келаяпти.

Тақдирнинг тош деворларин дил йиқитар,
Ғафлатнинг бор иродаси ўлаяпти.
Оҳуларнинг диёрини сўраганча,
Кафтларимдан гулнинг иси келаяпти.

Дилноза ЖАМОЛИДИНОВА



1981 йилда Бағдод туманида туғилган. Ҳозирда Қўқон Давлат Педагогика институтида талабаларга инглиз тили фанидан таълим бермоқда.

СЕН КИМСАН?

Кўнглимнинг тубида мушкул сўроқлар,
Жонимни қийнайди адоқсиз оҳлар. ʘ
Севгингга умидвор не-не гулмоҳлар,
Сен кимсан, дўстимми ёки севгилим?

Кўзларим гирёна сени излайди,
Тополмай оввора қалбим бўзлайди.
Ҳаттоки мужгоним исминг сўзлайди,
Сен кимсан, дўстимми ёки севгилим?



Сен келсанг танимга қайтади жоним,
Пойингга поёндоз гурурим, орим.
Кўйингда узилди энг сўнгги торим,
Сен кимсан, дўстимми ёки севгилим?

Ўзимга сўрайман худодан тўзим,
Севгимни айтмоққа ожиздир тилим.
Сен мени ҳаммадан яширган сирым,
Сен кимсан, дўстимми ёки севгилим?

Мудроқ умидларни уйғотган ўзинг,
Орзуга йўлакдир ҳаётбахш сўзинг.
Кимнинг асиридир билолмам кўзинг,
Сен кимсан, дўстимми ёки севгилим?

ПУШАЙМОН

Сўқир кўзларида бир томчи ёш йўқ,
Энг олий туйғулар унга бегона.
Қалбида кўринмас милтираган чўғ,
Бойлик илинжида кун-тун оввора.

Дунё беш кунлигин ололмайди тан,
Ҳасад оловида куйиб кул бўлар.
Унга ҳимматсиздир гурур ҳатто шаън,
Дўсти кулфатидан шодликка тўлар.

Ғийбату иғволар ичра яшайди,
Орзуларин кўмиб зулмат шаҳрига.
Шайтоннинг измида қадам ташлайди,
Шукрона қилмайди ҳеч ҳам бориға.

Умри тугаб борар сўнган шам каби,
Устун бўлолмади дунё тоқига.
Англади яшашнинг асл сабаби —
Ярамоқ эканин элнинг корига.

САРОБ

Ошпоқ ният ила кийдим оқ либос,
Орзу осмонида қилгандим парвоз.
Юрагим ойнаси синди, оҳ, бехос,
Мени қалбингизга сиғдирмадингиз.

Сизни Отабегим дея атардим,
Ҳар кун йўлларингиз интиқ кутардим.
Ёлгончи дунёда вафо ахтардим,
Мени қалбингизга сиғдирмадингиз.

Майли, ёнингиздан энди кетаман,
Суймаганга суйкалиб нетаман.
Аламли ёшларим ичга ютаман,
Мени қалбингизга сиғдирмадингиз.

Сиз ҳам азобларда қоласиз бир кун,
Армон ёстиғида ўтказасиз тун.
Менинг кўз ёшларим ҳаққига бу хун,
Мени қалбингизга сиғдирмадингиз.

Ҳаёт сўқмоғида танҳо кезаман,
Сизсиз яшамоқдан жуда безаман.
Сизни севганимни энди сезаман,
Мени қалбингизга сиғдирмадингиз.

КЎНГИЛ НИДОСИ

Чарчадим тоабад алданиб яшашдан,
Қалбимни чирмади ҳазин печаклар.
Чарчадим пойингга гурурни тўшашдан,
Унмади юрагинг тўрида чечаклар.

Меҳрни улашдим сенга аямай,
Лек қаро тунларим ёритолмадинг.
Бошқа йўллар сари чопдинг қарамай,
Бир чимдим севгини тухфа этолмадинг.

Муҳаббат кўзидан томчилади ёш,
Тошбағир юрагинг ҳатто қилт этмас.
Фалак куйиб кетди беролмайин дош,
Шуурингда қаҳр сени тарк этмас.

Бунчалар золимсан, сўйла не учун,
Ҳатто ишқим қалбинг иситолмади.
Дилиннга ин қурган қора сояни
Оппоқ фаришталар беркитолмади.

Кетяпман жимгина сенинг юртингдан,
Ҳатто йиғлашга ҳам йўқдир мажолим.
Лек афсус, исмингни юракка ёзиб,
Жавобсиз севгимни қолдирдинг маҳзун.

БИР КАМ ДУНЁ

Дунё ташвишидан ғуссага ботдим,
Яхшини изладим, ёмонни топдим.
Ҳайҳот, дея ўзим ҳар томон отдим,
Дунё, бир камлигинг энди англадим.

Улғайиб кетдик-у ҳаттоки ёшим,
Оғзимдан олдилар чайнаган ошим.
Ғалвадан чиқмади, эҳ, шўрлик бошим,
Дунё, бир камлигинг энди англадим.

Суйганим ўзганинг қўлидан тутди,
Фариб юраккинам аламлар ютди. ✓
Фанимим йиқилиб қолишим кутди,
Дунё, бир камлигинг энди англадим.

Тошбағир инсонга кўнглимни бердим,
Унинг сўзларини қалбимга тердим.
Бир бора эркаланг, ялиниб дердим,
Дунё, бир камлигинг энди англадим.

Кимлардир фарзанднинг тирноғига зор,
Кимларнинг қўлида фарзандлари зор.
Юраги хастага гўё дунё тор,
Дунё бир камлигинг энди англадим.

Инсонда қолмади зарра матонат,
Танингдаги жонинг сенга омонат. ✓
Севгининг ўрнини олди хиёнат,
Дунё, бир камлигинг энди англадим.

Қобилжон ШЕРМАТОВ



1997 йилда Ёзёвон туманидаги Чўлигулистон қишлоғида туғилган. Ҳозирги кунда шу қишлоқдаги 22-мактабнинг 6- синфида аъло баҳоларга ўқимоқда. 2009 йили “Янги аср авлоди” нашриётидан биринчи шеърый тўплами — “Балки мош ҳам туш кўрар” номли китобчаси нашрдан чиқди. 2009 йил “Гулхан” журнали таъсис этган “Қишлоғим — қалб ардоғим” танловининг шеъроят йўналиши бўйича ғолиби.

МИСЛИ ЖАННАТ

Қор сувидек мусаффо,
Қишлоғимнинг ҳавоси.
Дилларни яйратади
Кушларнинг шўх навоси.

Боғларида ҳар ниҳол
Мева берар мисли бол.
Соясини улашар
Ҳаттоки кексайган тол.



Бузоқчалар сакрайди
Дикир-дикир, ташвиш йўқ.
Она сигир ўтлоқдан
Шомда қайтар қорни тўқ.

Осмондаги қуёш ҳам
Чақнаб кулиб боқади.
Ариқларда эринмай
Сувлар куйлаб оқади.

Қишлоқ чумолиси ҳам
Бўш ўтказмас ҳар онни.
Тоғиб олар ҳаттоки
Беркиниб ётган донни.


Қишлоғимдан бошланар
Энг гўзал, ширин ҳаёт.
Ҳавоси дилга малҳам,
Қатраси — дилга ҳаёт.

Тинмай боғлар яратар
Меҳнаткаш инсонлари.
Тўкин-сочинлик билан
Ўтади ҳар онлари.

Табиатнинг ишини
Кўриб дейман: зўр санъат.
Ҳар уйда тўкинчилик,
Қишлоғим мисли жаннат.

РАЗВЕДКАЧИ

Эрталаб кўчага денг,
Тўкилибди озроқ дон.
Қайдандир пайдо бўлди
Шошган чумоли шу он.



Атрофни кузатиши
Бир даҳза давом этди.
Донни олмай, инига
Югуриб кириб кетди.

Кейин ўша тешиқдан
Чумолилар чиқдилар.
Сочилиб ётган донни
Ин олдига йиғдилар.

Бояги чумолини
Қидириб чополмайман.
Эгизакка ўхшашар,
Афсус таниёлмайман.

Бири-биридан чаққон,
Кузатиб лол қоламан.
Бирор фарқи бордир, деб
Қўлимга ҳам оламан.

Разведкачи экан-да,
Билдим, у чумоливой.
Дўстларига хушxabар.
Етказгандир, ҳойнаҳой.

ЎРДАК

Сузиб-сузиб юришар
Ўрдаклар кенг ариқда.
Бир-бирини қувлашар,
Тумшуғи-чи сариқ-да.

Бирлари чўмилиб,
Бири ҳайрон турарди.
Бошқалари лапанглаб,
Емиш топиб юарди.

Бириси қўшиқчидек,
Ҳалитдан ғақилларди.
Товуқ-чи кўриб ҳайрон,
Тўхтамай қақилларди.

ҚАНИ АРИ?

Учолмасдан турарди,
Визиллаб денг бир ари.
Ҳолсизланиб тўхтади,
Жуда ҳам экан қари.

Буни кўриб пашшавой,
Ёрдамга тез отланди.
Дўстини кўриб ари,
Гўё чексиз шодланди.

Касалини сўради,
Ғамин чекиб бечора.
Шунда айтди, ҳой дўстим,
Қаричилик — начора.
Суҳбат чоғида унга,
Дўстлик улуғ бахт берди.
Пашша қари арига,
Кўп яхши ёрдам берди.

ОНА АЗИЗ

Бўлмас онасиз ҳаёт,
Куйса ҳам, дейди “Болам!”
Онасиз яшарди ким,
Гўё қоронғу олам.
“Яхши инсон бўлгин”, деб
Тилак қилишар доим.
Оналарга узоқ умр
Бергин Қодир Худойим!
www.ziyouz.com kutubxonasi

Меҳрихон ЭМИНБОЕВА



1992 йилда Фарғона вилояти Олтиариқ туманида туғилган. Ҳозирда Олтиариқ туманидаги 17-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси. “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

ЁМФИР

Дарахт япроғида янграйди бир сас,
Осмон қовоғини уяр бегумон.
Жудолик дардига дучор бўлгандай,
Булутлар ўкириб йиғлайди чунон.

Тупроқ безиб кетар қонли ашклардан,
Лолалар бош эгкан, кўйлаклари нам.
Чидолмай фалакнинг кўкси ёрилиб,
Селдай қуйилади қайдан келган ғам.

Кўрқувдан лаблари пирпираб учиб,
Гуллар калимани айғиб тинмайди.

Булутнинг бағрига сиғмаган ёмғир,
Ўзини тошларга уриб йиғлайди.

Сўнг. Бир зум сукутга чўмади олам,
Табиат қайтадан жонланар гўё.
Бутун дардларидан халос бўлгандай,
Кўнглини бўшатиб олади дунё.
Дарахт япроғида янграйди шўх сас...

* * *

Қоним қайноқ менинг, совумас асло,
Токи бу танимдан чиқмагунча жон.
Умрим кемасида сузиб борарман,
Тўфонларинг мени чўчитмас, уммон!

Мен ўз елканимни кўтариб баланд,
Шаҳд-ла манзилимга борарман сузиб.
Бўронлар тинчимни бузолмайдилар,
Ва қўя олмаслар йўлимни тўсиб.

Темур Маликларнинг кемаси менда,
Душман лангарига илинмас осон.
Бир умр ишқингда ёниб ўтмоқлик,
Энг олий мақсадим, эй Ўзбекистон!

Ҳар тонг онам ёпган нонлари хушбўй,
Чўғлар гўё бир жуфт ёниб турган кўз.
Гуллар ифорига туташиб кетар,
Муқаннангдан қолган тандирдаги ис.

Мен сенинг қизингман, шунинг учун ҳам
Бўронларга асло бўйин эгмасман.
Онам кўзларида порлаб қуёшдай,
Юрагимга сингиб кетарсан, Ватан!



КУЗ ТАСВИРИ

Самога етмайди кузнинг ноласи,
Заминнинг кўксига қадалган нигоҳ.
Шамоллар куйдирган умидлар фасли,
Дарахтлар қўлида энг сўнгги япроқ.

Йироқлашиб борар ифорли гуллар,
Ҳаёт сарҳадининг қурбонлик фасли.
Кўкликни юракнинг тубига кўмиб,
Сариққа бўялар бежирим қасри.

Қуёш кўзларини тарк этади нур,
Ернинг лабларидан ўпади қиров.
Табиат бўйнида тилла маржонлар,
Эртага уни ҳам олади биров.

Япроқлар лаблари пичирлаб аста,
Дарахтларга айтар видо, сўнгги сўз.
Юракни куйдирар заъфарон барглар,
Сокинли бағрига беркинади куз.

УЛҒАЙИШ

Кеча остонанга бордим ялиниб,
Юзимга эшингинг маҳкамлаб ёпдинг.
Бевафо дўстгинам — менинг ёшлигим,
Наҳотки ўзга бир дўстингни топдинг.

Ялиндим чақириб ортингдан сенинг,
Қўлларингдан яна маҳкам тутмоққа.
Сен эса бирор сўз айтмадинг, кетдинг,
Наҳот энди йўлим бошқа сўқмоқда.



Сўнг эса минг битга сўқмоқлар чиқди,
Бошимга минг битта савдолар солиб.
Ташвишлар илк бора қўлимдан тутди,
Ишқ мени куйдирди, кетяпман ёниб.
Оҳ, билиш оғирдир қайтмаслигингни...

ЎРИК ГУЛЛАГАНДА

Булутлар карвони саф тортиб кўкда,
Шамол ғазабидан куйини чалган.
Куёшнинг ишқидан эриб кетган ой
Ўрик шоҳларига илиниб қолган.


Майсалар қўзидан тонгда ёш қалқиб,
Тонглар этагини сойларга солган.
Сочларини ўриб салом берганда,
Қизлар мажмунунтолдан ибони олган.

Яна тун бағрига қайтиб юлдузлар,
Гўёки борлиққа келган-у баҳор.
Тупроқ яшил либос кийиб олган-у
Фақат дарахтларга ёғиб қўйган қор

ТОНГ ОРЗУСИ

Тун... туйғулар... ёлғизлик... сукут...
Қора сочларини ёйди дунё.
Орзу-ла кетяпман, бахтим, мени кут,
Умид фонусларин ёқади само.

Боримни қамрайди борлиқ ҳисларга,
Тонгга жойнамозин тайёрлар кеча.
Баҳорим ўрнини бермай кузларга,
Дуолар қиламан токи тонггача.



Кулгичимга ошно бўлмоқ истар ғам,
Лабларим кулуга дўстлашаман дер.
Бебош изларимга боққанча отам,
Дейди: — Эй худойим, қизим бахтин бер!

Умидлар истаган юраккинамни,
Қора совуқ — армон музлатмоқ истар.
Дилда гуллаётган тилакларимни,
Менга ҳам кўрсат деб кечалар қистар.

Дардларим мен билан қарши олган тун,
Ўн саккиз ёш қиздай қора қош, сочлар.
Менинг қайгуларим оғир ботдими,
Ҳатто туннинг сочи оқара бошлар...

ҚАТРАЛАР

Ойна! Сен доим инсонларнинг
Бор бўйича кўрсатасан,
Лекин барибир кўнглини
Кўрсатишга ожизсан.

* * *

Китоб! Ҳар бир варағингни қазиб,
Беҳисоб олтинлар топяпман.

* * *

Ёмғир! Сен ҳарчанд уринма,
Фақат дунёнинг губорини ювиб
Ёғишинг мумкин.
Аммо кўнгилларни
Ювиб ташлолсанг қанийди

* * *

Соғинч! У инсонни икки йўлга бошлайди:
Бири — ҳалокат, иккинчиси эса садоқат. ✓

* * *

Дафтарим! Сен менинг энг кичик ва оғир сандиғимсан,
Ахир сенда қанчалар бойликларим бор.

* * *

Инсон ва бойлик!
Булар худди капалак ва оловга ўхшайди.
Аввал олов ёниб капалакни ўзига чорлайди,
Сўнг қанотини куйдиради ва ҳатто ёндиради ҳам.

* * *

Инсон табиатнинг энг буюк кашфиёти ва энг даҳшатли
маҳлуқотидир.

* * *


Сен агар дунёни доим чароғон бўлишини истасанг,
аввало, кўнгил чироғини ёқ.

* * *

Анор! Худди қалбга ўхшайсан,
Аввал кўксингга қонли армонларни тўлдирасан,
кейин чидолмай ёриласан .

ҲОЛАТ

Тун кўйлаги — қора ридолар,
Юрагимга чўқар этаги.
Юлдузларни ўйноқлар само,
Гўё юлдуз туннинг эрмаги.



Дарёларда ҳайқирмас садо,
Сокинликка қўл берар олам.
Ва ниҳоят бутун дунёга
Куй улашар қандайдир ҳотам.

Ёлғизликдан бағри эзилган,
Ой кўксига тун суртади доғ.
Яйлов кезиб ҳорган тулпордай,
Тик турганча ухлаб қолар тоғ.

Дарахтларни чўчитмоқчидай,
Шамол ўзин урар япроққа.
Уйқусида сесканиб сойлар,
Бошин қўйиб чайқар қирғоққа.

Тонг ёришар, майсалар сармаст,
Шудрингларнинг сархуш майидан.
Чин гўзаллик иси келади
Кушчаларнинг шўх куй, найидан.

Кунни кучган замин бағрида
Хўроз мағрур кўшиқ айтади.
Жаннатларга чашма улашиб,
Шу тоб деҳқон боғдан қайтади.

Ақтам ТҰРАҚУЛОВ



1986 йил 21 августда Риштон тумани Оқер қишлоғи Боғистон даҳасида туғилган. Ҳозирда Фарғона Давлат университети педогогика факультети талабаси. “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

СОҒИНИБ КУТДИМ

Хазондек тўкилиб кетди баҳорлар,
Кўйингда азобу ситамлар ютдим. ✓
Бир зум тинч қўймади дилни озорлар,
Шунда ҳам мен сени соғиниб кутдим.

Ёғилди бошимга оппоқ қировлар,
Бедорлик тунларим покликка битдим.
Йўлимдан оздирди турфа синовлар,
Шунда ҳам мен сени соғиниб кутдим.

Умидим бўлдилар ширин хаёллар,
Кўзимни юмдим борин унутдим.
Бегона бўлса ҳам майли висоллар,
Шунда ҳам мен сени соғиниб кутдим.

ҲАЛИ БАҲОР КЕЛАР

Зулматлар кетади, бўлади ёруғ,
Қуёш ҳар тонгимни этади кутлуғ.
Экаман меҳрдан кўнглимга уруғ,
Ҳали баҳор келар кўнгил боғимга.

Суюнчим бўлади сабрим тоғлари,
Булбул-ла тиллашиб саҳар чоғлари.
Шабнамда ювилиб дилнинг доғлари,
Хали баҳор келар кўнгил боғига.

Ифорин таратар анвойи гуллар,
Эҳтиросга тўлар ошиқ кўнгиллар.
Фасли баҳоримдан нишона булар,
Ҳали баҳор келар кўнгил боғимга.

Ёрилиб кетмади, кўксим бўлди тоғ,
Сабрим тугамагай, бўлмагай адоғ.
Кўкламни соғиниб кўнглимда қадоғ,
Ҳали баҳор келар кўнгил боғимга.

ОНАЖОН

Шўх саболар япроқларни эркалар,
Юзин силаб тупроқларни эркалар,
Тўлқинлар ҳам қирғоқларни эркалар,
Юрагимни тилкалайди, онажон,
Мени ким ҳам эркалайди, онажон.

Сармаст эдим оҳ ёшликни васлидан,
Энг гуллаган баҳоримнинг фаслида.
Тирик ўлган ёмон экан аслида,
Юрагимни тилкалайди, онажон,
Мени ким ҳам эркалайди, онажон.

Дардларини шеърга солган болангиз,
Меҳр эмас, азоб олган болангиз,
Бу дунёда тани қолган болангиз,
Юрагимни тилкалайди, онажон,
Мени ким ҳам эркалайди, онажон.

Манзилингиз узоқ, йўлим тўсилган,
Умидларим ўртасидан кесилган.
Суратингиз уй тўрида осилган,
Юрагимни тилкалайди, онажон,
Мени ким ҳам эркалайди, онажон.

Одинахон МУТАЛИПОВА

Одинахон Муталипова 1999 йилда Фарғона туманида таваллуд топган. Ҳозирда 18-мактабнинг 5-синфида ўқийди.

“Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

ТЕЛЕФОНДАГИ СУҲБАТ

Жиринглагач телефон,
Кўлига олди Усмон.
— Алло, алло, сизмисиз,
Кечирасиз, бувижон!
Ҳозир гаплашмай туринг,
Гапимни олинг уқиб.
Бир оз грипп бўлганман,
Сизга қолмасин юқиб.

БАХТИЁРМАН

Соғлом, қувноқ боламан,
Меҳнатдан завқ оламан.
Агарда иш қилмасам,
Тез зерикиб қоламан.
Катталарга дастёрман,
Хизматига тайёрман.
Фойдам тегса бировга,
Мен тенгсиз бахтиёрман.

ДИЛНОЗА ВА АММАСИ

Сўраб қолди Дилнозадан
Уйга келган аммаси
— Қизим, ўқишлар қалай?
— Баҳойим беш ҳаммаси.
— Уч-у тўрт йўқми ҳеч ҳам?
— Менда нима қилар у!
Ўқигандан сўнг ахир
Бешга ўқиш керак-ку!

Тоҳиржон ШЕРАЛИЕВ



1982 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Касби ҳисобчи. Шеърӣ машқлари туман, вилоят ва республика матбуотида чоп этилган. Айни кунда Фарғона шаҳар “Саховат уйи”да ишлайди. “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

ВАТАН

Ватан, сени она дедим,
Тунрофингга босдим лаб.
Сабонг ҳар тонг уйғотадир
Онам каби эркалаб.

Ватан, сени жоним дедим,
Дедим орим, номусим.
Азиз жоним ҳимояга,
Олди қонун, қомусим.

Ватан сенинг фанимингга
Совғам нафрат, сўзим ўқ.
Тунрофингнинг гардини ҳам
Ётга берар аҳмоқ йўқ!

НИГОҲИНГ ШИРИН

Азизим, нигоҳинг бунчалар ширин,
 Умримнинг мазмуни кўзларингда жо.
 Ҳаётда адашдим ёки бўлмаса,
 Адашиб олгандир бағрига дунё.
 Қанийди барига қўлимни силтаб,
 Бу дунё андуҳин унутсам бир дам.
 Кошкийди сен мени султоним десанг,
 Мен сени эркалаб атасам — бекам!
 Фақат сен ёнимдан кетма, гулжамол,
 Ёлғизлик чоҳига отма, илтимос!
 Фақат сен соғинчим олмагин малол,
 Кўзимга лабларинг тамғасини бос!

ХУРКАК ЖАЙРОН

Оҳу кўзлим, хуркак жайронсан,
 Ишқ йўлида минг бор ҳайронсан.
 Муҳаббатинг ошкор айтолмай
 Бағри бир ён, қалби вайронсан.
 Бевафо кўп дунёда, бироқ
 Ишқ йўлида қурбонлар ҳам кўп.
 Сен худодан вафолар тила,
 Садоқатнинг пойларини ўп.
 Яна тила, Худо асрасин
 Шайтонларнинг васвасасидан.
 Булоқ суви каби уйғонай
 Сочларингни шаббодасидан.

ЛОЛАСАН

Баланд тоғ устида унган лоласан,
 Нурли тонг чоғида куласан порлаб.
 Довуллар бездирган кўнгил кемамни,
 Маёқдек турасан ўзингга чорлаб.
 Қанотим бўлсайди ёнингга чиқиб,
 Сени бир зумгина қучиб тушардим.
 Мунаввар тонгларнинг оқ либосидан,
 Сенга бир кўйлакча бичиб тушардим.

13 **Ражаб Али ҚОДИРОВ**



Ражабали Қодиров Қува туманида туғилган. “Қува ҳаёти” газетаси қошидаги “Нафосати Надимий” ёш ижодкорлар тўғараги, шунингдек, “Олтин қалам” тўғараги аъзоси. Шеърлари туман ва вилоят газеталарида эълон қилинган. 2007 йилда “Оққушлар” номли илк шеърый китоби чоп этилган. Али тахаллуси билан ижод қилади.

СЕНДАН БОШҚА

Кел, гўзалим, қошлари камон,
Сенга айтар сўзим бор менинг.
Дилга азоб бермагин ёмон,
Сендан бошқа кимим бор менинг?

Дардим айтсам тушунгин ўзинг,
Ором берар чиройли кўзинг.
Қизғонаман энди дил сўзинг,
Сендан бошқа кимим бор менинг?

Бир ғарибман ишқингдан танҳо,
Кўзларингдан излайман вафо.
Айламагин жонимга жафо,
Сендан бошқа кимим бор менинг?

Тушларимга кириб тур гоҳи,
Яшнаб турсин бу кўнгил боғи,
Соғинчларнинг борми адоғи,
Сендан бошқа кимим бор менинг?

Ҳар кўрганда кўришиб тургин,
Эркаланиб, кулишиб тургин,
Майли-майли, уришиб тургин,
Сендан бошқа кимим бор менинг?

ИЗЛАБ БОРАМАН

Қайдасан, эй дилкашим, васлингни излаб бораман,
Бир ғариб дилхастаман, дардимни сўзлаб бораман.

Кел, қани эй меҳрибон, ўртанур бағрим ёмон,
Излагайман ҳар замон, йўлингда бўзлаб бораман.

Бунча ҳам девонаман, ўт ичра токай ёнаман,
Дил бериб парвонаман, меҳрингни қўмсаб бораман.

Соғиниб кутгин мани, ёдингда юрсам оҳ қани,
Қайданам кўрдим сани, бағрими тиглаб бораман.

Хуш дилим ғам этмагин, кел кўзларим нам этмагин,
Ҳардам хаёлинг-ла Али, ишқингда йиғлаб бораман.

ҒАМ ДЕМАНГ

Битмай қолган камлар учун ғам еманг,
Севмай ўтган бирор дамни дам деманг.
Вафо қилмас бу шафқатсиз дунёда,
Жудоликдан бошқасини ғам деманг.

Кўнгил берманг жондан кечиб бойликка,
Алиштирманг иймонни мол-шодликка,
Яшасангиз ҳамки фақат ойликка,
Жудоликдан бошқасини ғам деманг.

Орзуларга эртами, кеч етасиз,
Савдолардан қочиб қайга кетасиз,
Арзимаган ғамга бошни эгасиз,
Жудоликдан бошқасини ғам деманг.

Умр тугар, туламайди ташвишлар,
Чор-атрофда юрар турли мишмишлар.
Бошга тушса майли турфа хил ишлар,
Жудоликдан бошқасини ғам деманг.

Кувонмангиз ногоҳ келган давлатга,
Бино қўйманг қадди-қомат, савлагга.
Кун қолмасин нокас билан номардга,
Жудоликдан бошқасини ғам деманг.

ДЎСТИМ, ҚУЛОҒИНГИ ТУТ

Ишлар малол келса хотинга,
Жанжал қилиш керакми шунга,
Чидайсизда бир-икки кунга,
Уйларига жўнагиб туринг.

Яхшини ҳам ёмон десангиз,
Янаш қийин бўлар билсангиз,
Доим кулиб юрсин десангиз,
Уйларига жўнатиб туринг.

Майли тергаб туринг бошида,
Маза бўлар қилган ошида,
Ўйнаб қолсин айти ёшида,
Уйларига жўнатиб туринг.

Рўзгорим деб тинмас бечора,
Рухсат учун излайди чора,
Онасига бўлсин парвона,
Уйларига жўнатиб туринг.

Ичида деб инсон оласи,
Демангиз у ётнинг боласи,
Йўл кутади ахир онаси,
Уйларига жўнатиб туринг.

Сизникида ўнг-у тушлари,
Тугармиди уйнинг ишлари,
Тушмасидан садаф тишлари,
Уйларига жўнатиб туринг.

Дилдора АҲМАДЖОНОВА



1989 йилда туғилган. ФарДУнинг филология факультети 1-босқич талабаси. 2008 йилда “Фарғона” нашриёти томонидан “Шукрона” номли шеърий тўплами нашр этилган. “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

МЕН ТУҒИЛГАН ЎЛКА

Мен туғилган ҳур ўлка,
Ҳар зарраси дур ўлка.
Ҳам қуёшли, нур ўлка —
Озод юрт Ўзбекистон.

Тупроғи олтинга тенг,
Халқи ўқтам, бағри кенг.
Маҳлиё ҳуснига тонг,
Қадим кент — Ўзбекистон.

Хизрнафас деҳқони,
Тўқиндир дастурхони,
Меҳмон кутар чўпони,
Бағри бут Ўзбекистон.

БАХТИМ ҚОМУСИ

“Конституция” деган сўз
Ўзи нима дегани?
Бахтимиз, ҳам эркимиз
Бошимизга қўнгани.

Бу сўз шундай сўздирки,
Унда тинчлик барқарор.
Мустақиллик, эркинлик
Унга эгиз, унга ёр.

У тинчликни сақлайди,
Удир бахтим Қомуси.
У билан тотли ҳаёт,
Унда халқим ёғдуси.

12 *Ошиқ АҚМАЛ*



Ошиқ Акмал (Акмалжон Соҳибов) 1986 йилда Бағдод туманидаги Бедарак қишлоғида туғилган. Қўқон тасвирий ва ималий санъат коллежини тугатган. Шеърлари туман, вилоят газеталарида чоп этилган.

АРМОН

Дунёлар тор бўлди кўзимга,
Ўзим дард бўламан ўзимга.
Гар қулоқ солмасанг сўзимга,
Айтардим юз бора, минг бора,
Мен сени севардим...

Оғулаб ошиқлар ошини,
Сел қилдинг кўзимнинг ёшини.
Ёгдирдинг нафратнинг тошини,
Ишқ деган энг тоза гулзора,
Мен сени севардим...

Армонлар сочимда қор бўлди,
Гул кўнглим узилган тор бўлди.

Орзулар кўмилиб хор бўлди,
Ғам оглиқ қоп-қора мазора,
Мен сени севардим...

Сўнг Ошиқ Акмалдек сарсон ишқ,
Қадри кўнглимдан ҳам арзон ишқ,
Умидсиз дилларда хазон ишқ,
Ҳожат ҳам қолмади изҳора,
Мен сени севардим Нигора.

ҒАЗАЛЛАР

Кел, эй хуршиди тобоним, ажаб соҳибжамолимсан,
Кўнгил боғида шамшоду сарв қадди ниҳолимсан.

Кезиб бу даҳр аро найлай тополмам сен каби маҳбуб,
Бу ишқ дунёсидин тонган ўзинг ширин хаёлимсан.

Бани одамми ё хурсан, билолмай ҳайратим ортар,
Санам кўнглингда нелар бор, жавобсиз хуш саволимсан.


Нигоҳинг жон қадар етди, юракни этди вайрона,
Нечун билмассан, эй жоно, ғарибу хаста ҳолим сан.

Ки дардим эзди кўнглимни кўролмай ой жамолингни,
Десанг нетгай муҳаббат бобида аҳди вафолимсан.

На қилсин мен киби ноқис ғаму ҳажрингда зор қилсам,
Раҳм қил Ошиқ Акмалга, нигоро, мунча золимсан.

* * *

Эй кўнгил, ёрлиқ тиларсен дўсту чин ёринг билан,
Этма хун хешлар дилин зарра озоринг билан.



Яхши сўзни қил саховат тутма пинҳон ўзгадин,
Бир гариб кўнглини этсанг гул суҳанворинг билан.

Демагил ҳаргиз ёмон сўз юз бало етгай сенга,
Тил деган заҳру суяксиз ул қаро моринг билан.

Эл аро топгил ҳаловат бирла шуҳрат ҳар қачон,
Тинчлик, мардлик аталмиш икки асроринг билан.

Қувма бойлик ортидан, хорлик топарсан оқибат,
Сабр этиб бўл бахтиёр, гар бўлса не боринг билан.

Бил ёмонлик бирла топмассан элу ҳақдин ризо,
Ҳурмат эт арбобу ошноларни ҳўб коринг билан.

Ошиқ Акмал олма илкинга маломат тошини,
Элни шод этгил ҳамиша қўлдаги торинг билан.

* * *

Эй малак, бўлдим сенга шайдо, мени зор айлама,
Юзлари гул, қомати зебо мени зор айлама.

Кўзларимдан шашқатор ёшлар оқиб қон йиғласам,
Ўзгалар бирлан бўлиб ошно, мени зор айлама.

Қолдириб ҳижрон аро мен хастадин олмай хабар,
Ёшириб гулдек юзинг раъно мени зор айлама.

Мисли Мажнундек гами ҳажрингда чексам юз фиғон,
Минг қарашма ноз этиб лайло мени зор айлама.

137

Нури ишқингдин ёниб кул бўлди жисмим найлайин,
Ё келиб жонимни олгил, ё мени зор айлама.

Доимо қалбимладирсан, дилрабо, сен бўлмасанг
Кўзларимга тор эрур дунё, мени зор айлама.

Ошиқ Акмал чеккан оҳинг ҳусн элин султонига,
Етса айтгум ёлвориб асло мени зор айлама.

* * *

Не бўлур келмай мени эй ёр йиғлатдинг бу кун,
Жонима айлаб жафоки зор йиғлатдинг бу кун.

Дам-бадам қон ютмишам кўрмак учун гулдек юзинг,
Бўлмишам ишқинг гамидин хор йиғлатдинг бу кун.

Кўрмадим аҳли малоҳат ичра сендек ҳур вале,
Айласам ишқим сенга изҳор йиғлатдинг бу кун.


Ёшириб ойдек жамолинг ишқ пинҳон айлабон,
Этмадинг қалбинг сирин ошкор йиғлатдинг бу кун.

Нури ишқинг куйдириб кўнглимни вайрон айлади,
Чехраси тобону хушрафтор йиғлатдинг бу кун.

Йиғламоқдин найлайн бўлди бу бағрим доларанг,
Оқди кўз ёшим бўлиб анҳор йиғлатдинг бу кун.

Дийдалар оромни тарк этса нетай мен йиғламай,
Кунда бемор, тунлари бедор йиғлатдинг бу кун.

Ошиқ Акмал айласа мажруҳи дил изҳорини,
Рад этиб сен гули беор рухсор йиғлатдинг бу кун.



* * *

Ишқ айлади мажнуни шайдо мени,
Маҳв этар мундоқ ажиб савдо мени.

Ғам-алам водийсида ҳолим хароб,
Оқди чун кўздин ёшим дарё мени.

Не ажабки бир қади зебо санам,
Солди бу ёш жонима ғавғо мени.

Васлидин ўзга даво йўқ дардима,
Бахтиёр этмаски бас дунё мени.

Айдим: Эй гулки нетарсен ноз этиб,
Кел бу кун ҳолимни сўр барно мени.

Айдики: бу дардинга йўқдир даво,
Зийнатимдир нози истиғно мени.

Найлайин билмам не боис эй рафиқ,
Хор этар ул шўхи бепарво мени.

Ошиқ Акмал не десанг Ҳақдин сўра,
Зое этмас қодири Мавло мени.

Зухро ЮЛДУЗ



Зухро Юлдуз (Юлдуз Баракаева) 1990 йилда Риштон туманининг Чеки-Жалаир қишлоғида таваллуд топган. Фарғона мишсий хизмат касб-ҳунар коллежида таҳсил олган.

Ҳозирда “Оталар сўзи” газетаси таҳририятида адабий ходим вазифасида фалоият кўрсатади. Шеърлари вилоят газеталарида эълон қилинган.

СЕВГАН ЮРАК

Севги зўрдир, кўнгил нурафшон,
Не-не қалбга бўлади нарвон, ✓
Севиб кўринг бўлмасдан ҳайрон,
Севиш бахтдир, севилган омон...

Гар севсангиз тун ўтар бедор, ✓
Талпинади юрак унга зор,
Агар ўтсанг билмасдан ҳижрон,
Севиш бахтдир, севилган омон...


Назокат МҰМИНОВА



1995 йил 21 ноябрда Риштон туманининг Бўстон қишлоғида туғилган. Ҳозирда 35-умумий таълим мактабининг 9-синфида ўқийди. “Тоҳир-Бағдод” телевидениеси қошидаги “Ёш ижодкор” тўғираги аъзоси. У “Тоҳир-Бағдод” телевидениесида “Болалар” кўрсатуви бошловчиси ҳамдир.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Озодлик байраминг муборак бўлсин,
Эй, бағри бўстони, Ўзбекистони
Халқим юрагига қувончлар тўлсин,
Эй, суюқ достони, Ўзбекистони.

Куюшинг норласин, иқболинг кулсин,
Мусаффо осмони, Ўзбекистони. 
Хумо қушинг мангу бағрингда қолсин,
Эй, ёруғ жаҳони, Ўзбекистони

Назокат кўркингни ашъорга солсин,
Эй, буюк қарвоним, Ўзбекистоним.
Тўйларингга доим бошу қош бўлсин,
Юртбошим, сарбоним, Ўзбекистоним.

КАМАЛАК ТАБАССУМИ

Ёмғир ёғди оламга,
Учолмайди капалак.
Пайдо бўлди осмонда
Етти рангли камалак.

Яшнаб кетган далалар
Узра ўйнар нур, жило.
Гўё бизларга боқиб,
Жилмаяр эди дунё.

Тўғриси, кўм-кўк осмон
Таъзим қилади ерга.
Табассум қилар энди,
Камалак кириб шеърга.

Баҳром ЗИЁЕВ



1988 йил 28 майда Бағдод туманидаги Чўринди қишлоғида туғилган. Қўқон темир йўл касб-ҳунар коллежини битирган.

ҲЕЧ КИМГА ЎХШАМА

Ҳеч кимга ўхшама, ҳатто ойга ҳам,
Кўлим етмас сенга, хаёлим учар.
Васлингга термулсам ерда мўлтираб,
Сени ҳув булутлар бемалол қучар.

Ҳеч кимга ўхшама, ҳатто сойга ҳам,
Дил унда аламга кўмилади-да.
Юзларимни ювиб шукрона айтсам,
Кимдир йўқлигимда чўмилади-да.

Ҳеч кимга ўхшама, ҳатто менга ҳам,
Кезида юзингга боқмай қўяман.
Уятдан баъзида, аламдан гоҳи,
Ўзимга ўзим ҳам ёқмай қоламан.
Ҳеч кимга ўхшама...

Асроржон СОЛИЖОНОВ



*1990 йил 28 декабрда Ўзбекистон туманида таваллуд топган.
Унинг шеърлари вилоят ва республика газеталарида чоп этилган.
“Ниҳол” адабий тўғараги аъзоси.*

ЎТИНЧ

Ёмғир, мана бағримга ёғил,
Ўчиргил дил туғёнларини.
Сендан ўтинч сўради кўнгил,
Ҳайда тўзган тўзонларини.

Ёмғир, мана бағримга ёғил,
Алвон рангли лолалар узра.
Мунгайганча кўз ёшингда дил,
Ялангликда қолган бир ҳужра.

Ёмғир, мана бағримга ёғил,
Ором олсин бу оташ юрак.
Ҳукм одил, бир куни албат
Ёмғирларга ўйлансам керак.
www.ziyouz.com kutubxonasi



Ўмғир, мана бағримга ёнғил,
Бир бўлайлик ва ёниб қуйлай.
Сен юзимдан гул каби ўшиб,
Мен кўзинга термулиб ўлай.

ДУНЁ

Дунё, сени ўйлайман яна,
Қўлларимга тутгайсан шароб.
Сайёдларга бериб бошпана,
Оҳуларга бўлурсан сароб.

Дунё сени ўйлайман яна,
Оёқяланг юрсам ҳам қишда.
Одамлардан кулма ҳам, куйма,
Бўла олмас ҳеч ким фаришта.

Солланиблар қолурсан гоҳо,
Қўйнингдаги нимадир, нима.
Қўйлагимни ечиб оларсан,
Қўзларимга солиб жимжима.

Баҳор ўтар, куз ҳам ўтади,
Бир каминг ҳам тўлади ҳали.
Кимларгадир жаннат бўларсан,
Балх тутлар пишган маҳали.

БОЛАЛИК

Умр ўтар. Қадам товуши
Одимлайди манзилга томон.
Ўтган куним — сўқирнинг туши,
Болалигим, қол энди омон.

Қўл силкитиб ортимдан беун,
Қиқирлаган гулларга видо.

Энди орта қайтмоқлик учун,
Илинж борми йўл кўрсат, Худо.

Илинжим шул, илинжим шеърим,
Болаликнинг танҳо мероси.
Кўз ўнгимда биринчи севгим
Ва отамнинг нурли сиймоси.

Яна тонглар отиб бошқача,
Соғинч хати йўлларми мудом.
Яна баҳор қайтса солланиб,
Юргимда гулларми бодом.

ХИРГОЙИ

Осмондаги оқ булут,
Ерга ҳам бир боқ, булут.
Ошиққа бор дунёда
Куймоғу ёнмоқ, булут.

Қирда ўсган қизғалдоқ,
Ёрингдир такаббур тоғ.
Мени суйган гўзалнинг
Чап қўлида кўзмунчоқ.

Ёр! Юзинг қуёшданми,
Йўлинг тилла тошданми?
Манзилим қайдир менинг,
Худо йўлга бошларми.

Қандай замон бу замон,
Тошлар ёғар мен томон.
Тупроқ бўлиб дунёда,
Кўкни севган мен ёмон.



ЮРАГИМ БИЛАН...

Моҳим, ўполмайман юзларингдан, йўқ,
Оҳим ўполмайман кўзларингдан, йўқ.
Эй сўзи оғулим, киприклари ўқ,
Сени севадурман юрагим билан.

Ў-ҳў осмонларга туташди кўксим,
Яна армонларга туташди кўксим.
Бизнинг йўлимизга говдир айтгил ким?
Тоғларни кўпоргум билагим билан.

Мен сени дунёда гулим деганман,
Сен само экансан, мен ер эканман.
Сўзларингни дилга, тилга экканман,
Бахтиёрман кўнглим малаги билан.

Юлдуз тўла осмон, ғам тўла осмон,
Ёғду тўла осмон, шам тўла осмон.
Қуёшим бўлиб қол, ботма ҳеч қачон,
Қолиб кетмай ёлғиз фалагим билан.

Қўқон Али
ҲАБИБИЛЛОХОН ўғли



Қўқон Али Ҳабибиллохон ўғли (Қўқонали Ҳабибуллохонов) 1988 йилда туғилган. Шеърлари 2008 йилдан буён газеталарда чоп этилмоқда.

КЕЛМАЙСИЗ

Дардимни айтаман суриб оримни,
Ичсам қор қилмайди дори-дармоним.
Соғинч исқанжаси чулғар танимни,
Табибим бўлибон келмайсиз, жоним.

Кўнгил айвонидан чаккилар ёмғир,
Қалбим оғрир маним, қароғим оғрир,
Сизни деёлмайман асло, тошбағир,
Табибим бўлибон келмайсиз, жоним.

Пойингизга қаранг, гурур чўқар тиз,
Юракда йиғлайди юпанмай бир ҳис,



Дардимнинг давоси асли ўзингиз,
Табибим бўлибон келмайсиз, жоним.

Дардим томир отар юрак қаърига,
Мартабангиз етсин, илло, валига,
Раҳмингиз келмасму Кўқон Алига,
Табибим бўлибон келмайсиз, жоним.

АЁЛЛАР

Устозим Гулбаҳор Саидганиевага

Сизда бари шодлик, бари армонлар,
Сизга элтар манзил ўю хаёллар.
Бир сўзни айтмоқни истар юрагим,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Сизда меҳр бисёр, муҳаббат бисёр,
Кимлар баҳра олар, кимлар умидвор.
Гоҳо ишқ йўлида берасиз озор,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Бешиклар тебранмас бўлмаса алла,
Тўйларда ёр-ёру дилларда ялла.
Сиз билан гўзал юрт, гўзал маҳалла,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Пахтага тўлдириб этакларини,
Тонггача айтади эртақларини.
Қай юрт сизлайди гўдақларини,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Йиғлаб қорайган шу кўзларида сир,
Хақ гап айтиб сўрар эридан узр.

Ярмини пир деган, ярмини Хизр,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Хон қизи холидай асли жонлари,
Совимай тугайди кулча нонлари.
Оналик деб билар бахтли онларин,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

Тугунга тугади туйғуларини,
Беркитиб юради қайғуларини.
Ўзидан қизғонар уйқуларини,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.


Ёрилган товонлар, қўли қадоклар,
Бошимни силаган азиз бармоқлар.
Муҳаббати вулқон, меҳри қайноқлар,
Ўзбекнинг устун асли аёллар.

СЎРАМАНГ

Сиз мендан шеър сўраманг,
Айтолмасам нетаман.
Кўнгил кетса сел бўлиб,
Ўзим айтиб бераман.

Сиз мендан шеър сўраманг,
Ҳали йўқдир севганим.
Сизга шеър айтиб берсам,
Севганим шу, куйганим.

Сиз мендан шеър сўраманг,
Не десам ўкинмайсиз?
Кўксимда бир шеърим бор,
Айтаман, тушунмайсиз.



Лекин ҳеч сўлмагин, гўзал бўлиб қол,
Ҳеч қачон айланма бир бағри тошга.
Ўшанда ишқ сенга очади қучоқ,
Тўрт томон хона ҳам нурга тўлади.
Сўзларим унутма, доим сол қулоқ,
Ҳаётни севганлар бахтли бўлади.
Гулим...
Бахтлимисан, айт нега жимсан?

ЯПРОҚ

Бир кун япроқ бўламан,
Майсалардан юқори.
Гўзал яшил кўйлагим,
Тўқилмас ҳеч охори.

Япроқ бўлсам қалбимни,
Шох-шаббалар биларлар.
Ҳар тонг турсам юзимни,
Шабнам бирла силарлар.

Япроқ бўлсам осмоннинг
Кўз ёшига чўмилиб,
Сабо бирла учардим
Ифорларга кўмилиб.

Ўйга толаман аста,
Узилар бўлсам агар.
Оёқлари остида
Янчиб ташлар одамлар.

Олтин кузнинг ортидан
Қишлар бошлар табиат.
Мен-чи хазон бўламан,
Баҳорни кутуб фақат.

Ерга сингиб кетаман,
 Қовжираб, қақшаб, қуриб.
 Йўқ-йўқ, япроқ бўлмасман,
 Инсоний ўрним туриб.

Лекин раҳмим келади,
 Ўйласам япроқларга .
 Бу дунёнинг қонуни
 Тўладир фироқларга.

ҚАЛАМ ВА ҚОҒОЗ

Менинг юрагимни қийнаса алам,
 Хаёлимда ҳижрон қилса-да парвоз.
 Менинг дардларимни билади қалам,
 Кўнглим кўз ёшини артади қоғоз.

Гоҳо ошиқликдан бўлганим бедор,
 Тунлари хонамда ёққанларим шам.
 Шунда ҳам қалбимни билмайди ул ёр,
 Менинг дардларимни билади қалам.

Барига қўл силтаб, гар десам майли,
 Бўғзимни куйдириб келганда овоз.
 Энг гўзал, покиза ҳислар туфайли,
 Кўнглим кўз ёшини атради қоғоз.

Тоғларни титратар бўлса-да нолам,
 Кулгуларим мендан кечар бўлса воз.
 Менинг дардларимни билади қалам,
 Оддий ҳаётимни безайди қоғоз.



ҚАЛБ УЙИМ

Кўксимда бир уй бор! Девори пахса,
Чироғи доимо ёниқ туради .
Агар қалб кўзларим ростини айтса,
Ичида орзулар хаёл суради.

У ернинг пардаси алангасимон,
Агар ҳилпираса ёниб кетаман.
Ўша ердан туриб, бахтимга томон
Бир бора қўл чўзсам, дарҳол етаман.

Соғинчлар ул уйнинг томини ёпган,
Атрофида елар сабо — туғеним.
Унинг денгизида тилаклар оққан,
Фақат масрурликдан куйлайди торим.

Кўксимда бир уй бор! Боғлари гулгун,
Қувонч ёшларимдан сув ичар гуллар.
Уйимга ғамларни йўлатмаслик-чун,
Бунда қўриқчидир гўзал туйғулар.

ТОЛ РУҲИ

Ҳайрон бўлма, агар танангга
Сигмаётган бўлса юрагинг .
Балки энди мажнунтолларнинг
Соясида келмас куйлагинг.

Сен эслайсан: ўша толингнинг
Новдасидан ясаб беланчак,
Сингилчангни учирганингда,
Кулган эди анвойи чечак .

Энди ўша мажнунтоллар йўқ,
Асабларинг тортилар таранг.
Сен ўйнаган йўл четларида
Симёғочлар турар ранг-баранг.

Эрта тонгда чиқасан йўлга,
Қандай гўзал баҳор шукуҳи.
Кушлар кўнган симёғочларда
Тебранади толларнинг руҳи.

* * *

Юракнинг тубини кўмсайди титроқ,
Оёқлар остида қуюн лойланган.
Сизга элтар йўллар очикдир, бироқ
Кўкдаги ҳилолга сочим бойланган.

Қирғоги йўқ, тубсиз дарёдир ҳижрон,
Тўлқинлар дардимни қилар арғамчи.
Ҳаттоки танамдан қочаяпти жон,
Довулар кўксимга урсалар қамчи.

Тунлари осмонга ўтинчим айтсам,
Ишқнинг азобида ҳолим билмайди.
Устимдан кулади юлдузларим ҳам,
Ахир оймомага бўлганман банди.

Ва яна юракни эгаллар совуқ,
Аёзнинг қаҳридан титрамоқда тан.
Сиз томон элтувчи йўллардир очик,
Фақат ойга ҳамон сочим бойланган.

Маҳмуд АКБАР



*1984 йилда Кува тумани Акбаробод қишлоғида туғилган.
Уста-ҳунарманд.*

ИЛҲОМ

Илҳом бергин, Оллоҳ, умрбод
Кўнгилларни этиб юрай шод.
Доим мени эслаб юришсин, ✓
Кўнгил уйин қилай мен обод.

Осмон каби кенг бўлай чексиз,
Шу қаламни сириш этай фош. ✓
Ҳеч қачон у бўлмасин эрксиз,
Ортидан ҳеч отилмасин тош.

Ой бўлсин у қўл етмас йироқ,
Қуёш бўлсин қамашсин кўзлар.
www.ziyouz.com kutubxonasi

Юлдузлардан минг бора кўнроқ
Хаёлларга алмашсин сўзлар.

Илҳом бергин, Оллоҳ, умрбод,
Умрбоқий ёзай қаламда.
Кўнгилларни этиб юрай шод,
Яшасин шеър доим оламда.

СИЗ МЕНИ ТУШУНМАЙСИЗ

Дардим бор ўзим билган,
Айтолмам сўзим бирлан.
Имласам кўзим бирлан,
Сиз мени тушунмайсиз.

Юрагим санчар гоҳ-гоҳ,
Менга дард берган Оллоҳ.
Изласам сиздан паноҳ,
Сиз мени тушунмайсиз.

Шу дунё келган жойим,
У дунё кетар жойим. ✓
Дунёда асли пойим,
Сиз мени тушунмайсиз.

Маҳмудни ким тушунар,
Бор дардин ичга ютар. ✓
Ўзгдан умид кутар,
Сиз мени тушунмайсиз.

ДИЛХАТ

Қўлимда ўзганинг дилхати,
Остига қўйилган дастхати. ✓
Кўзимда намоён сийрати,
Улардан устундир ҳайрати.

Вужудим бу ишқдан жимирлар,
Оёғим ости ҳам қимирлар. ↓
Жим турган лабларим шивирлар,
Улардан устундир ҳайрати.

Маҳмудбек келмоқда сен томон,
Юраги қийналди эҳ ёмон.
Бизларга танишдир бегумон,
Улардан устундир ҳайрати.

АРМОНЛАР

Армонлар қаъридан отилган нидо,
Чексиз ҳайратларга қилдилар йўлдош.
Ердан тополмаган зуҳроларимни,
Осмонга қўл чўзиб изладим бебош.

Борлиққа ишонмам, хаёлдир овунч,
Кўзларим дунёдан тўйиб кетганда. ✓
Шам ёқсам ёришмас тор йўлаклари,
Ҳижронлар бағримни ўйиб кетганда.

Мени бу ҳаётдан умидим бисёр,
Юрагим уришдан толмайди сира. ✓
Кўнглим кўчасида бўзлайвераман,
Ишқли орзулари ҳали бокира.

Мен кимман сўрайман ўша зухродан,
Тоҳирманми ёки Лайлосиз Мажнун,
Пешонамга битган ўчмас битиклар,
Толе тақдиримдан бўларман мамнун.

ВАТАН

Оҳ, Ватанга шундай шеър битай,
Кўтарайин кўкларга уни
Керак бўлса елкамга ортай,
Осмон ё ер, кундузни, тунни.

Илк бор кўзим очилган чоғда,
Кўзларимни қувнатган чаман,
Қайда бўлмай қир-адир, тоғда,
Улуғдирсан мен учун, Ватан.

Меҳрим жўшиб томирда қонда,
Айланади мисли чархпалак,
Мустақил юрт Ўзбекистонда
Ватан учун урмоқда юрак.

Элёр РАҲИМОВ



Қува туманида туғилган. Шеърлари туман ва вилоят матбуотида чоп этилган.

ВАТАН, СЕН ОНАСАН

Ватан, сен онасан бағри қуёшдек,
Чинорларинг гўзал, гўзал япрогинг.
Баҳоринг такрорсиз, қишинг такрорсиз,
Дунёга алишмам зарра тупрогинг.

Ҳар битта ниҳолинг шеърим-ла безаб,
Номинг улуглайман, токи тирикман.
Кувонсанг, қувончинг билан шод бўлиб,
Фам чексанг, гамингга мудом шерикман.

Бағрингда мислсиз завқли кунларим,
Сокин кечаларинг нақадар маъсум.
Фанимлар олдида мағрур тураман,
Фақат сенга сўзсиз қиламан таъзим.

Титраб кетар гоҳо бедор юрагим,
Майсаларинг кучиб ётганим чоғи.
Сендан айроликда яшолмам бир зум,
Сенсиз кўкармайди юрагим боғи.

Сув сепса саҳарлар ойдек қизларинг,
Бағрингдан таралган ифоринг тенгсиз.
Соғинсам биллурдек жилғаларингни,
Ўзингга тортгувчи хуморинг чексиз.

Ватан, сен онасан меҳри осмондек...
Гўзал минорлару пахса деворинг.
Кузларинг такрорсиз, ёзинг такрорсиз,
Гардсиз шабнамдек пок нурли наҳоринг.


ВАТАН

Киндик қоним тўкилган тупроқ,
Айро бўлсам кўзим ёшланар.
Унутмагин, эй гофил инсон,
Ватан остонадан бошланар.

Ватан десам бедор қалбимда,
Таралади мунис садолар.
Севмаган ким, севилмаган ким,
Ватан муҳаббатдан бошланар.

Биз Темурбек авлодларимиз,
Мардонавор ташлайлик қадам.
Келажаги буюк бир Ватан
Меҳр-мурувватдан бошланар.

Гурурин еб ётганлар тингланг,
Ватанини сотганлар тингланг,



Элига тош отганлар тингланг,
Ватан садоқатдан бошланар.

Ҳеч кимсадан кам жойимиз йўқ,
Устимиз бут, қорнимиз ҳам тўқ,
Бузолмайди кўрғонимиз ўқ,
Ватан бирдамликдан бошланар.

Дардлиларга чин дилдан дарддош,
Дўстлар билан иноқ ва дилдош,
Яхшилар-ла бўлайлик йўлдош,
Ватан ҳамроҳликдан бошланар.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Пок имоннинг кўчмас кундузисан сен,
Улуғбекнинг қучган юлдузисан сен,
Асл тараққиёт илдизисан сен,
Тоза имон юртим, Ўзбекистоним.

Тандирингда қуёш, нур ўчоқларинг,
Ерда қолмас ризқдур ҳар ушоқларинг,
Юрагимда изи бор қучоқларинг,
Меҳри осмон юртим, Ўзбекистоним.

Беруний оламни кафтида тутган,
Темурлар номинг деб жонин унутган,
Мирзо Бобур васлинг соғинган, кутган,
Номи дoston юртим, Ўзбекистоним.

Ўғлонларинг кифти ерга тегмаган,
Душманларга ҳеч он бошин эгмаган,
Улар тупроғингни ўпган, эзмаган,
Марду майдон юртим, Ўзбекистоним.

Тер тўқар қуёшли паллаларингда
Танти деҳқонларинг далаларингда,
Кўркинг аён тоғда лолаларингда,
Танти деҳқон юртим, Ўзбекистоним.

Момолар дуода кўриб камолинг,
Сендан воз кечгани тутсиш уволинг,
Ҳа, жаннатга қиёс гўзал жамолинг,
Жаннатмакон юртим, Ўзбекистоним!

БАҲОР ГЎЗАЛ


Келинчакдек тенгсиз, мулойим,
Таърифсиз бир ажиб сеҳри бор.
Тўртта фасл ичра бегойим,
Баҳор гўзал, баҳор бетакрор.

Уйғонади табиат янги,
Гуллар кулар энтиктириб зор.
Янграр ҳар ён шодлик жаранги,
Баҳор гўзал, баҳор бетакрор.

Жилға билан жилваланиб тош,
Анҳорларда қувнар бахтиёр.
Кўзлар кулар, тинади кўз ёш,
Баҳор гўзал, баҳор бетакрор.

Чирой очиб дарахтлар барги,
Чаманларга торгади хумор.
Қамаштирар кўзларни кўрки,
Баҳор гўзал, баҳор бетакрор.

Азиз дўстим, бундайин кунга,
“Етганлар бор, етмаганлар бор”.
Минг йил умр қўшиб умрга,
Баҳор гўзал, баҳор бетакрор.



КАПАЛАК

Кипригимга келиб қўнди капалак,
Қароғимга ҳуснин йўнди капалак,
Ой қувнади, йиғлаб сўнди капалак,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Жазирама, чангу тўзон, тор кўчанг,
Ёмғирларда жигаримча бор кўчанг,
Қорлар ёғиб оқ қўйлакли ёр кўчанг,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Йиқилгудек бир қадам ҳам жилмайман,
Сен кўрқмагин, безовта ҳам қилмайман,
Ахир қандай?
Исмингни ҳам билмайман,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Борай десам олдимдан тўсган тикон,
Кетай десам ортимдан тўсган тикон,
Оҳ, қалбимга тиралиб ўсган тикон,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Кел қалбимдан тикон илдизин кўчир,
Тирнаб берган азобларин ҳам ўчир,
Агар хато бўлса бу ишим кечир,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Умрим хазон гар васлингга етмасам,
Тикон синмас отанг рози этмасам,
Сени ўзим билан олиб кетмасам,
Мен кўчангдан кетолмаяпман.

Гулжаё АШУРОВА



1996 йилда Қува тумани Қўшкенек қишлоғида туғилган. 34-мактабнинг 7-синфида ўқийди.

ЮРТ МАДҲИ

Юртим сенинг боғларинг гўзал,
Дўланали тоғларинг гўзал.
Гуруримиз тиккалаб қўйган,
Мағрур, машхур байроғинг гўзал.

Қуёшларинг кўнглим айвони,
Тонг ёришмай сочиб турар нур.
Таъқиб қилар гуллар илҳомим,
Юрагимга бўйсунмас шуур.

Сенинг мадҳинг айтаман такрор,
Юрагимга соламан қулоқ,
Икки дунё ўзимда қолар
Ҳикматларга бурканган тупроқ.



ОНАЖОН

Кўзимни очганда сизни кўргандим,
Баъзида маъюсим, эркамсиз онам.
Сиздан яшамоқни билдим, ўргандим,
Дунёда тенгсизим, яккамсиз онам.

Пок оқ сутингизга меҳрни қўшиб,
Ичирдингиз қалбда кучли ҳаяжон,
Кулсам кулгичимда жонингиз яшар,
Дунёни аллалаб қўйган онажон.

О, кифтимга қўнган хумосиз онам,
Бошига меҳрдан рўмол ўраган.
Мен учун энг буюк дунёсиз онам,
Сиз менга худодан умр сўраган.

ҲАЁТ ГЎЗАЛ

Воҳ, шунчалар гўзал кўринар олам,
Ҳаётга боқаман, тўймайди кўзим.
Оҳ, тоғлар бағрида яшнаган лолам,
Сен асли ўзимсан, сен асли ўзим.

Мискин юзлар, гўзал нигоҳлар аро,
Лабларимда кезар майин табассум.
Бунчалар чиройли бўлмасанг дунё,
Хафа бўлмоқликка қўймайсан бир зум.

Қўйнингда очилган эрка кўнгил шод,
Ҳаяжон ичимда ҳисларим менинг.
Шунчалар гўзалсан ажойиб ҳаёт!
Энди мен чиройинг бўламан сенинг.

ОЙ

Париларнинг паривашисан,
Осмонларнинг бурчидаги ой.
Лайлиларнинг Лайлиси ўзинг,
Лек топмадим сендайин чирой.

Кулиб пешвоз чиқасан ҳар тун,
Доғларингдан уялдинг бунча.
Дунёларга сиғмас нурларинг,
Сен самога экилган ғунча.

Қоронғулик ёғ эрур сенга,
Эй фалаклар эркалаган ой.
Минг насиҳат айтиб юлдузга,
Осмонларни қиласан сарой.

Тоғ ортида яшнаган ҳилол,
Ой онаминг ёпган кулчаси.
Сен ошиқлар яшириб айтган,
Сўзларининг сирли кечаси.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Қалбимга қададим, юртим, байроғинг,
Ўпиб юзга сурдим азиз тупроғинг.
Бошингдан кетмайди қуёшу моҳинг,
Эй менинг мустақил, гўзал диёрим.

Тонг саҳар булбуллар мадҳингни куйлар,
Тунлари юлдузлар эртақлар сўйлар.
Оҳ, менинг юрагим ўтмишинг ўйлар,
Эй менинг муқаддас, гўзал диёрим.

Кафтингда улғаяр баркамол авлод,
Шодликлар йўлини этарлар бунёд.
Улар ажодларнинг руҳин этар шод,
Эй менинг мўтабар, гўзал диёрим.

Бағрингда ғурурла турурман сенинг,
Ҳис қилдим юракдан оташин меҳринг.
Ўзинг саждагоҳим, бахтимсан менинг,
Истиқлоли порлоқ, Ўзбекистоним.

*** Шилуфар АБДУЖАЛИЛОВА**



1995 йилда Кува тумани Соғгузар қишлоғида туғилган. 42-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

ҚИШЛОҒИМ

Қишлоғим жозибанг юракка чиздим,
Шилдираб оқади бағрингдаги сой.
Оташин меҳрингни қалбимда сездим,
Ям-яшил ўтлоқлар очади чирой.

Лолақизгалдоқлар қирларда бисёр,
Бепоён далалар чорлайди мени.
Бетакрор, ўзгача тароватинг бор,
Кўкларда иқболинг порлайди сенинг.

Баҳор таровати лолалар гулгун,
Тоабад чиройинг мафтуни ўзим.
Бағрингда очилган бир гунча бу — мен,
Мадҳингни куйлашга етмас дил сўзим.

ВАТАН

Ватан! Бугун такрор куйлагим келди,
Мадҳиянг тилимда ҳамишадир ёд.
Оламга чиройинг сўйлагим келди,
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.

Турналар самога ёзар исмингни,
Кўклам тошларингга куйлайди баёт.
Жонида авайлаб нафис жисмингни,
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.


Мурғак дилга севинч солганим — онам,
Меҳрингдан нур олар дунё тоабод.
Тенгларга тенг бўлиб ҳар лаҳза, ҳар дам
Бағрингда улғаяр баркамол авлод.

ЁМҒИР

Само бағрин қоплади булут,
Ёмғир ёғар шивирлаб аста.
Ғам-андухлар бўлгандай унут,
Меҳрим бўлди унга пайваста.

Қут-барака тўкилар кўкдан,
Кўклам дилбар қўшигин айтар.
Ҳеч қайда бу ҳаёт йўқ экан,
Қалдирғочлар юртимга қайтар.

Бағрим очиб турибман мана,
Юзларимда севинч, табассум.
Баҳор ташриф буюрди яна,
Мажнунтоллар бунчалар маъсум.



Осмон торлик қилгандай гўё,
Булутларнинг бағри сўкилар.
Ёмғир эмас бу — сирли наво,
Оқ қоғозга кўнглим тўкилар...

ШЕЪРИЯТ

Қалбимни ҳаяжон эгаллаб олди,
Орзу гулларига ошуфта бу дил.
Юрагим ашъорга боғланиб қолди,
Файрати дунёга сиғмайди кўнгил.

Кўлимга ҳар лаҳза олганда қалам,
Жисмимга қўйилиб келади илҳом.
Қаршимда ясениб турар бир макон,
Бу Ватан, бу қушлар паноҳи — осмон.

Билмадим, булбуллар хониши қандай?
Менга қўшиқ айтар она табиат.
Юракдан ғамларим ювилиб кетар,
Мен сени шу қадар суйдим, шеърият.

Сен — менинг қувончим, қалбимнинг рози,
Мен сенга талпиниб яшайман фақат.
Сен менинг ёшлигим, билим ҳамроҳи,
Қалбимга илк бора солгин муҳаббат.

Мадаминжон ⁶СОЛИЖОНОВ




1993 йилда Тошлоқ туманида таваллуд топган. Ҳозирда шу тумандаги 2-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

МАРҒИЛОН

Қадимий тарихга гувоҳ бу сарҳад,
Тупроғи муқаддас азиз бир макон.
Инсонлари покдил, бари ҳунарманд,
Ўхшаши йўқ эрур гўзал Марғилон.

Улуғлар қадами теккан бу гўша,
Неча асрларким ўтса ҳам замон.
Увайсийдан тортиб токи бизгача,
Ажлодларга бешик бўлган Марғилон.

Жилвакор атласдан “Ипак йўли”га,
Поёндоз солибди айлаб гулистон.
Номи кетган азал бутун жаҳонга,
Водийга марварид бўлган Марғилон.



Йигитлар бошида турар дўпписи,
Қизлари Кумушдан олади ибрат.
Санъат доврўғини ёйди дунёга,
Маъмуржон Узоқда зўр бир маҳорат.

Марғиноний бобо руҳи мададкор,
Хурлик бешигида юксақда ҳар он.
Чин иймон, эътиқод одамларида,
Буюклар шаҳри бу кўҳна Марғилон.

ВАТАН

Онам алласидан, илиқ меҳридан,
Қалбимга босилган биринчи дастхат.
Шу оддий бир сўзнинг ажиб сеҳридан,
Юракда Ватан деб гуллар муҳаббат.

Ватан — илдизлари мустаҳкам чинор,
Ховуч тупроғида олтин ярақлар.
О, юртим жамолинг бунча фусункор,
Абадий кўксингда қуёш чарақлар.

ОНА

Онажон, мен сизни қуёшдек кўрдим,
Шу сўзда адашиб қолдим-ку бироқ.
Шу олтин қуёшнинг зарҳал нуридан
Юзингиз шуъласи экан иссиқроқ.

Сиздан ўрганади бағрикенгликни,
Юксақда ястаниб ётган бу осмон.
Оппоқ қорга поклик ҳадя этган зот,
Баҳорга гўзаллик берган бегумон.

Онажон, меҳрингиз дарёси кенгдир,
Шу дарё томонга чорлайди бир ҳис.

Бардошингиз сўзлаб берсам тоғларга,
Тоғлар ҳам чидолмай чўқар шубҳасиз.

Она! Қиёсингиз топмадим ҳеч вақт,
Фарзандга ўзингиз доим ғамхона.
Атиргулдан чирой изласам ҳатто,
У айтди: “Менданда гўзалроқ она!”.

БАҲОР ТАШРИФИ


Чопқир дақиқалар етаклаб келди,
Баҳорнинг энг нурли манзилларига.
Мажнунтол шивирлаб оҳиста кулди,
Ўйноқи шамолнинг ҳазилларига.

Шижоат дарахтдек ёзади куртак,
Ниятлар ўзгача, орзулар турфа.
Қирлар кийиб олган қизғалдоқ либос,
Кўкламдан уларга биринчи тухфа.

Кўнглим айвонини суйган қалдирғоч,
Шодликдан шукрона айтар виқор-ла.
Кўёшнинг меҳрига беролмай бардош,
Тоғдан аста эриб тушмоқда қорлар.

Кетмони елкада кетар далага,
Меҳнатнинг бағрида чиниққан деҳқон.
Ерга экмoқда у меҳрдан уруғ,
Бўлғуси ҳосилин ўйлайди бу он.

Гулларда кўринар ҳаёт жилваси,
Жилғалар югурар ўз ирмоғига.
Яшариш сеҳрини тарқатиб бу дам,
Баҳор кириб келар кўнгил боғига...



ВАТАНИМ ПОСБОНЛАРИ

Мардлар билан тинч эрур доим,
Хур ўлкамнинг еру осмони.
Кўзларида шаҳду шижоат,
Сўзи дадил ватан посбони.

Қадамида чақнайди олов,
Юрагида лочин шиддати.
Ёвларни ҳеч қўймагай омон,
Тоғни талқон қилгай қудрати.

Жалолиддин жасораги ёр,
Қаибларида Широқ нафаси.
Муқаддасдир ҳар бир аскарга
Она юртнинг ҳаттоки хаси.

Кўриқлагай сарҳадин хушёр,
Амир Темур бобомга қондош.
Мен ҳам албат юрт иқболига
Бўлажакман яхши бир издош.

ҚИШ МАНЗАРАЛАРИ

Оппоқ чойшабини ёйди қаҳратон,
Шомдан тонгга қадар қорни элади.
Изгирин отида увиллаб аста,
Далаларга ширин уйқу тилади.

Арчалар шохлари турар эгилиб,
Мисоли бизларга бергандек салом.
Кўчалар сукутда, дарахтлар жимдир,
Қишнинг чиройига тополмай калом.

Бизни сеҳрлайди қишнинг зийнати,
Баҳор қор остидан бошланар ахир.
Деразамда жодир ўрмон тасвири,
Аёз экан асли моҳир мусаввир.

Беармон ёғмоқда ошпоқ орзулар,
Кўнгил ғуборини бурқар оқликка.
Кўллар совуқ, лекин юраклар тафти
Юзларни иситиб кўмар шодликка...

НАВОИЙ БОБОМ

Навоий келмоқда ғазаллар аро,
Қадамлари сокин, кўлида асо.
Оташин сатрини ўқиган чоғинг,
Қалбингни нур қилар, онгингни расо.

О, ўтмиш ўкиниб бермоқда хабар,
Лайли, Қайс холини қилиб ривоят.
“Хамса” куй сингари янграб абадий,
Фарҳод, Ширин умри топмас ниҳоя.

Оламдан энг гўзал ташбеҳни излаб,
Булбул навосидан олганда илҳом.
Сатрлар битмоққа қалам ушласам,
Ёдимга келади Навоий бобом.

Асрлар ўтади, янграйди бир ном,
Буюк зотдан хабар келтирар мозий.
Зиё таратади сўнмас қуёшдек,
Қалбда абад яшар улуғ Навоий

Шоҳсанам ТУРСУНОВА



1993 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ҳозирда Марғилон академик лицейида таҳсил олмоқда. Жаҳон Отин Увайсий тўғараги аъзоси. Шеърлари вилоят, республика матбуотида нашр қилинган.

МАНИМ БАХТИМ

Чечакларнинг алёридан яралар бахт,
Соғинчларнинг ифорида таралар бахт,
Севинч отлиғ карвон ўтар, даралар бахт,
Маним бахтим очунларнинг қароғида .

Орзуларнинг айвонига дил илинса,
Ғамларимнинг юрак-бағри бир тилинса,
Бу дунёда борлигимиз гар билинса ,
Маним бахтим қалб гулининг япроғида.

Ҳижрон фасли юрагимдан кечиб кетса,
Шаббодалар гул аслимни ишққа элтса,
Хаёлларим соғинч янглиғ қалбга етса,
Маним бахтим орзуларнинг ардоғида.

Ҳур қалбимнинг гулбоғида очилса гул,
Кишигимнинг ҳар жонига пайваста дил,
Дунёда бор севинчимнинг боиси шул,
Маним бахтим юрагимнинг титроғида.

Юрагимни тилса майли минг бир алам,
Орзуларим кечиб кетса кўнгилданам,
Гар ишқ сеҳри қўлларимга тутса қалам,
Маним бахтим муҳаббатнинг кучоғида.

БИР КУН КЕЛИБ

Бир кун келиб, рўёларим кетар сингиб,
Армонларнинг сўзсиз қотган сўроғига.
Хаёлларим очунларни айлаб макон,
Бахтлар қайтар соғинчимнинг қароғига.

Бир кун келиб, армонларим кетар тентиб,
Ёсуманлар ўлан айтган эртагимга.
Алёрларим самоларни айлаб паноҳ,
Нурлар қайтар ҳижрон кетган этагимга.

Бир кун келиб, кузлар мендан кетар тониб,
Фамларимнинг юрагини аста тиглаб.
Қайгуларим қайгуларин тутиб пинҳон,
Юракжинам боғларидан кетар йиглаб.

БОЛАЛИГИМ

Болалигим, о юзларинг оппоқ эди,
Лек қошларинг қаро эди қароғлардан.
Шамолларга эргашдинг сен ҳисларимдай,
Сени излай энди қай бир фироқлардан.

Болалигим, ёдингдами айвончада
Ҳур юлдуздан тинглар эдик эртақларни.
Ёсуманлар тўлдирганда ҳижронларга,
Биз нурларга тўлдирардик этакларни.

Гоҳ айланиб қайсаргина шаббодага,
Тутар эдик биз боғларга юракларни.
Қапалакдай ё кўкларга учиб гоҳи,
Оқ булутга элтардик оқ тилакларни.

Гулзорларда атиргул-ла суҳбат қуриб,
Гўзалликни аста олдик яноғидан.
Болалигим сендан мудом кўнгил узмай,
Уйғондим мен ўн олтининг сўроғидан.

Орзуларим елар эди оқ қайиқда,
Турналарга саланглатиб арғимчоғим.
Ҳанузгача бахт сўзидан сархуш бўлиб,
Қаёқларда қолиб кетдинг кўғирчоғим.

Самоларда дилим янглиғ учган юлдуз,
Синиққина юрагимни ёқиб кетди.
Муҳаббат-ла тутганимда юлдузларни,
Болалигим оқ қайиқда оқиб кетди.

ҚАЛБИМ ГУЛЛАРИ

Оҳ, қалбим гуллари сизга армугон,
Дайди шаббодалар кетсинлар олиб.
Билмам, сиз адоми ёки мен адо,
Соғинчнинг рашиқида ким экан қолиб?

Оҳ, кўнглим гуллари сизга армуғон,
Такрор юракларни овуғар сўзим.
Қалбин сирларини титкилар борлиқ,
Соҳир туйғуларга тополмай тўзим.

Соғинч лашкарининг пойига чўкиб,
Майсалар гурурин этади тортиқ.
Кўзғолон кўтарган бетизгин ҳисдай,
Ойнинг ўроғига илинар борлиқ.

Оҳ, қалбим гуллари сизга армуғон,
Дайди шаббодалар кетдилар олиб.
Билдим, о сиз эмас, мен эмас адо,
Соғинчнинг рашкида иккимиз голиб!

ВАТАНИМГА

О, юрагим кезаётган кўчалари,
Гулларини такрор берар чаманимга.
Эртақларга ҳамроз бўлган кечалари,
Бор умримни бергим келди Ватанимга.

Шафақлари олган рангни яноғидан,
Мовийгина гумбазларда қуёш порлар.
Ажиб хилқат яралган бу япроғидан,
Ватанимнинг ўшал бағри яна чорлар.

Кулиб боқар бунда баҳор қор остидан,
Бунда такрор ҳур юлдузлар нурли боқар.
Ватанимнинг ифорли ул ёғдусидан,
Юрагимда илоҳий бир меҳр оқар.

Кулча юзли қизларининг кўзларида,
Ватанимнинг, о, юраги балқиб турар.
Тўлин ой-ла сирли анҳор юзларида,
Ватанимнинг ҳур қизлари хаёл сурар.

Ватанимнинг шодлигидан асли бўлган,
О, болалик паст девордан мўралайди.
Юртгинамнинг дунё қадар меҳри тўлган,
Юрагимга “Ватан” сўзи ўралайди.

О, юрагим кезаётган кўчалари,
Гулларини такрор берар чаманимга.
Эртақларга ҳамроз бўлган кечалари,
Бор умримни бергим келди Ватанимга!

Абдухаёт АБДУҚОДИРОВ



1991 йилда Риштон туманида таваллуд топган. 2009 йил Фарғона транспорт касб-ҳунар коллежсини тугатган. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят ва республика матбуотларида мунтазам нашр этиб келинади. Жаҳон отин Увайсий адабий тўғарагининг фаол аъзоси.

ЛОЛАҚИЗҒАЛДОҚ

Соғиндим, шафақдай қизарган юзинг,
Соғиндим, мен сени ўзимдан кўпроқ,
Сен ундинг кўнглимда, кулди юлдузим,
Сени бир ўпайми, Лолақизғалдоқ?

Кўксингни тилмасин дайди шамоллар,
Япроғинг силтмасин ўкинчли чақмоқ.
Оҳ, сенга тушмасдан гумроҳ хаёллар,
Сени бир ўпайми, Лолақизғалдоқ?

Қирларнинг юзига югурди қизил,
Бандини яширди уялиб янтоқ.
Сенинг гуноҳинг йўқ юрагинг асл,
Сени бир ўпайми, Лолақизғалдоқ?

Етди-ку ноз ила жонимга озор,
Ў, сенсиз хазонга чорлайди сўқмоқ.
Йиғлатган гулларни йиғлатиб такрор,
Сени бир ўпайми? Лолақизгалдоқ?

Тонгининг сабосида қалқиган гулим,
Руҳим мудом сенга бўлар ҳайрихоҳ.
Кўнглимда юлдуздай балқиган гулим,
Сени бир ўпайми, Лолақизгалдоқ?

Капалак мисоли бебақо умринг,
Тиз чўкиб қирлардай бўламан муштоқ.
Шеърларимдан мудом келади исинг,
Сени бир ўпайми, Лолақизгалдоқ?

ОТА

*Бобом Абдуқодиржонга дадам Баҳодиржон Султонов
номидан соғинч сатрлари*

Дунём куйди, жаҳоним куйди,
Тупроқ заҳмат, товоним куйди,
Зоглар кезган бўстоним куйди,
Исингизни соғиндим, Ота!

Ғаним абгор шони алдайди,
Ўтдан ўткир жони алдайди,
Сизни мудом руҳим алқайди,
Руҳингизни соғиндим, Ота!

Илдизи йўқ сўлган дарахтман,
Ҳушим билмай ўзим қарахтман,
Сеҳр топмай не отлиғ бахтман,
Юзингизни соғиндим, Ота!

Руҳим қалқир, дилимда тўфон,
Тобора тор туюлар осмон,



Изсиз қолди кўнглимда қарвон,
Изингизни соғиндим, Ота!

Дардим айтсам дармон топилмас,
Учай десам имкон топилмас.
Кўнглим олган инсон топилмас,
Сўзингизни соғиндим, Ота!

Дилдор боқар, кўзда меҳр йўқ,
Бедил сўзлар сўзда сеҳр йўқ.
Кўзларимдан сўнаётир чўғ,
Кўзингизни соғиндим, Ота!

Тоғлар ўсди, сизсиз ўсмадим,
Боғлар ўсди, сизсиз ўсмадим.
Чоғлар ўсди, сизсиз ўсмадим,
Ўзингизни соғиндим, Ота.

БОРЯПМАН

Муҳаббат қаламдир, муҳаббат тақдир,
Дунё омонмисан, ҳақлигинг ҳақдир,
Соғинган баҳорни соғиндим ахир,
Хаёлинг кабутар тутиб боряпман,
Кўзингда дунёдан ўтиб боряпман.

Бўйнингда маржонмас кўзим юлдузи,
Ё мендан аядинг қалбинг кундузин,
Ойдан-да ойдинроқ эй ойнинг қизи,
Сендаги ғамларим ютиб боряпман,
Кўзингда дунёдан ўтиб боряпман.

Омон сақлар балки жонимни қулфинг,
Қалбимни қалб этар қошларинг, зулфинг,
Шунча қийинмиди биргина лутфинг,

Негадир измингни кутиб боряпман,
Кўзингда дунёдан ўтиб боряпман.

Гарчи ҳаваслисан дунёларимга,
Моҳ бўлиб ярашдинг самоларимга,
Вафолар тут энди вафоларимга,
Остонанга дардим отиб боряпман,
Кўзингда дунёдан ўтиб боряпман.

Муҳаббат қаламдир, муҳаббат тақдир,
Дунё омонмисан, ҳақлигинг ҳақдир...

АДАШДИМ

О, менга дунёлар тиламаган қиз,
Хаёлим сочини силамаган қиз,
Кўзидан қатра ашк қуламаган қиз,
Дунёдан адашдим, суйиб адашдим,
Куйганлар ичра мен куйиб адашдим.

Осмонни соғиниб осмонни қучдим,
Райҳонни соғиниб райҳонни қучдим,
Ёлгонни соғиниб ёлгонни қучдим,
Минг бора бўйингни туйиб адашдим,
Куйганлар ичра мен куйиб адашдим.

Тушларимга кирдинг... Исмингни айтдим,
Алдамчи кўчангдан алданиб қайтдим,
Сени юлдузлардан излаган пайтим,
Номингни юракка ўйиб адашдим,
Куйганлар ичра мен куйиб адашдим.

Менга жабр кулди, сенга-чи дунё,
Армонлар осмонга айланди гўё,
Муқаддас эканинг билмадингми ё,



Сени ўздан баланд кўйиб адашдим,
Куйганлар ичра мен куйиб адашдим!

Бу балки соддалик, балки гумроҳлик,
Ишқ гули аслида кимга ҳамроҳлик,
Сочларинг гуноҳли, кўнглим гуноҳли,
Дунёдан, дунёдан тўйиб адашдим,
Куйганлар ичра мен куйиб адашдим.

ВАТАН

Дилга тафтин тутган осмонларинг бор,
Ўзбегим деб куйган Чўлпонларинг бор,
Тинчликка жон берган ўғлонларинг бор,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Манман деганлар кўп, каромати йўқ,
Ўзин дунё билар, саховати йўқ,
Юртим демаганнинг адолати йўқ,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Менга меҳринг азиз, тупроғинг азиз,
Кавсар сувларинг-у булоғинг азиз,
Ватан деб тўкилган япроғинг азиз,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Бир гул қирмизингни хушламаганлар,
Пойингда этагинг ушламаганлар,
Халқим деб кўксига муштламаганлар,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Офтобдай юзлари ёруғлар сенда,
Эзгу мақсадлар-у доврўғлар сенда,
Сени улуғ билган Улуғлар сенда,
Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

Ватан, сен онамсан, муқаддасимсан!

ШЕРЮРАК ЙИГИТЛАР

Халқин асрар кўзга қўнган гардлардан,
 Асрагувчи маҳзун-маҳзун дардлардан.
 Она юрт ободдур ботир, мардлардан.
 Ватанин юраги, файзи, қувончи,
 Шерюрак йигитлар элнинг ишончи.

Савлати ярашган ўғлон бўлади,
 Тоғни урса тоғлар талқон бўлади.
 Халқи учун кўкси қалқон бўлади,
 Ватанин юраги, файзи, қувончи,
 Шерюрак йигитлар элнинг ишончи.


Бир бора қараши бир қизга армон,
 Кўзида ўт ёнар, дилида иймон.
 Юксалиб келтирар элга шараф-шон,
 Ватанин юраги, файзи, қувончи,
 Шерюрак йигитлар элнинг ишончи.

Мардларнинг мардлиги қайнар қонида,
 Муҳаббат яшайди қалб бўстонида.
 Ватаним, деб турар ҳар бир онида, ✓
 Ватанин юраги, файзи, қувончи,
 Шерюрак йигитлар элнинг ишончи.

ШОШМАДИКМИ?

Ўн саккизга ортиб борар ҳавасимиз,
 Гарчи бизга ярашади аразимиз,
 Чўлда Фарҳод, хусни Ширин эмасмиз биз,
 Гоҳи шодлик, озор ўйин бошладикми?
 Айт, Дилрабо, бизлар бироз шошмадикми?

Мажнунлардан ўрганайлик садоқатни,
 Ишқнинг майли оширади фасоҳатни,



Нечун эрта ёдга олдик муҳаббатни,
Икки кўнгил ҳаддимиздан ошмадикми?
Айт, Дилрабо, бизлар бироз шошмадикми?

Боғлар узра чорлагувчи дийдор экан,
Йигит кўнглин хушлагувчи дилдор экан,
Уч кун юзин кўрмай қолсанг хумор экан,
Болаликнинг кўзларини ёшладикми?
Айт, Дилрабо, бизлар бироз шошмадикми?

Юрагимни мафтун этган санам ўзинг,
Киприги ўқ, камон қоши қалам ўзинг,
Қалбимга хуш, олов ёқар ҳар бир сўзинг,
Ишқ бобида денгиздайин тошмадикми?
Айт, Дилрабо, бизлар бироз шошмадикми?

Бизга асли ҳаёт шудир, кўнгил шудир,
Йўллар равон кетмоқдамиз манзил шудир.
Кўксимизга босганимиз атиргулдир,
Кўнглимизни битта йўлга бошладикми?
Айт, Дилрабо, бизлар бироз шошмадикми?

Ўн саккизга ортиб борар ҳавасимиз...

ШОИР

*Парво қилма, дўстим, эзилма сира,
Ғамгин кўшиқларни куйласа шоир.*

Абдулла ОРИПОВ

Парво қилманг, она, эзилманг зинҳор,
Ўйчан ўглингизни сатрларига.
Қалами бор унинг, дунёлари бор,
Ишқдан тополмаган қадрларига.

189

Бошқача атайман ўзимча гулни,
Бошқача атайман дунёларни ҳам.
Тангрим ато этган мана шу йўлни,
Кўксимга босгайман тиконларни ҳам.

Парво қилманг, она, эзилманг сира,
Қўлимда қаламим, толсам ўйларга.
Ёдимга тушса гар нурли хотира,
Жонимни тутгайман сархуш бўйларга.

Бунда хаёл дайди ғариб ва мискин,
Бунда мисраларга тўлар гулкоса.
Осмон табассуми бермайди таскин,
Бағримда ўйнайди ҳижрон раққоса.

Баҳорни севаман, кузни-севаман,
Турфа фасллардан олурман ҳайрат.
Юраги эримас музни севаман,
Кўзимни куйдирар олий муҳаббат.

Чақмоқ юрагимни, чақмоқ дилимни
Бетакрор ишқига чорлайди назм.
Дилхоҳ ашъоримга сочиб кўнглимни,
Бевафо қалбларга этгайман таъзим.

Парво қилманг, она, эзилманг зинҳор,
Ўйчан ўглинғизни сатрларига.
Қалами бор унинг, дунёлари бор,
Ишқдан тополмаган қадрларига.



1993 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ҳозирда Марғилон академик лицейида таҳсил олмоқда. Жаҳон отин Увайсий” адабий тўғарагининг фаол иштирокчиси. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят ва республика матбуотларида нашр этилган.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Устоз Исмоил Маҳмуд Марғилонийга

Устоз улуғликнинг сўнмас юлдузи,
Дилида улғаяр доим келажак.
Кўнгил руҳларининг эрур гулюзи,
Устоз, борлиқ жаҳон қалбларга тиргак.

Юрагим қасрига ташлаган қадам,
Нафосат пойига сочмоқдалар гул.
Эзгулик қўлидан тутдингиз маҳкам,
Устоз, кўнгиллардан ўчмайсиз буткул.

Хуррият қуёшин элчиси ҳамон,
Қалбимни ёритар мисоли қуёш.
Юртим ниҳолига фидо қилар жон,
Сиздан яралгандир аслида бардош

ШЕЪРИМГА

Шеърим, яна ўзинг яхшисан...

Усмон Носир

Сенга тикким келар янгича либос,
Унга ой, қуёшнинг ҳаваси келсин,
Шамоллар қалбингга беркиниб олиб,
Боғларинг қўйнида ҳурлардай елсин.

Сен шундай мусаввир, шунчалар моҳир,
Кўнглим суратини чиздинг осмонга,
Юрагим оҳуси, о, шеърим ўзинг
Риштамиз уланди абад туғёнга.

Юрагимга тутиб қилгандинг изҳор,
Кўнглингда гуллаган оташ туйғуни.
Ҳар оқшом уфқнинг қизғалдоғидай,
Чорлаб тур кўнглимга солиб қутқуни.

ИШҚ

Кўнглим осмонига соқчи бўлган ишқ,
Нигоҳлар ортига беркиниб олган.
Қалбим кулбасига термулган малак,
Сенми? Оймомога айланиб қолган.

Хув, ўша бетакрор бекатларингда,
Оташ юрагингни қилгандинг тортиқ.
Шифоат излаган пок кўнгишларга,
Иноят йўқ эрур сенданда ортиқ.
Ишқ...

Магинабону ХОЛМИРЗАВА



1996 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ҳозирда шу тумандаги 28-мактабда ўқийди. Жаҳон Отин Увайсий адабий тўғараги аъзоси. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят ва республика газеталарида нашр этилган.

УМИД ТОНГИ

Ойдин кеча, атроф чароғон,
Тушар ҳар ён ойнинг шуъласи.
Тун тинчлигин бузгайдир фақат,
Чигирткалар жўр ашуласи.

Юрагимга солгайдир кўрқув,
Дарахтларнинг қора кўлкаси.
Чорлар мени ўз оғушига,
Сукунатнинг сирли ўлкаси.

Хаёл суриб ўлтирдим бир зум,
Ёруғ туннинг ойдин палласи.
Олислардан янграб хуш овоз,
Бир онанинг ширин алласи.

Ариқдаги сувлар ненидир,
Айтмоқчидай аста жилдирар.
Япроқлар-чи, қарсак чалгандай,
Шаббодада майин шилдирар.


Сокин тун ҳам ўтгайдир бедор,
Тонг ёришиб келар оҳиста.
Эзгу, орзу истаклар ила
Умид тонги отмоқда аста.

ҚИШЛОҒИМ

Кўрғонча — уйимдир, менинг қишлоғим,
Осмони мусаффо, гуллаган боғим.
Мен учун муқаддас она тупроғим,
Туғилиб ўсганим, гўзал диёрим.

Кўкида порлайди қуёши, ойи,
Отининг ўрнини босади тойи,
Барчани дол этган унинг чиройи,
Туғилиб ўсганим, гўзал диёрим.

Фарзандлари эрур номуси, ори,
Парвозлар этади бургути, сори,
Сени куйлар мангу юрагим тори,
Туғилиб ўсганим, гўзал диёрим.



МАЖНУНТОЛ

Сой бўйида ўйга чўмган бир аёл,
Кокилларин аста тарайди шамол,
Негадир у маъюс, вужуди хаёл,
Бошин эгиб турар масъум мажнунтол.

Унинг сирдошидир шўх оқар шу сой,
Тунда зиё сочган оппоқ тўлин ой,
Рухига синггандир минг битта чирой,
Бошин эгиб турар масъум мажнунтол.

Илдизин кучгандир тоғдек бардоши,
Ўшал сойдин ўзга йўқдир дарддоши,
Шукрлар айтадир, соғ-омон боши,
Бошин эгиб турар масъум мажнунтол.

Муборак УМРЗОҚОВА



Муборак Умрзоқова 1995 йил 15 мартда Марғилон шаҳрида туғилган “Жаҳон Отин Увайсий” тўғарагининг аъзоси. Ҳозирда 18-мактабда ўқимоқда. Шеърлари шаҳар, вилоят газеталарида чоп этилмоқда.

ЖАСУР ЎҒЛОНЛАР

Фурури самога туташиб кетган,
Фараҳбахш дилларда гуллаган жонлар.
Қалбида она юрт ардоғи жўшиб,
Ватан деб яшайди жасур ўғлонлар.

Сиздадур Темурнинг ўтли оташи,
Алпомиш авлоди алп паҳлавонлар.
Тоғлардай ҳайбатли, тоғлардай бардош,
Мустақил юрт фаҳри жасур ўғлонлар.

Сизда само кўксин опичган минор,
Мангу бегубордир сиз-ла осмонлар.

Кувончдан ҳайқириб қалдини керган,
Ори осмон бўлган жасур ўғлонлар.

Кўксида ботирлик олови ёнган,
Халқим қалбидаги шарафу шонлар.
Улуғ ватанимнинг мангу қалқони,
Тинчликка пойдевор жасур ўғлонлар.

ЁМҒИР ЁҒАР...

Ёмғир ёғар кўнглимга сокин,
Томчилардан гуллайди юрак.
Борлиқ чўмар хаёлотта жим,
Ёнган жисмим ўчирар кузак.

Ёмғир ёғар кўнглимга сокин,
Ғарқ бўлади соғинчга очун.
Бу дам руҳга туйгулар ҳоким,
Томчиларнинг навоси маҳзун.

Ёмғир ёғар кўнглимга сокин,
Қалбга жойлаб минг бир хотирни.
Юрак тошар қирғоқдан бетин.
Ишққа сўйлаб ҳур асотирни.

Ёмғир ёғар кўнглимга сокин,
Шамолларни савалаб моҳир.
Тун қасоси тулиб лиммо-лим,
Тонг юзини ювади соҳир.

Ёмғир ёғар кўнглимга сокин,
Томчилардан гуллайди юрак.

¶Иқболлой МАМАЖОНОВА



1988 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Ёрмозор Академик лицейи талабаси. «Жаҳон Отин Увайсий» адабий тўғараги шитирокчиси.

Шеърлари шаҳар, вилоят, республика матбуотларида нашр этилган.

ОЙ

Ясанади ёришмаган тун,
Алла айтар борлиққа момо.
Изтиробли кўз ёшларини,
Рўмолчага артар оймомо.

Қояларда чақилар тошлар,
Денгизларда сузади хаёл.
Ёз тунайди киприкларимда,
Ғижим рўмон ўрар мажнунтол.

Офғоб яна уйқуга кетди,
Эрга турса керак ҳойнахой.
Ҳовузимнинг лабида ҳайҳот,
Яна синиб ётибди-ку ой.

НАВРЎЗ

Баҳор сепин ёймиш бугун элимга,
Ҳаёт чиройини куйлайди булбул.
Севиниб илҳомлар келар дилимга,
Қувончимга шерик боғлардаги гул.

Юрагим сарафроз ажиб туйғудан,
Қизлар кулгусидек дунё беғубор.
Табиат уйғонар ширин уйқудан,
Яна сувлар билан сирлашар анҳор.

Қуёшнинг нурлари ўйнар тошларда,
Тоғларнинг бошидан хайрлашар қор.
Яна суҳбатлашар ўсма қошларда,
Қалдирғочнинг ини йўлга интизор.

Қўклам гиламини тўшайди қирга,
Ўрик гулларида қамашади кўз.
Адирлар тўйинар дўлга, ёмгирга,
Йўлимга боз сепин ёяди наврўз.

Сожида ШЕРАЛИЕВА



1984 йили Тошлоқ туманида таваллуд топган. Ҳозирда Тошлоқ туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабида инглиз тили фанидан дарс бермоқда. Ижод намуналари туман, шаҳар, вилоят газеталарида нашр этилмоқда.

ВАТАН

Ватан, елканг тутиб пойимга,
Самолардан илинарсан тахт.
Ҳар заррангда ястаниб ётган,
Эртанг букун куйлаётир бахт.

Қара, куёш кўкда сен учун
Орзулардан тутмоқда ёғду.
Армонларинг эриб тафтида,
Булут олиб кетмоқда қайғу.

Ватан, нурли кошонам менинг,
Жаҳон ичра топган жаҳонам.
Оғам, иним, ҳам онам менинг,
Ёр интизор кутган бахтхонам,
Ватан.



СИНДИ КЎЗИНГИЗГА ТЕГИБ НИМАДИР

Синди кўзингизга тегиб нимадир,
Эҳгимол, гуссага тўлган юракми?
Ўтдим шу кўчадан излаб кимнидир,
Тангрим, бундай гуноҳ менга керакми?

Тинди осмоннингда дардли кўз ёши,
Яна қуёшини интизор кутар.
Билмам энди менинг борми бардошим,
Орзу ўлкасидан умидвор ўтар.


Кетдим ёдингиздан ўзимни олиб,
Бокира хаёлнинг маконларига. ✓
Битдим кўзларимнинг қонидан нома,
Ишқсизлар ўрнашган аҳкомларига.

Кечдим дунёсидан далли девона,
Кечалар Машрабдай кутардим фиғон.
Ҳайҳот бўлолмадим мажруҳ парвона,
Менинг мавжудлигим аслида ёлгон!

Синди кўзингизга тегиб нимадир...

СЕВСАНГИЗ

Севсангиз сўз демай жимгина севинг,
Исмим хур тўкилсин дудоғингиздан.
Кўзингизга мени яшириб қўйинг, ✓
Бир зум қочолмайин қабоғингиздан.

Сукунат бергандай ишқ беринг сиз ҳам,
Борлигим шарпадай сизга қоришсин.
Бир лаҳза ҳижрон ҳам тутсин-да мотам,
Қалбингиз қаҳридан тонгим ёришсин. 

Севсангиз гул дебон авайлаб севинг,
Орзулар улашинг ифторларимга.

Барча гул бағримга дардингиз ортинг,
Юз босиб йиғласин озорларимга.

Райҳондай хокисор муҳаббат беринг,
Кўзимга суртайин товонларини.
Ишқнинг маконидан бирга ҳайдайлик
Кўнгилнинг энг ёмон, ёмонларини.

Севсангиз сўз айтмай жимгина севинг,
Унсиз титроқларга айланиб қолай...

АҲД

Мен бир малак эдим дунёга эмас,
Дунёни бор этган Ишққа сиғинган.
Бир кўнгил эдимки, ҳеч ким тушунмас,
Соғинсам сиз ила Ишқни соғинган.

Чўқяпман гуноҳнинг уммонларига,
Бас энди хаёлга бермайман изн.
Дош бериб муҳаббат тўфонларига,
Ишқдан юрагимга сўрайман тўзим.

ҲОЛАТ

Соғинч кемиради бардошни яна,
Кўнгилда беаёв ҳижрон исёни.
Лаин сурун чалиб қилар тантана,
Биттага ортди деб дунё ёмони.

Йиллар тўзғитади эрка хотирни,
Ёмғир майсалардан излайди нажот.
Шамол бошлаб келар шум хавотирни,
Умид деразада синдирад қанот.

Кўзлар кутаверар кимнидир мудом,
Ҳар он соқчиликка териб мужгонни.
Йўллар тин олмайин этади давом,
Ишқ телба айлайди мудом тугённи.



ОНАЖОН

Онажон бир чимдим нафрат ҳам беринг,
Севишдан чарчадим хаёлогларни.
Табиат мендан-да аяб қизғонган,
Муҳаббатсиз ёнган самовотларни.

Онажон сўйламанг ширин эртақлар,
Дардим айтмоқ бўлсам топмам ёрилтош.
Қисматнинг кўзига тик бокмоқ палла,
Она дуо қилинг берайин бардош.

Қалбимга тош ташланг майли бир мисқол,
Тўкилмай боқсин бу дунёи дунга.
Ҳижронга хаста қалб кўнган-ку, аммо
Дил уқмас умидлар талпинар кунга.

Онажон бир чимдим нафрат ҳам беринг.

ИЛТИЖО

Шаффоф хаёлларнинг титроқларидан,
Тўкилмоқ истайман юрагингизга. ♪
Паймона косаси тўлмай ишқимнинг,
Бир боқинг кераксиз, керагингизга.

Бир боқинг кўзингиз қорачиғида,
Кўрайин нурларга чўмилган бахтни.
Ҳада этган маъсум нигоҳингизга
Алмашай дилдаги кимсасиз тахтни.

Алмашай кўнглимнинг латиф сирини, 203
Кечаю кундуздан пинҳона тутиб.
Опичлаб тахтидан айро юракни,
Кетиб бораяпман сизни унутиб.

Дилафрўз ҒАНИЖОНОВА




1993 йил Фарғона вилояти Охунбобоев туманида туғилган. Ҳозирда тумандаги Машиий хизмат кўрсатиш ва педагогика коллежи талабаси. «Жаҳон Отин Увайсий» адабий тўғараги иштирокчиси. Шеърлари туман, шаҳар ва вилоят газеталарида нашр этилган.

ЭҲТИРОМ

Оқ вараққа ёзажакман оппоқ шеърлар,
Оқ кўнглингиз ифорларин сочиб, ота.
Фуруримни чўнг тоғлардай даст кўтарай,
Меҳрингизнинг гулобидан ичиб, ота.

Кўзингизда ҳур куёшлар боқар кулиб,
Йўлларимга садоқатдан элаб зиё.
Номингизни гар осмонга қўйсам илиб,
Таъзим айлар пойингизда бу кенг дунё.

Ота, мангу улуғворлик тимсолисиз,
Меҳнатдандир кафтингизнинг қадоқлари.
Йўлларимда ҳамроҳимдир дуойингиз,
Сизни англаб бораялман борган сари.



Ота, майли сочингизга қорлар ёғсин,
Оқ кўнглингиз бўлиб гўё нишонаси.
Омон бўлинг яратгандан шу ўтинчим,
Сиз бор бутун юрагимнинг кошонаси.
Ота!..

АНГЛАШ

Эҳ, олам нақадар бокира,
Кўзимда гуллайди дарахтлар.
Мен энди шу дамдан шоира,
Вужудим қучмоқда ҳайратлар.

Юрагим ёнмоқда оловдай,
Шеърларим мисоли бир учкун.
Кўнглимни осмонга бўйлашиб,
Яралган асли ишқ мен учун.

О, ярим дилларга муҳаббат,
Бедаво дардларга малҳамман.
Қиртишлаб, синдириб бўлмагай,
Мен шундай қудратли қаламман.

Қалбимда абадий баҳорлар,
Шуурда бордирман тилакдек.
Кафтимдан сув ичар анҳорлар,
Яшайман дунёга керакдек.

Вақтлардек улғаяр тонгларим,
Энг буюк саодат кўшкида.
Борлиқдан ювгумдир губорни,
Айланиб самонинг ашкига.

Ҳар лаҳза саросар гулзорман,
Турфа хил рангларда ҳисларим.
Шамолдай кезаман очунни,
Беркитиб бўлмагай изларим.

Тупроқни ларзага келтирган,
Шиддаткор, энг дадил қадамман.
Аслида билсангиз дунёда,
Ҳеч кимга ўхшамас одамман.

БАҲОР

Кезмоқдасан юрагимнинг соҳилида,
Энг покиза ҳисларимни нурга белаб.
Товланасан мажнунтолнинг кокилидай,
Адирлару далаларга теккизиб лаб.

Нигоҳимга кўчаётир тароватинг,
Сенинг кўркинг жо бўлгандай юрагимга.
Бунчалар-эй, мўл бўлмаса саховатинг,
Наҳорлардан ранг берасан тилагимга.


Рухиягим уйғотади лолаларинг,
Насимларнинг қўшиғига айлаб хиром.
Дилдан гардни ювиб ташлар жолаларинг,
Такрор сенинг қучоғингда топдим ором.

Гулзор аро гуркирайди бокира қалб,
Атиргуллар ашъоримга берар ифор.
Оқ орзулар қанотига кўнгил боғлаб,
Кел, осмонни гуллатамиз бирга баҳор.

Кел, осмонни гуллатамиз бирга баҳор.

ҚИШЛОҒИМ

Оқ тонглар бағрингда уйғонар,
Ҳар зарранг меҳрингдан чўғланар.
Оташин тафтингдан дил ёнар,
Сен менинг юракда ардоғим.



Фаровон, хур, она қишлоғим.
Сувларинг оқади шарқираб,
Куну тун ойнадай ярқираб,
Кўзларим тўймайди минг қараб,
Сен менинг кўз очган булогим.
Чароғон, хур, она қишлоғим.

Қалдирғоч тўлдирар айвонинг,
Рухимни уйғотар райҳонинг.
Бошимдан ўпади осмонинг,
Сен менинг гуллаган гул боғим,
Нурафшон, хур, она қишлоғим.

Боғларинг жаннатдан андоза,
Тоғларинг қулфсиз дарвоза,
Мадҳингни этгайман овоза,
Сен менинг гурурим байроғи,
Нурафшон, хур, она қишлоғим.

ОНАЖОН

Пойингизда яшай, онажон,
Кўзга суртиб изларингизни.
То тирикман, то танамда жон,
Баҳор қилай кузларингизни.

Хуш райҳонга кўшиб юрагим,
Тутқазайин оқ кўлингизга.
Кўнглимдаги оқ тилақларим,
Сочгум абад пок йўлингизга.

Бешигимни тебратиб толган,
Кафтингизда яшайди дуо.
Дур сўзингиз чарчоғим олган,

Сўзингизла гўзалдир дунё.
О, бағрингиз осмондайин кенг,
Бағрингизда сайроқи қушман.
Меҳрингиз-чи дунёларга тенг,
Меҳрингиздан ҳар дам сархушман.

Пойингизда яшай, онажон,
Кўзга суртиб изларингизни.

УСТОЗЛАРИМ

Неча кўнгил меҳрингиздан гул бўлгайдир,
Юрак ёниб ишқингизда қул бўлгайдир.
Осмондай кенг бағрингизга дил тўлгайдир,
Фақат сиз-чун кўнглимдаги дил розларим,
Омон бўлинг, меҳрибоним, устозларим.

Ўзингизсиз буюклардан кўра даҳо,
Қуз ёшингиз тўктираамиз билмай гоҳо.
Умр қўшсин умрингизга ўзи худо,
Фақат сиз-чун кўнглимдаги дил розларим,
Омон бўлинг, меҳрибоним, устозларим.

Бу кун сизга таъзим қилмоқ шарафу шон,
Кўзингизда бахт порласин мангу ҳар он.
Фариштасиз тилаги оқ, ҳур, нурафшон,
Фақат сиз-чун кўнглимдаги дил розларим,
Омон бўлинг меҳрибоним устозларим.

Зулфия ЭРГАШЕВА



1993 йилда Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ҳозирда Фарғона Политехника институти қошидаги Марғилон академик лицейида таҳсил олмоқда. “Жаҳон отин Увайсий” тўғараги аъзоси. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят, республика матбуотларида нашр этилган.

НАВОИЙ БОБОМ

Бу кун юракларда тоғдайин эъзоз,
Кўнгиллар кўшқида порлар хуш калом.
Асрлар куйлагай бир буюк номни,
Дилда самолардан юксак эҳтиром.

Йиллар манглайида порлар бир қуёш,
Чорлагай саодат соҳили томон.
Буюклар буюги, ғазал султони,
Мангулик тоғига етти бу замон.

Даврлар қатидан бир оҳанг мисол,
Таралгай “Ҳамса”нинг хуш садолари.
Юракни пок ҳислар эгаллар мудом,
Дилларни ўртагай ишқ савдолари.

Назм гулларига тўлади очун,
Эзгулик йўллари абад бардавом.
Муқаддас руҳлари бўлиб мададкор,
Мангу яшагайдир Навоий бобом.

АЁЛ


Борлиқни яшнатар нафис бир хилқат,
Кипригида яшар куюнчак хаёл.
Нозик кифтларида минг сабру тоқат,
Дунёда болам деб яшайди аёл.

Сийратида балқир анбар ислари,
Кафтида тинчлик деб айтилган дуо.
Меҳр-ла порлагай мунис кўзлари,
Кўнглидан нафосат, таралар зиё.

Қалбида жо эрур абадий сеҳр,
Фарзандига тилар хуршидий иқбол.
Дунё зийнатига қўймагай меҳр,
Тоабад болам деб яшайди аёл.

АТИРГУЛИМ

Юрак куйлар бугун соғинч сатрларин,
Дил қўмсади настариннинг атирларин.
Гулга буркаб юртим қиру адирларин,
Мени йўқлаб келармисан, атиргулим?



Келсанг элга ризқ бўларди сумалаклар,
Само узра товланарди камалаклар,
Тақар эдим кокилимга жамалаклар,
Мени йўқлаб келармисан, атиргулим?

Сарой курсин қалдиргочлар айвонимга,
Ифорларинг улашгин-ей райҳонимга,
Омонликлар айттириб сен забонимга,
Мени йўқлаб келармисан, атиргулим?

Қизғалдоқда кўринади яноқларинг,
Қароғимга суртар эдим япроқларинг,
Қиш кетса гар тугармикан фироқларинг,
Мени йўқлаб келармисан, атиргулим?

Кундуз мисол ёритиб сен оқшомларни,
Оқ либосга ўраб ўрик, бодомларни,
Гул кўнглимга ошно этиб илҳомларни,
Мени йўқлаб келармисан атиргулим?

ЎҒЛОНЛАРГА

Азим кўрғонларнинг қалқонидурсиз,
Қароғдай асрайсиз юрт гулшанини.
Сиздирсиз курагин ерга теккизмай,
Елкасида тутган Ватан шаънини.

Тинчлик осмонида учган лочинсиз,
Ёвлар қайиролмас қанотингизни.
Ватанга муҳаббат, юртга садоқат,
Нур бўлиб ёритгай ҳаётингизни.


Буюк келажакка ворис ўзингиз,
Халқимнинг алп келбат наҳдавонлари.
Фаровон ҳаётнинг нобонидурсиз,
Сизга минг тасанно, юрт ўғлонлари.

КЎКЛАМ

Тонг зарига бурканди боғлар,
Жилғаларда жиёланди нур.
Зумрад чопон кийди ҳур тоғлар,
Кўкнинг туси феруза, биллур.
Сочпоуклар тақди мажнунтол,
Саф тортдилар кўкда лайлақлар.
Шафтолида нимпушти рўмол,
Борлиқ кийди турфа кўйлақлар.
Товланади бамисли ёқут,
Қир кўйнида ҳур қизғалдоқлар.
Ёсуманга кўкдаги булуг,
Томчилардан тақар балдоқлар.
Ўз бўйидан масрур чучмома,
Нозаниндек титрар гулхайри.
Саболарга тутқазиб нома,
Дилни чорлар гуллола сайри.
Кўнгил туяр турфа оҳангни,
Қадамларда майсалар гилам.
Кўкка ёйиб етти хил рангни,
Дилни гулга ўрайди кўклам.
Тонг зарига бурканди боғлар ...

ЎҒЛОН

Болам дер, тилар юрт омадларингни,
Шон дея асрайсан сарҳадларингни,
Булутга теккизиб келбатларингни,



Мағрур чўққиларнинг қорисан, ўғлон!
Муқаддас, хур юртнинг орисан, ўғлон!

Кафтда нур дуолар тонгдан олгай ранг,
Гўшалар хур санам, адирлар фаранг,
Боғлардан юрт мадҳи таралгай оҳанг,
Булбул куй чалганда торисан, ўғлон,
Муқаддас, хур юртнинг орисан, ўғлон!

Кўнкари чопасан титратиб қирни,
Кўзларинг сўйлагай минг асотирни,
Ер тишлатиб минг бир Қоработирни,
Қирқ кокиля Зухронинг ёрисан, ўғлон,
Муқаддас, хур юртнинг орисан, ўғлон!

Сен борсан диллар ҳис айлагай хузур,
Посбонсан — гул Ватан ҳимоянгдадур,
Камол-у кўркингга айтарлар шукур,
Отангинг қаторда норисан, ўғлон,
Муқаддас, хур юртнинг орисан, ўғлон!

Саидхон⁵ ХАПИЗОВ



1985 йил Марғилон шаҳрида таваллуд топган. 2006 йили Марғилон тиббиёт коллежини тамомлаган. Шеърлари шаҳар, вилоят, республика матбуотларида нашр этиб келинмоқда. “Жаҳон Отин Увайсий” адабий тўғараги аъзоси.

ЁЛФИЗЛИК

Кеча ой кўшкидан кўтарганда бош,
Алвонранг атиргул ўйга чўмар жим.
Гўёки минг йиллик ғусса эзгандай,
Бокира тупроқлар юзида ажин.

Тонг шуъласи ўйнаб шабнам юзида,
Фиштин деворларга кетади сингиб.
Остоналар кутар йўллардан хабар,
Соғинч деб аталмиш туйғуга шўнғиб.

Униққан майсалар қиқирлар елнинг,
Кимсасиз кенгликда тушган рақсига.
Гуллар бошин эгиб турар белардоз,
Термилиб сувдаги ҳорғин аксига.



Ёлғизланиб қолган ҳайҳотдек ҳовли,
Саҳнига райҳонлар экарди синглим.
Райҳон ифорини соғиниб ётган,
Бу ҳовли аслида, о, менинг кўнглим.

ЭҲТИРОМ

Устоз Исмоил Маҳмудга

Бир зум ўйга чўдим, оҳ, қандай нафис,
Ширин хаёл сурдим соҳир, бир нафас.
Турфа сиймоларга этмадим тақлид,
Мен сизга ўшашни қилгайман ҳавас.


Самога талпиниб ўсгай ҳар ниҳол,
Адирлар интилар қоялар сари.
Юрагимда умид, қалбимда виқор,
Бўй чўзмоқ истайман сизнинг сингари.

Сўзларингиз тинглаб тергайман ҳайрат,
Илҳомбахш туйғулар кўз очар дилда.
Дуойингиз порлоқ йўлимга қанот,
Эъзоз топсам дейман сиз каби элда.

Қалбимни ашъорга ошно этган зот,
Шогирдпарвар устоз, эй буюк сиймо.
Тоғдай юксак туринг, чинордек яшанг,
Халқим эъзозиди бўлинг доимо.

СИЗГА ЕТАМАНМИ?

Мен кўнглимни майкосага солиб қўйдим,
Орзуларни ҳижронлардан қолиб қўйдим.
Юрагимни ишқ шаҳрига толиб қўйдим,
Гулоб бўлиб томсам, сизга етаманми?



Мен куй чалай, ноласига созим бўлинг,
Юрагимда кулган баҳор, ёзим бўлинг.

Изҳор этай сизга ишқим, розим бўлинг,
Ашъор бўлиб ёнсам, сизга етаманми?

Сабоҳлардан сотиб олдим айтар сўзим,
Соғинчларга бериб қўйдим икки кўзим.
Тонг, саҳар, тун излаюрман ўзни ўзим,
Магар ўзни топсам, сизга етаманми?

Жон дардида жон қийнайди жон-жонимни,
Юлдузи тарк этиб кетган осмонимни,
Ашқим ювар дилу икки жаҳонимни,
Гар жон бўлсам, жондай фидо кетаманми?
Магар ўзни топсам, сизга етаманми?

ЎҒЛОНЛАРИНГМИЗ

Бошинг узра мангу порлар истиқлол,
Юксалиб жаҳонга кўрсатдинг жамол.
Абад яшнагайсан, топгайсан камол,
Фанимни тўсгувчи тўғонларингмиз,
Ўзбегим, сенинг мард ўғлонларингмиз.

Токи омон экан жўш урган жонлар,
Яралгуси минглаб янги имконлар.
Кўз қирин ташласа ногоҳ ёмонлар,
Ёв учун кўкраги қалқонларингмиз,
Ўзбегим, сенинг мард ўғлонларингмиз.

Сор бўлиб учгаймиз сарҳадинг кўзлаб,
Достонлар битгаймиз, мадҳингни сўзлаб.
Бесас келганида қашқирлар бўзлаб,
Яшиндек юзланган арслонларингмиз,
Ўзбегим, сенинг мард ўғлонларингмиз.

Сокин оромингта берсалар халал,
Мард бўлиб чорлаймиз курашга ҳалол.
Сенга ҳасад қилган топгайдир завол,
Кураги ер кўрмас полвонларингмиз,
Ўзбегим, сенинг мард ўғлонларингмиз.

Гулбаҳор УМАРОВА



1994 йил Марғилон шаҳрида таваллуд топган. “Жаҳон Отин Увайсий” адабий тўғараги иштирокчиси. Шеърлари туман, шаҳар, вилоят, республика матбуотида чоп этилган. 2008 йилда “Фарғона” нашриёти томонидан “Меҳрингиздан улғаяр кўнгил” номли ilk шеърый тўплами чоп этилди.

УНУТДИМ

Унутдим мен бугун унсиз юрагинг,
Соғинчдан титраган масъум кўзингни.
Оҳ, мени ёлғондан бахтиёр этган, ✓
Юрагим ишонган ростгўй сўзингни.

Унутдим дилимни хасларга отган,
Кибрдан яралган қалбингни буткул.
Таралмас кўнгилнинг боғларидан ҳис,
Энди куйламайди наҳорда булбул.

Унутдим оқшомда юлдузлар бирла,
Сен ҳақингда бедор сўзлашганларим.
О, рашкнинг ўтидан бўлиб оташин,
Ой билан сенинг-чун юзлашганларим.

Унутдим ва лекин хаёлда ҳар дам,
Сенинг муҳаббатли оташ сўзларинг.
Ёдимдан ўчмайди, ўчмайди фақат,
Ўтли нигоҳларинг, маъсум кўзларинг.

Унутдим, оҳ, нечун яна соғиндим,
Сен томонга қадам бошлайди йўллар.
Ўртамизда гулнинг япроғидай йўл,
Лек сенинг кўлингга етмайди қўллар.


Унутдим...

КЕЛ, БАҲОРИМ

Куз сарғаяр юрагимнинг боғларида,
Дилга тинчлик бермагайдур бу кун ёмғир.
Нигоҳингдан оташ бўлиб куйган юрак,
Нигоҳингсиз кўксим узра бедор оғир.

Ҳазонларнинг ўкинчида ётар соғинч,
Хаёлларда қайтиб келар такрор баҳор.
Қанотлари бахт аталмиш қалдирғочга
Бу кун ишқнинг гуллари-ла дил интизор.

Шаббодалар исминг айтиб шивирлайди,
Сени излаб уйғонади тонгда кўёш.
Чечакларнинг лабларида интиқ кутиб,
Сени тилаб шабнамларнинг кўзида ёш.



ВИДО АЙТМАС КҮНГИЛ БАРИБИР

Кузакларга йўл бошлар сўқмоқ,
Бекатларда тўхтайди бир-бир.
Йўлларимиз айрилди бироқ,
Видо айтмас кўнгил барибир.

Манзилларда ёнар хотирлар,
Андуҳларга тўкар ёшини.
Наҳот сендай мағрур ботирлар
Хиёнатга эгар бошини.

Қадамларда ўсмоқда озор,
Хотирларда йиғлайди ёмғир.
Нигоҳларим йўл излаб такрор,
Беруҳ қалбим, о, сенсиз оғир.

Кузакларга йўл бошлар сўқмоқ...

Ойдиной МАТМУСАЕВА



Ойдиной Матмусаева 1994 йил 24 июнда Охунбобоев туманидаги «Янги ҳаёт» қишлоғида туғилган.

Тумандаги 36-умумтаълим мактабининг 9-синфида таҳсил олмоқда. «Жаҳон Отин Увайсий» адабий тўғараги аъзоси.

ВАТАН

Бу кун азиз юртим Ўзбекистоннинг
Бағрида кезмоқда тинчлик шукуҳи .
Ўзбекнинг қалбида уйғонди бу кун,
Мустақиллик ишқи, миллийлик руҳи.

220

Кўнгиллар яйради, қалблар севинчга
Бурканди, қоронғу диллар бўлди шод.
Гулларга беланди кенг ҳур кучоғинг,
Кўксимиз тоғ бўлди, кўчалар обод.

Басавлат тоғлардай кериб кўкрагин,
Жавлон-ла жўш уриб хилпирар мағрур
Ўзбекнинг байроғи ҳур само узра,
Халқнинг юрагига бахш этиб сурур.

Бағрингда ҳар куни байрам, тантана,
Асло қўз тегмасин о, азиз Ватан.
Бизлар камарбаста ҳур камолинга,
Сенга фидо бўлсин бу жону бу тан.

Зулфия¹⁷ СОЛИЕВА



1990 йил Охунбобоев туманида таваллуд топган. Ижод намуналари туман, шаҳар, вилоят ва республика матбуотида нашр этилган. “Жаҳон Отин Увайсий” адабий тўғараги аъзоси. 2007 йилда Хоразмда ўтказилган республика “Нафосат” кўрик-тинлови қатнашчиси. 2009 йилда “Эҳтиром” номли шеърлар тўплами нашр этилган.

ҚИЗГА ЧИЗГИ

Маҳтал нигоҳларда ўзга ҳаяжон,
Оёқлар остида увиллар шамол.
Вақтнинг пойгакда кезишини,
Ойнага суяниб кузатар хаёл.

Хазонлар саҳнида рақс тушар ўйлар,
Дилдаги андуҳлар борар сўкилиб.
Бесабр умрнинг ҳар нафасидан
Хазонрез лаҳзалар қолар тўкилиб.



Ойнинг шуъласига сигинар кузак,
Томларда тантана қилар мезонлар.
Мўйсафид чинорлар юпун شوҳида
Умрнинг адлини тортар мезонлар.

Борлиқда кезинар ҳавойи ҳислар,
Лаҳзада кузликка кўникар очун.
Совуқ панжа урган девор пастида,
Оёқлар остида мудраб ётар тун.

Маҳтал нигоҳларда ўзга ҳаяжон...

СИҒМАСМАН

Кулгинда гуллаган баҳорми,
Нигоҳинг нигоҳим озори,
Кўнгилда ишқ гули бисёр-у,
Ман нечун кўзингга сиғмасман...

Теграмда тентирар хаёллар,
Қалбимни чайнайди саволлар,
Ёдингга келяпман малоллар,
Ман нечун ёдингга сиғмасман...

Зор қалбга асли бахт армону,
Сен осмон, мен бир хас томон-у,
Бизларни танитган ҳижрону,¹
Ман нечун ҳижронга сиғмасман...

Қонимда ишқ оқар, наслим ишқ,
Тутганим лолалар, фаслим ишқ.
Олган ҳар нафасим, аслим ишқ,
Ман нечун сўзингга сиғмасман...

Ман нечун ҳижронга сиғмасман...

Маърифат ВАҲОБЖОНОВА



1996 йил Марғилон шаҳрида таваллуд топган. «Жаҳон отин Увайсий» адабий тўғараги аъзоси. Ҳозирда шаҳардаги 18-мактабда таҳсил олади. Унинг шеърлари шаҳар ва вилоят газеталарида чоп этилган.

ВАТАНИМНИ ЭЪЗОЗЛАЙ

Ватанимни эъзозлай абад,
Кўзларимдек асраб-авайлай.
Ҳар гиёҳни юзимга суртиб,
Аждодларим ўгитин оқлай.

Ватанимни эъзозлай абад,
Ўзга юртга бўлмай маҳлиё.
Шундай севай жон-танним билан,
Тупроғини айлаб тўтиё.



Ватанимни эъзозлай абад,
Тарихини ўрганай ҳар он.
Биламанки мен фақат шуни,
Ватанимдек йўқ ўзга макон.

Ватанимни эъзозлай...

БАҲОР КЕЛИБ

Такрор кулиб турар гуллар, чечаклар,
Яна уйғонади дилда куртаклар.
Сойлар қўшиқ айтиб, тошиб оқади,
Булбулнинг шўх оҳи қалбга ёқади.

Шабнам қўнар кўнглим гул япроғига,
Шивирлар саболар орзу боғимга.
Осмондан сочилар марварид нурлар,
Булутлар тўккайдир жилоли дурлар.

Ўлкам чиройига қўшгай чиройин,
Гулларга буркайди безаб ҳар ойин.
Табиат бошига тақар гулчамбар,
Борлиқдан таралар, о, мушки анбар.
Баҳор келиб...

Зарнигор ТУРҒУНБОЕВА




1995 йилда Фарғона шаҳрида туғилган. Айни кунда 5-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Шеърлари шаҳар ва вилоят газеталарида эълон қилинган. “Олтин қалам” тўғараги аъзоси.

БАРКАМОЛЛИК САРИ

Юрагим сени деб урмаса агар,
Номимни унутгин, эслама зинҳор.
Шаънингга битмасам тўрт мисра газал,
Ватан, сенга фарзанд бўлишим душвор.

Бугун барча элдан ўзмоқдамиз биз,
Жаҳон эътибори биздадир бу чоғ.
Баркамол ва озод ўсмоқдадирмиз,
Бизга нурли ҳаёт очмоқда кучоқ.

Ўқиб, изланишдан толмаймиз зинҳор,
Қаддимиз тиклигин кўриб қўйишсин.



Тарихимиз буюк, эртагимиз порлоқ,
Ўзбекнинг кимлигин кўриб кўйишсин.

Аждодлар дуоси бизга мададкор,
Илло, биз ҳеч қачон ғам кўрмагаймиз.
Олисни кўзловчи юртбошимиз бор,
Биз ёшлар ҳеч кимдан кам бўлмагаймиз!

* * *

Жаннатнинг парчаси менга ошиён,
Менга ўзга мулку давлат керакмас.
Шу беқиёс замин, мусаффо осмон,
Она юрт ишончин оқлай олсам бас.

Эртанинг эгасин асраган Ватан,
Бугун сенга дунё қилмоқда ҳавас.
Ўзбек фарзандиман, шу менинг бахтим,
Ўзбегим ишончин оқлай олсам бас.

Яхши кунларингда хизматда бўлай,
Ҳеч бир эл дилбандин сен каби суймас.
Оҳ, қўллари қадоқ, заҳматкаш халқим,
Юртдошлар ишончин оқлай олсам бас

Қай юртнинг фарзанди биздай бахтиёр,
Бек фарзанди бекдир, ўзгача бўлмас.
Йўлбошчим оқилдир, бизга мададкор,
Юртбошим ишончин оқлай олсам бас.

Розиман боғингда япроқ бўлишга,
Бугун фарзандларинг бахтингдан сармас!
Розиман пойингда тупроқ бўлишга,
Ватан, ишончингни оқлай олсам бас!

ЎЗБЕКИСТОН

Ҳар гўшаси обод, кўркам,
Қудратига лолдир жаҳон,
Шу обод юрт менинг ўлкам,
Она юртим Ўзбекистон.

Қушлар хандон боғларида,
Ҳар гўшаси бир гулистон,
Ҳофизларнинг созларида,
Обод ўлкам Ўзбекистон.


Саховатли одамлари,
Эртаю кеч кутар меҳмон,
Алпомишдай полвоилари,
Менинг ўлкам Ўзбекистон.

Таърифига ожиз қалам,
Камлик қилар юз минг достон.
Ҳавас қилсин бутун олам,
Она юртим Ўзбекистон.

ВАТАНИМ

Зилол чашмалардан тўйиб сув ичиб,
Гўзал боғларингда чечакдай тўлиб,
Таърифнинг айтаман бир булбул бўлиб,
Мен сени онамдай севаман, Ватан!

Эркин ўсмоқдаман сарҳадларингда,
Булбул наво қилган саҳарларингда,
Жаннат исин туйгум баҳорларингда,
Мен сени онамдай севаман, Ватан!



ОТА-ОНАМГА

Тоғдай асраб келдинг бало-қазодан,
Сенга меҳр қолган Одам Атодан.
Умримни сўрайсан ҳар кун худодан,
Сен борсан, ҳеч каму кўстим йўқ менинг,
Ота, сендан ўзга дўстим йўқ менинг.

Мол-дунё, шуҳратни ўйлаганим рост,
Дардимни бедардга сўйлаганим рост,
Ўша сохта дўстни куйлаганим рост,
Сен борсан, ҳеч каму кўстим йўқ менинг,
Ота, сендан ўзга дўстим йўқ менинг.

Ким менга сенчалик меҳр беради,
Номард дўстингман деб кўксин керади,
Термулсанг кўзларим айтиб беради,
Сен борсан, ҳеч каму кўстим йўқ менинг,
Ота, сендан ўзга дўстим йўқ менинг.

Сезмай қоламан гоҳ ғаниматлигинг,
Бу ёруғ оламда омонатлигинг,
Менга мулку давлат саломатлигинг,
Сен борсан, ҳеч каму кўстим йўқ менинг,
Ота, сендан ўзга дўстим йўқ менинг.

Гулбадан АБДУСАЛОМОВА



1991 йилнинг 7 сентябрида Риштон тумани Қалайнав қишлоғида туғилган. Ҳозирги кунда Фарғона шаҳридаги педагогика ва маиший хизмат кўрсатиш коллежининг 3-босқич талабаси.

ЗУЛФИЯ ЗИЁСИ

Достон

Қаламни
қўлимга
олдим,
ногоҳ
Борлиқ
вужудимни
қамради
титроқ,
Уйладим —
етгайми
журъатим
ахир,

Зулфия
ҳақида
битмоққа
сатр...
У — садоқат рамзи,
вафо тимсоли,
У — улуғ ўзбекнинг
улуғ аёли!
Истиқлол
юртида
топиб яна
шон,



Абадий
 Ёшликдан
 топди
 ошиён.
 Губорсиз
 дилларни
 нур бўлиб
 кучди,
 Расида
 қизларнинг
 кўксига
 кўчди.
 Бир эди,
 эл суйиб,
 мингга
 айланди,
 Кундузни
 бошловчи
 тонгга
 айланди.
 Гарчи
 айланса ҳам
 тупроққа
 жисми,
 Тилларда
 гул бўлиб очилди
 исми.
 Истиқлол
 Сарбони —
 юртбошим буюк
 Уни
 эрк
 юртида
 айлади

суюк.
 Улкан
 мукофотни
 айлагач
 таъсис,
 Азиз номи бўлди
 янада
 азиз.
 Юзлаб
 муносиб қиз
 кўкси галма-гал
 Кўрди
 Зулфиянинг
 нури бор
 медал.
 Шу нишон
 уларга
 бўлиб
 нур, маёк,
 Истиқбол
 йўлларин
 айлади
 порлоқ.

* * *

Қай юртда
 аёлга
 бўлса
 эътибор,
 Миллатнинг
 кўксига
 қўнмайди
 губор.
 Ватанда

кўпайса
 Зулфия қизи,
 Ёруғ бўлгай
 доим
 бу элнинг юзи.
 Вафодор кўпайгай,
 кўпайгай
 содиқ.
 Айтинг,
 қай
 фазилат
 шулардан
 ортиқ...
 Юрда
 кўп
 янграса
 Зулфия
 шеъри,
 Офтоби
 чарақлаб,
 яшнайдиги
 ери.
 Камолига
 яна
 кўшилиб
 камол,
 Шаҳар-қишлоқлари
 очадиги
 жамол.
 Асл фарзандини
 асраган Ватан,
 Мана шундай
 ўзиб
 боргай
 ҳаммадан.

* * *

Зулфияхонимни
 ўйласам такрор,
 Дилимда қолмайди
 туман ва ғубор.
 У ёридан эрта
 бўлса ҳам жудо,
 Бесабрлик этмай
 қилмади хато.
 Юраги ҳижрондан
 бўлса ҳам чок-чок,
 Ҳамид Олимжонга
 қолди содиқ,
 пок...
 Ҳулкар қизи,
 ўғли —
 Омонини деб,
 Номуси,
 орини,
 виждонини деб,
 Зулфия номига
 юқдирмасдан кир,
 Пок ном билан
 топди юртида қадр.
 Пок номга ярашиқ
 бўлиб шеърлари,
 Бошига ёғилди
 иқбол нурлари.
 Ҳаётни куйлади,
 Ватанни севди,
 Ўзбекистон отлиғи
 чаманни севди.
 Ҳамид Олимжонни
 дилда тутиб ёд,

Тинмади, руҳини
айламоқдан
шод.
Шоир қўллагани
учун шоирни,
Оллоҳ ҳам ёғдирди
бошидан нурни.
У шундай
айлангач
бир тирик
нурга,
Ватан ҳам
ардоқлаб
чиқарди тўрга.
Гўзал шоиранинг
гўзал ижоди,
Битиб қолдиргани —
Байти, баёти,
Минг-минглаб
юрақдан
топиб жой,
ўрин,
Давом эттирмақда
Зулфия умрин.
У гўё
айланиб
ёрқин зиёга,
Таралиб бормоқда
бугун дунёга.
Гўзал сатрлари
оққушлар мисол
чаманда гуллар-ла
топишиб висол.
Асл муҳаббатни

мадҳ этиб ҳамон,
Тинмай куйлаётир
вафодан дoston.

* * *


Яна чулғаб олди
бошимни хаёл,
Дедим —
ҳозир бўлса
шу улуғ Аёл,
Пойини
кўзимга қилиб
тўтиё,
Олган бўлар эдим,
Бир қутлуг дуо.
Чунки Зулфиядек
покиза ва хур,
Аёл дуосини
олмоқ ҳам хузур.
Ўзи йўқ
бўлса ҳам
руҳи барҳаёт.
Агар
шеърим билан
қила олсам шод.
Жажжи
набирам деб
илтифот айлаб,
Шояд
дуо қилса
ширин лутф айлаб...
Ноумид шайтон-да,
Менда умид бор.

Шу боис
яшайман
доим умидвор.

* * *

Жаҳонга
танилган
машҳур шоира,
Элимнинг
ёдидан
чиқмайди сира.
Тарихга
битилган
жаҳон кезгани,
Шеър наҳрида
оққуш
каби сузгани.
Расул Ҳамзат,
Қайсин Кулиевдай
Соз,
Дунё бўйлаб
кезди ўзбекча овоз.
Николай Тихонов деди:
Синглимсан,
Георгий Марков ҳам
олди уни тан.
Мирзо Турсунзода,
Садриддин Айний
дедилар;
Зулфия — вафога ганий.
Бир тараф Осиё,
Бир ён Африка,
Зулфия номини
кўтарди кўкка.

Машҳур шоиримиз
Эркин Воҳид ҳам,
Зулфия васфида
тебратди қалам.
У битди
сўзларга
жойлаб
иссиқ жон,
“Вафо” деб
аталган
ажойиб дoston.
Қанча шоир,
қанча шоира —
шогирд,
Бир-бирига
қилиб
назира, тақлид.
Эзгу ният
билан
қалам тутдилар,
Зулфия
ҳақида
ашъор битдилар.
Мен ҳам
эзгу сафга
кирай деб аста,
Кўнглим
гулларида
туздим гулдаста.
Ғўрлик
қилган бўлсам,
маъзур тутасиз,
Чунки
жилға қиздан
жилға кутасиз.



* * *

Яхшими,
ёмонми,
бўшми
ё дуруст,
Улуғ шоирага
мен ҳам
айтдим сўз.
Кимга
сингади у,
кимга сингмайди,
Зулфия
мақтови
аммо тинмайди.
Бошига
кўтариб
олтин сўзини,
Элим
улуғлайди
улуғ қизини.

* * *

Гўзал
шоиранинг
гўзал ижоди,

Битиб
қолдиргани —
байти, баёти
Минг-минглаб
юрақдан топиб
жой, ўрин,
Давом
эттирмоқда
Зулфия умрин.
У гўё
айланиб
ёрқин зиёга,
Таралиб
бормоқда
бутун дунёга.
Гўзал
сатрлари
оққушлар мисол,
Чаманда
гуллар-ла
топишиб висол,
Асл
муҳаббатни
мадҳ этиб ҳамон,
Тинмай
куйлаётир
вафодан дoston.

Раънохон МАШРАБЖОНОВА



1995 йил 20 сентябрда Ўзбекистон тумани Даҳанақақир қишлоғида тугилган. Мақола ва шеърлари туман газеталарида эълон қилинган. “Яйпан овози” газетаси қошидаги “Ниҳол” тўғариғи аъзоси.

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР

Дасурхонни безайди
Миллий таом ёзу-қиш.
Уни тайёрлаб бериш
Қизларга севимли иш.
Қатламани халқимиз
Азалдан суядилар.
Чалпак кўшиб ёнига,
Тановвул қиладилар.
Кўкчувара, қовурдоқ,
Бу ҳам баҳор таоми.
Ёнидаги не дерсиз,
Вароқи унинг номи.
Кўкхоним, кўкмантилар



Дастурхонга берар зеб.
Тотиб кўринг мазасин,
Юборасиз “оҳ-оҳ” деб.
Ўрамаю, бурама
Туришибди интизор.
Қайрилмай, кўксомсанинг
Дилига берманг озор.
Қани-қани еб кўринг,
Хуш бўйига тўярсиз.
Ёқса ошпаз ҳаққига
Дуо қилиб қўярсиз.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон, оҳ, тенгсизим дунёда,
Сен мен учун ҳар нарсадан зиёда.
Пахта, бугдой, тиллога кон бу макон,
Унда озод, бахтли яшар ҳар инсон.

Бойликка кон, азим кўҳна тоғларинг,
Ширин-шакар, жаннатмакон боғларинг.
Чиройингга боқиб, юртим, тўймайман,
Меҳринг билан кетар юрак доғларим.

ЯНГИ МЕҲМОН

Бугун бизнинг уйимизга
Жажжи янги меҳмон келди.
Меҳмон билан дилимизга
Қувонч деган уммон келди.

Кенг ҳовлимиз тўлиб кетди
Унинг ширин “инга”сига.

Дилда меҳрим жўшиб кетди.
Кулганида опасига.

Укажоним тезроқ ўсиб,
Алпомишдек ўғлон бўлсин.
Юрт корига ярайдиган,
Мард-у жасур инсон бўлсин.

Кўз тегмасин, билагига
Кўзмунчоқлар қўйи тақиб.
Кулгулари осмонимни
Ёритади ойдек балқиб.

СИНГЛИМГА

Сингилларим ичра кенжаси,
Дадам билан онам эркаси,
Хонадоним жажжи бекаси,
Шу синглимга меҳрим бошқача.

Ақли расо, тиллари бийрон,
Қаро кўзи мисоли жайрон,
Ҳар нарсага боқади ҳайрон,
Шу синглимга меҳрим бошқача.

“Опажон” деб қолмас изимдан,
Кўринмасам ахтарар зимдан,
Топса қувнаб ўпар юзимдан,
Шу синглимга меҳрим бошқача.

Ўхшаб кетар юзи юзимга,
Тақлид қилар гапи сўзимга,
Шўх жилмайиб боқар кўзимга,
Шу синглимга меҳрим бошқача.

Муҳайё ²⁴ДЕҲҚОНОВА ₂₂



1989 йилда Бувайда туманида туғилган. Қўқон Давлат педагогика институти педагогика факултети талабаси.

БАҲОРНИ СОҒИНИБ

Табиатда сирли бир сукут,
Борлиқ кийган ҳарирдан либос .
Ёшлигини қўмсар кекса тут,
Навниҳоллар келинчакка хос.

Гуё кимдир атай дарахтга,
Дур маржонлар қўйгандай тақиб.
Завқли қалблар етар бу бахтга,
Юрак кетар покликдан қалқиб.

Дала-даштда қорлар ҳовури,
Дов-дарахтлар кўринар элас.
Ёқимлидир қушлар чуғури,
Кўкламдайин дилни этар маст.

Ҳар фаслда ҳикмат мужассам,
Ҳар биридан бўлмас оғриниб.
Лекин шу пайт негадир бир дам
Мен баҳорни кетдим соғиниб.

КЕТОЛМАЙСИЗ ҲАМОН

Чор атрофнинг ғуборин ювиб,
Оби раҳмат ёғар шивирлаб.
Шундай бир кун дедингиз суйиб,
Эртақларга кетгум ўғирлаб.

Кунлар ўтди, неча тун ўтди,
Кута-кута толдим, шаҳзодам,
Диллардан аламли ун ўтди,
Келмадингиз умри озодам.

Қадамимни пойлар дев-ғанам,
Тушов солар занжир — андиша.
Яшар бунда вужудим-танам,
Эртақларда руҳим ҳамиша.

Ёмғир ёғди яна неча бор,
Шу зайлда ўтмоқда суръат.
Қирқ эшикда ҳасад — мор хушёр,
Топилмайди бир калит — журъат.

Чор атрофда сирли бир сукут,
Ёмғир ёғар, ёғар шивирлаб.
Наҳот энди ваъдалар унут,
Кетолмайсиз ҳамон ўғирлаб.

* * *

*Ҳофизлар қолгайлар қалдирғоч бўлиб.
Ойдин ҲОЖИЕВА*

Чарх уради содиқ қалдирғоч,
Эркинликнинг кенг қучоғида.



У содиқ дўст, гулми ё бўзnoch,
Муҳаббатдир дил ардоғида.

У меҳрни чуқур қилар ҳис,
Борми ёки дил тарозуси.
Эркидан ҳам юмолмайди кўз,
Юксакликдир мудом орзуси.

Қайтар чоғда бўзлайди нолон,
Кўзларига ёшлар тўлади.
Ҳатто ёви — айёр илоннинг
Кўйнидаги ғашлар ўлади.

Қалдирғочда меҳрим, ҳавасим,
Юрагида садоқат-оят.
Кўклам яна куйлайди сўлим:
“Омонмисан, дўстгинам бўғот”.

Чарх уради ҳофиз қалдирғоч,
Юксакларда, кўкнинг тоқида.
Бошларида садоқатдан тож,
Муҳаббатдир дил ардоғида.

БАҲОР КЕЛГАНГА ЎХШАЙДИ

Гўзаллик олами уйғонди, дўстлар,
Балки бу баҳорнинг ифоридандир.
Куёшнинг шуъласи ёндирар юзни,
Хуш айём булбулнинг навосидандир.

Уйғониш, яшариш, янгилашиш у,
Кўклам таровати, гўзаллиги шу.
Кумрию қалдирғоч қайтадиган кун,
Сеҳрли эртақдай туюлади тун.

Насиба АБДУРАҲМОНОВА



1988 йилда Данғара туманида тугилган. Қўқон Давлат педагогика институти педагогика факультети талабаси.

ОНАЖОНИМ СОҒИНДИМ

Олтин даврим мана бошланди яна,
Қишлоқдан олисда, ўтмоқда сана.
Соғиниб, соғиниб хат битдим мана,
Онажон, сизни кўп соғиниб кетдим.

Ҳар тонгда эркалаб уйғотиш қани?
Дуо-ла ўқишга кузатиш қани?
Кечалар аллалаб ухлатиш қани?
Онажон, сизни кўп соғиниб кетдим.

Дўстлар суҳбатидан балки безарман,
Соғинчдан эзилган бағрим эзарман,
Хаёлда расмингиз йиглаб чизарман,
Онажон, сизни кўп соғиниб кетдим.

Эшитгим келади сўзларингизни,
Кўргим келди жуда кўзларингизни.



Кўзга суртгим келар изларингизни,
Онажон, сизни кўп соғиниб кетдим.

АГАР...

Дарахт бўлсам бермасдим соя,
Мен бемехр падаркушларга,
Даҳо бўлсам бўлмасдим доя,
Туғилажак ёлғон сўзларга.

Ҳеч нарсани келмайди билгим,
Эшитганим ёлғонин билсам.
Бу дунёда келмайди тургим,
Ҳақиқатнинг синганин кўрсам.

Она, асло қилмасман таъзим,
Сиқсанг томмас, қаттиқ бойларга.
Кўнглим бўшаб, кетгим келади
Ўн беш кунлик тўлган ойларга.

КЕТГАНЛАР

Баҳор гулин соғиниб келди,
Шамол кузин соғиниб елди,
Қиш қорини ёғдириб берди,
Соғиндим-ку, мен нима қилай?

Келма дердим, келишинг асли
Икки кўзим, қалбим кутарди,
Соғинганим сездирмай асло,
Тилим бошқа сўзни айтарди.

Ўтирибман келишинг кутиб,
Ўзим сенга келма деб айтиб,
Кеч бўлса ҳам энди тушундим,
Кетганлар ҳеч келмайди қайтиб.

Шоҳсанамхон Толибжон қизи АЗИЗОВА



1992 йил 12 январда Ўзбекистон туманининг Давлатботир қишлоғида туғилган. Ҳозирги кунда тумандаги 18-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфида таҳсил олмақда. 2007-2008 йиллар “Келажак овози” кўрик танлови туман босқичи ғолиби, вилоят босқичи иштирокчиси.

СЕНИНГМАН

Ватан бунчалар ҳам кучоқларинг кенг,
Ватанлар ичидан гўзалдирсан энг,
Сўз топа билмадим таърифингга тенг,
Сени онам дедим, Онажон Ватан.

Чамансан — бағрингда капалагингман,
Осмонингда рангин камалагингман,
Болангман, энг ёруғ келажакингман,
Сенингман, токи бор танда жон, Ватан.



ВАТАН

Жаҳонда ягона топганим сенсан,
Муаттар бўйларин тотганим сенсан,
Кўз очсам нур бўлиб ботганим сенсан,
Томиримда оққан қонимсан, Ватан.

Баҳорда турфа ранг бўёгим ўзинг,
Қалбдаги энг зилол булоғим ўзинг,
Мавжланган олтинранг бошоғим ўзинг,
Тупроғи олтинга конимсан, Ватан.


Кўрарга кўзингман, айтарга сўзинг,
Дунёни забт этган ҳур ўғил-қизинг,
Дўст-душман олдида ёруғдир юзинг,
Номусим, шарафим, шонимсан, Ватан!

НАВОИЙ

Қоматиға ярашган либос,
Салобати дунёларга хос,
Асарлари бизларга мерос,
Қаламининг нурли чўғи бор,
Мир Алишер руҳи мададкор.

Юрт ишқида ашъорлар битди,
Ғам-аламни ичига ютди,
Бахт калитин бизларга тутди,
Буюк деган номга сазовор,
Бобом руҳи доим мададкор.

Илҳомжон КОМИЛОВ



1986 йил Олтиариқ туманида туғилган. Ҳозирда Фарғона Давлат университетининг филология факултетида таҳсил олади.

БАҲОР

Кулиб боқди заминга қуёш,
Кўзин очди уйқудан гуллар.
Асрорларим бўлмасин деб фош,
Яшил кийди оқбадан гуллар.

Зилол сувга боқиб тўймайди,
Анҳорларнинг бўйида райҳон.
Мажнунтол ҳам тинмай ўйлайди,
Бошин эгиб жимгина ҳайрон.

Гулшанда гул ҳуснига шайдо,
Булбулларга туғилди имкон.



Ноёб сўзга жонлари фидо,
Шоирларни шоширар илҳом.

Сулувларнинг кўнглида сурур,
Ишқ ўйини бошланиб кетди.
Қошда ўсма, кўзларда гурур,
Куйдирмоқнинг фурсати етди.

Уча бошлар нафис капалак,
Шабнам ботган қанотин қоқиб.
Суйганини излар жонсарак,
У ҳам хаёл пинжидан боқиб.

Гўзалликка бурканди борлиқ,
Табиатда ўзгача бир руҳ,
Бахт бормикан, бундан-да ортиқ,
Дилдан дилга кўчмоқда шукуҳ.

ВАТАНИМ

Ватаним! Тинчлигинг йўлида кулиб,
Танидан айрилган ёшларинг бордир.
Ва улар ғамида тутдай тўкилиб,
Соғинчдан оқарган сочларинг бордир.

Ватаним! Кўксингда ғанимлар отиб,
Сўнг топа олмаган тошларинг бордир.
Шу тошлар ўрнида мегиндай қотиб,
Сабрингга куч қўшган дошларинг бордир.

247

Ватаним! Асрлар ортидан келиб,
Сени кутаётган тожларинг бордир.

Ташвишлар тумори бўйинингга илиб,
Ўсмани қўмсаган қошларинг бордир.

Ватаним! Олиму шоирлар берган
Фаргона, Самарқанд, Шошларинг бордир.
Дўст учун ҳамиша кучоғин керган,
Тоғ каби забардаст ёшларинг бордир.

ХУДОГА АЙТАМАН

Қўлларинг ушласам уялиб қочиб,
Ўзингдан бегона айлама мени.
Севгимни сўйласам рад этма чўчиб,
Севмасанг, худога айтаман сени.

Товонинг остида эзилди жоним,
Тупроққа беландим, сочилди қоним.
Қолмаса не қилай бошқа имконим,
Севмасанг, худога айтаман сени.

Йиғлашни ўргатди ҳижрон балоси,
Бағримни тирнайди кўзинг қароси.
Битта ишқ сўрайди васлинг гадоси,
Севмасанг худога айтаман сени.

Ғар кетсанг қўшилиб бахтим ҳам кетар,
Ёлғизлик Илҳомни девона этар.
Лек менинг оҳларим кўкларга етар,
Севмасанг, худога айтаман сени.

Матлуба ШОКИРОВА



1993 йил 6 октябрда Риштон тумани Янгиобод қишлоғида туғилган. 19-умумтаълим мактабини 10-синф ўқувчиси. “Тоҳир-Бағдод” телевидениеси қошидаги “Ёш ижодкор” тўғараги аъзоси. Шеърлари вилоят, туман газеталарида чоп этилган.

* * *

Майли, мени тарк эт, ташлаб кетавер,
Юрсанг қўлларингга чироқ бўламан.
Қўзинг орзулаган бахтга етавер,
Кулсанг кулгучингга нурдек тўламан.

Тушимга кирсанг гар ўнгимдек билиб,
Хаёл оғушида сенла бўламан.
Айрилиқ, ҳижроннинг бағрини тилиб,
Дилда севгим билан ёлғиз қоламан.

249

Юракда жўш уриб келса туйғулар,
Булутдан ишқ қасрин бунёд этаман.
Изимдан тинмайин келса қайғулар,
Бахтнинг соясига кўмиб кетаман.

СУЙИНГ МЕНИ

Суйинг мени, овутинг бу дам,
Армонларга айланиб қолдим.
Дардларимга бўлинг сиз малҳам,
Азобларни худога солдим.

Кўз ёшларим тўлди дарёга,
Алдаб мени қийнаманг ортиқ.
Армонларда қолган дунёга,
Умидларни этинг сиз тортиқ.

Суйинг мени, шўх-шодон бўлай,
То афеусга қолмасин ҳар он.
Қувончлардан қувониб турай,
Ҳижронларнинг бўлсин бағри қон.

Суйинг мени, кўролмаганлар
Бахтли бўлай, уялиб қолсин.
Ғийбатларсиз юролмаганлар,
Армонларим қайтариб олсин.

Суйинг мени, овутинг бу дам.

ЛОЛАЖОН

Тушимга кирибсан, ёлғизим, эркам,
Қип-қизил юзларинг негадир сўлғин.
Айт, сени ким бунча хафа қилди, ким,
Юраги мавж урар тинмайин тўлқин.



Сени ҳам сеҳрли ҳаёт боғингда,
Ёмонлар кўз тикиб митги жонингга.
Гаразли ишини ўйлаб тургандир,
Илондек сирғалиб бориб ёнингга.

Кўнгли оқ, соддадил, меҳрибонгинам,
Арзийди шамоллар кўз ёшинг артса.
Шунча дард бераркан бўлмасмиди ё,
Сени ҳам бағритош қилиб яратса.

Қирларнинг бошида рўмоли эдинг,
Қисматинг ўйлатар, қийналади жон.
Сўнги бор бағримга босиб олайин,
Бир лаҳза йиғламай тургин, лолажон.

* * *

Армонлар пастдамиш, ўртада умид,
Шу қадар юксакмиш сизнинг шонингиз.
Қўйинг, хафа бўлманг, бўлманг ноумид,
Нақадар қадрли ҳар бир онингиз.

Баҳорни эсланг сиз, кузни унутинг,
Хазонлар ўраган пўстини ечиб.
Бир куни сиз томон бораман кутинг,
Серғалва дунёни боридан кечиб.

Қояларга ўхшаб қолманг сиз қотиб,
Бир куни сиз билан кўришгум аниқ.
Йиғламай кулингиз хандонлар отиб,
Аламли армоннинг қўллари синиқ.

* * *

Эртага йил ўтиб мени унутсанг,
Нурафшон йўлингга ёғар андуҳим. ✓
Қалбимда асрайман, сақлайман сени,
Доимо сен билан яшайди руҳим.

Ҳижронни куйлаган шод армонлари,
Куюндек пойимда айланар ғужғон.
Тақдирни аёвсиз шум армонлари,
Улкан муҳаббатга қўйилган тўғон.

Ўшанда иккимиз эдик бахтиёр,
Севгидан юрагим ёнди ловуллаб. ✓
Сен эса кетмоқни қилдинг ихтиёр,
Юрагим туби ҳам қолди хувиллаб.

16 Гулмира ИСМОИЛОВА



1992 йил 21 октябрда Бағдод туманида таваллуд топган. Ҳозирда Бувайда педагогика коллежида таҳсил олади. Шеърлари вилоят ва туман рўзномаларида чоп этилган.

“Тоҳир-Бағдод” телевидениеси қошидаги “Ёш ижодкор” тўғараги аъзоси.

ОСМОН УЗИЛМАДИ

*Осмон узилмади сиз келмаган тун,
Қиёмат қойим ҳам бўлмади ажаб.*

К.Ашурова

Осмон узилмади сиз келмаган кун,
Юрагим соғинчдан кетмади қақшаб.
Ўлим шарпасини кутмадим дилхун,
Сабр бергин дея ёниб-ла ё раб.

Сира ўкинмадим сиз келмаган кун,
Келмади нега деб сурмадим хаёл.
Кўникиб қолдимми сизсиз яшашга,
Билмадим, азизим, бу қандайин ҳол.

Қалбим зорланмади сиз келмаган кун,
Лек шубҳа еллари урди юзимга.
Унсиз фарёд чекиб дод солмадим, лек
Аччиқ ҳижрон ёши тўлди кўзимга.

* * *

Кўниколмай сизсиз яшашга,
Бу юрагим солар унсиз дод.
Сиз томонга учмоқ бўлару,
Томоғимга тиқилар фарёд.

Орзуларим тарк этар мени,
Сиз йўқ кўкни тутар дил оҳим,
Бўлиб олди дардманд дилимга
Изтироблар ягона ҳоким.

Ҳатто тушда кўрмайин қўйдим,
Чақнаб турган кўзларингизни,
Ёр, кимларга айтиб юрибсиз,
Менга айтган сўзларингизни.

Кувонманг сиз азоблаб мени,
Сиз ҳам бир кун унсиз ёнасиз,
Мен ҳам бахтим топиб кетгайман,
Сиз ортимдан йиғлаб қоласиз.

Кўрасиз мен шод бўлгум албат,
Пок ниятим ушалгусидир,



Йўлларимга ишқ ғунчаларин
Поёндози тўшалгусидир.

Алвидо, эй беқарор шайдо,
Менсиз ишққа, сурурга тўйинг,
Мен вафога бир тимсол бўлай,
Сиз риёга бир аъмол бўлинг.

* * *

Муҳаббатга поёндоз этдим,
Киприкларим қароқларини.
Сақласин деб бахшида этдим
Юрагимнинг яроқларини.

Иззатини жойига қўйдим,
У келган чоғ кўнгил боғимга.
Таклиф этдим лутф ила уни,
Соғинч номли улкан тоғимга.

Армон куйин қўйдим ўчириб,
Қалб созини чалдим баралла.
Мен диллардан дилга кўчириб,
Ижро этдим ишқ ҳақда ялла.

Шу кун дилим бахтдан яйрайди,
Ишқ шароби айлади сархуш,
Севги қўним топган юракка,
Рашклар соқчи бўлдилар дилхуш.

Шундан бери шодликдан сармаст,
Муҳаббат-ла ёниб яшайман.
Юракларга соф сеvgи тилаб,
Пок сеvgига қониб яшайман.

КЕЛАРМИСАН

Тунлари кўзимга келмаса уйқу,
Қалбимда мавжланса нотаниш туйғу.
Билинмасдан кирса дилимга оғу,
Эй ёр, сен ёнимга келармисан, айт?
Юрагим дардини билармисан, айт?

Тўйсам бу ёлғончи дунё гаштидан,
Жой изласам ернинг сахро, даштидан.
Кўзларим ёшланса ғаним дастидан,
Эй ёр, сен дардкашим бўлармисан, айт?
Ҳолим сўраб бир бор келармисан, айт?

Хушнудабону ИМОМАЛИЕВА



1995 йил 18 ноябрда Данғара туманида туғилган. Ҳозир тумандаги 30-мактабда ўқийди. Шеърлари “Гулхан”, “Фунча”, “Синфдош” журналларида, “Тонг юлдузи”, “Соғлом авлод” газеталарида чоп этилган.

КИТОБЛАР

Дунёнинг сир-синоатидан
Сирли тилда сўйлар хитоблар.
Минг йилликлар афсонасидан
Хабар берар бизга китоблар.

Унда Чингиз қиличида қон,
Кўзёшларда кема сузади.
Тор-мор қилиб уни бир ҳоқон,
Шу заминда зўр юрт тузади.

Навоийнинг нурли қалами,
Гавҳар сақлар олтин қоғозда.
Тўмариснинг одил қарори
Ҳукм берар ўктам овозда.

Бари-бари китобдалир жам,
Минг асрлар сўзлар ривоят.
Дўстим, бизнинг асл бурчимиз,
Китоб ўқимоқдан иборат.


ТОШКЕНТ

Минг йилларким дostonлардасан,
Тоблангансан минг битта жангда.
Сен “Шоштепа”, сен қадим “Чоч”да
Товланасан гавҳардек тонгда.

Юракларда ардоқ топганча,
Яшаяпсан ҳозирга қадар.
Қардошларнинг онаси ўзинг,
Элатларга ўзингсан падар.

Тарихингга назар солсам гар,
Бағрим эзар ул қонли дамлар.
Бугун ҳумо қўниб бошингга,
Таҳсин ўқир жумла оламлар.

Ўзбекистон — ҳур ватанимнинг
Юрагисан, пойтахтим, бешак.
Онажоним, азиз Тошкентим,
Қўп асрлик тўйинг муборак.



КАМАЛАК

Инжиқ осмон кўз ёшин тўкса,
Юпотолмай шаббода ҳалак.
Уфқ қошида камон, ёй тортиб,
Пайдо бўлар бирдан камалак.

Бунча латиф, бунча турфа ранг,
Жилвасидан кўзинг қамашган.
Чамандаги гуллар билан у
Ёрқинликда ҳусн талашган.

У ҳайратда туғилган эртак,
Ақлинг шошар чирой-кўркидан.
У заминга беқиёс ҳадя,
Баҳор чоғи осмон мулкидан.

Кўк гумбази, офтоб тафтида,
Гўзалликка томон бир йўлак.
Таърифи минг китобда дoston,
У биз севган жилва — камалак.

БАҲОРГИНАМ

Соғинчларим дилимга сиғмас,
Булбул, қачон қўшиқ айтасан?
Қишдан сўрдим, у ҳатто билмас,
Баҳоргинам, қачон қайтасан?

Осмон солар булут қовоғин,
Мовий само, қуёш, ойдасан.
Суриб турфа ранглар бўёғин,
Баҳоргинам, қачон қайтасан?

Куртаклар ҳам мудроқ уйқуда,
Шовуллаган тошқин сойласан.
Чаманларни яшнатмоқ учун,
Баҳоргинам, қачон қайтасан?

Сенинг ўрнинг буткул бўлакча,
Балки, кўнгил деган жойдасан.
Тикиб қўйдим кўкдан қўйлакча,
Баҳоргинам, қачон қайтасан?

ВАТАНИМ

Ватан, дунёдаги яғонам сенсан,
Душман тийрасига бегонам сенсан.
Меҳрибон онаму азизам опам,
Балки менга тенгдош дугонам сенсан.

Жонажон мактабим, обод маҳаллам,
Бобомнинг гузари, чойхонам сенсан.
Бувим тўн бичади кимхоб, атласдан,
Остонаси қутлуғ тўйхонам сенсан.

Тоғам аскар бўлди мағрур, савлатли,
Кўкси улкан тоғдай мардонам сенсан.
Шаҳарларинг гўё тузилган маржон,
Юртлар аро тенгсиз дурдонам сенсан.

Ватаним! Ҳар гўшанг кўзга тўтиё,
Саройлардан аъло қошонам сенсан.
Тақдирим сен билан боғлиқ нузли йўл,
Иқболи порлаган пешонам сенсан.

Ҳилола ҚОЗОҚОВА



1990 йилда Бағдод туманида туғилган. 2008 йилдан “Тоҳир-Бағдод” телевидениеси қошидаги “Ёш ижодкор” тўғараги авзоси.

* * *

Эҳ-ҳе, хатоларга тўла йўлларим,
Ҳасрат, ўкинчга кон ўнгу сўлларим.
Хатто ўзимники эмас қўлларим,
Кўнгил ҳам кўнмайди айтган сўзимга
Мен бугун муштоқман ўзим-ўзимга.

Ахтарса топилгай ҳар нега чора,
Аммо ўлим ҳақдир, юз бор, минг бора.
Бу дунё ҳалолмас, лек олмас пора,
Ҳар лаҳза найзасин санчар кўзимга
Мен бугун муштоқман ўзим-ўзимга.

Ҳаловат боғига бегона гулман,
Гарчи ишқ дардидан хазонман, кулман.

261

Ўзимга шоҳману, ўзимга қулман,
Эски суратимни босиб юзимга,
Мен бугун муштоқман ўзим-ўзимга.

ИЧИККАН ЮРАК

Менга бугун меҳрингиз керак,
Сизга кўнглим зорга ўхшайди.
Севгингизга ичиккан юрак, ✓
Сизсиз дилим хорга ўхшайди.

Қаранг, юзим-кўзимдан аён,
Сизни севиб қияпман (хузур, *чунсох*)
Ишқим тушда айлабон баён,
Сизни тушдай сезяпман, узр.

Нигоҳингиз сеҳрлаб дилни,
Сингиб борар жисму жонимга,
Ютиб кетган муҳаббат тилни,
Солиб кетган ишқни қонимга.

Юрагимни қоплар қаро тун,
Кўзингизни орзу этмасам,
Васлингизга етаман бир кун,
Ишқ тафтидан эриб кетмасам.

МУҲАББАТНИНГ ЭРТА ЎЛИМИ

Сиз кетасиз қувноқ ва шодон,
Оргингиздан севгим қолар жим.
Муҳаббатим қозонган инсон, ✓
Қалбингизни эгаллаган ким?

Нега мендан кетдингиз йирок,
Иккимизга дунё тормиди? ✓
Азоб берар биргина сўрок,
Қалбингизда ўзга бормиди?

Сизга севгим учирди хаёл,
Етмадими сизга хабари?
Юрагимда ишқ топди камол,
Лек мададсиз чекинди нари.

Сочларимни силайди шамол,
Билимам, балки онам кўлими,
Юрагимни эзар, эҳтимол,
Муҳаббатнинг эрта ўлими.

ЮРАГИНГДА ЯШАГИМ КЕЛДИ

Нурдай ёруғ осмоним туриб,
Бағрингдан кенг жаҳоним туриб,
Бахтга тўлган замоним гуриб,
Юрагингда яшагим келди.

Ачинмайман сира-сира ҳам,
Севгим сабаб кўзим бўлса нам.
Дардларингга бўлибон малҳам,
Юрагингда яшагим келди.

Бир меҳрингга юз жоним фидо,
Ишқинг истаб адоман, адо,
Телба бўлиб, бўлиб бир гадо,
Юрагингда яшагим келди.

Ҳижронлардан юзимни буриб,
Нигоҳингни кўзимга суриб,
Муҳаббатдан бир кулба куриб,
Юрагингда яшагим келди.

Кўнглим сендан ўзгани демас,
Дил ишонар, гумонда эмас,
Ерда ёки осмонда эмас,
Юрагингда яшагим келди.

МЕН ЎЗБЕКМАН

Эй, сиз нодон, олифта хоним,
 Ёлгон сўзлаб, қайнатманг қоним. ✓
 Бир ҳақ учун минг садқа жоним,
 Мен ўзбекман, ўзбек боласи.

Мендан ёлгон-яшиқни кутманг,
 Қўлингизни узатманг, тутманг.
 Менга шайтон дўстмас, унутманг,
 Мен ўзбекман, ўзбек боласи.

Қадрим билган дўстларим бисёр,
 Менга ҳақ дўст, ишонч, қувонч ёр.
 Қақдим тутар гурур, номус, ор, ✓
 Мен ўзбекман, ўзбек боласи.


Иймон дилим айлаган гулзор,
 “Ватан”, дея юрак чертар тор, ✓
 Томиримда ўзбек қони бор,
 Мен ўзбекман, ўзбек боласи.

Мақтанчоқ деб ўйламанг сира,
 Шод кўнглимни этманг сиз хира. ✓
 “Оддийсан”, деб сўйламанг сира,
 Мен ўзбекман, ўзбек боласи!

ОНАМНИНГ БАҒРИГА БОШ КЎЙДИМ ЯНА

Азоблар қаддимни буккан ониди,
 Гумонлар ниш урса жисмим қониди.
 Ҳаловат топмайин дўстим ёнида,
 Онамнинг бағрига бош кўйдим яна.

Хаёлим учганда қанотин қоқиб,
 Соғинч кўз ёшлари келганда оқиб.
 Армонли севгимга хаёлан боқиб,
 Онамнинг бағрига бош кўйдим яна.



Фаришта сингари соф ва беғубор,
Бобомнинг соғинчи қийнайди такрор.
Соясин кўрмоққа кўнгил бўлиб зор,
Онамнинг бағрига бош қўйдим яна.

Дардимни дастурхон сингари очиб,
Юрагим ёшларин тупроққа сочиб.
Ўзимдан, севгимдан, қалбимдан қочиб,
Онамнинг бағрига бош қўйдим яна.

Фам-у андуҳларга ахтариб қабр,
Мен ўзима-ўзимга тиладим сабр.
Битта фариштага айлабон жабр,
Онамнинг бағрига бош қўйдим яна.

МЕНИНГ ХАЗОНИМ

(Бобур нидоси)

Зирқираб оғриди вужуд ила жон,
Яна қовоғини очмади юрак.
Бугун ҳам кечадек ўғди бесамар,
Энди мен бу ердан кетишим керак.

Пойимда армонлар, қўйнимда армон,
Кўнглимга куз келиб кетолмай қолган.
Наҳот қадрим мени шунчалар арзон?
Ёки тақдир бахтим ўғирлаб олган?

Ҳар лаҳза туюлиб бир аср каби,
Соғинчлар майига чунон тўйдим-а.
Бир қадам қўймасдан, лаҳза ўтмасдан,
Умримнинг борини яшаб қўйдим-а.

Димоғим қўмсайди Ваган ҳидини,
Соғинч гирдобиди шому азоним.
Ўзга юрт хуш гули керакмас менга,
Қани, қайда қолди менинг хазоним?

ШЕЪР ҲАҚИДА ШЕЪР

Қайтавердим қайгадир бориб,
Қалб чигилин ҳеч ёзолмадим.
Бугун яна ўксиди дилим,
Битта соғлом шеър ёзолмадим.

Бирининг бор чиройли боши,
Бошқасига етишмайди бош.
Кўл-оёғи соппа-соғ лекин,
Киприги йўқ, йўқдир унда қош.

Нафасимда бўғилар ҳаво,
На мантиқ бор, маъни йўқ бунда.
Шеърсиз яшаш қийинми шунча,
Минг тирилиб ўлурман кунда.


Бугун яна бошланди дардим,
Ўйлайвериб озгандан оздим.
Нима қилай шу бугун яна
Кўл-оёқсиз учта шеър ёздим.

ШОИР ЎЛИМИ

Уввос солар кўчада шамол,
Вақтлар ўтар бепарво чоғиб.
Бир буюк шеър топмоқда камол,
Бир буюкнинг умрини қоғиб.

Қоғоз тўла армонли сўзлар,
Сира тинмай тебранар қалам.
Кимларнидир ахтарар кўзлар
Нимагадир пириллайди шам.

Соат мили урмасидан бонг,
Шоир йиғлаб ўқинди унга.
www.ziyouz.com kutubxonasi



“Бу кеч барвақт уйғонмасин тонг,
Кунлар вақтин илинсин тунға.

Нафас олай яна бирор он,
Азоб бериб ажал толсайди.
Ажаб эмас мен шўрлик томон
Онажоним келиб қолсайди.

Муҳаббатим оҳиста кучиб,
Ишқ тафтидан нафас олсайдим.
Кетсам ҳамки кўқларга учиб,
Сўнгни бора суюб толсайдим.

Охирги шеър, охирги алам,
Оқ қоғозга тўкилар ғамлар.
Сўнгни бора урар юрак ҳам,
Кипригимда энг сўнгни намлар”.

Шеър йиғлади шоир билан тенг,
Шоир жисмин руҳи тарк этди.
Тун ўксиди “бу дунёда энг,
Энг суюкли инсоним кетди”.

Вақтга юрмоқ келдию малол,
Индамади сергап аламлар.
Нафас олмай югурди шамол
Етим қолди қоғоз, қаламлар.

Абдусамат НАЗАРОВ
(ФИДОИЙ)




*1991 йил 13 мартда Риштон тумани Зоҳидон қишлоғида туғилган.
Тумандаги 34-мактабни тамомлаган. 2008 йилдан буён “Тоҳир-
Бағдод” телевидениеси қошидаги “Ҳазиний” номли тўғарак аъзоси.*

ОНА

Кўнгил севги шартларига кўниб кетди,
Ижодимда ишқ мавзуси тўлиб кетди.
Дилдан битти сўзим айтмай, журъат етди,
Онам, сизга шеърлар ёза олмаяпман.

Таърифини қойиллатиб гўзалларни,
Битгим келар ҳар бирига газалларни.
Ташламайди ҳатто улар назарларни,
Онам, сизга шеърлар ёза олмаяпман.

Боболарим руҳи менга мадақкордир,
Сизга шеърлар битолмаслик менга ордир.



Ўзин танҳо билган шоир элга хордир,
Онам, сизга шеърлар ёза олмаяпман.

Ҳис қилади, чиқармоққа дилим ожиз,
Меҳрингизни таърифлашга тилим ожиз.
Энг буюк зот деб айтмаган сизни бежиз,
Онам, сизга шеърлар ёза олмаяпман.

ЎН ТЎҚҚИЗГА КИРМАГАН ДЎСТИМ

*Мен ушбу шеъримни дўстим
Ҳаётжон Омонқуловга бағишлайман.*

Ўн саккиз ёш — навқирон ёшинг,
Кўкларгадир тугашган бошинг.
Етмадими энди бардошинг,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Ишонгим ҳам келмайди ҳечам,
Сени ўйлаб ўтар ҳар кечам.
Дерлар дунё ўзи бири кам,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Ўзинг эдинг ёлғиз дарддошим,
Ишонганим, менинг сирдошим.
Тугармикан энди кўз ёшим,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Сени кўрган ўн саккиз баҳор,
Ахтармоқда бўлиб энди зор.
Соғинчларим бўлдими бекор,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Яқинларинг қолди қийноқда,
Сен кўрасан балки йироқда.

Опанг, аканг қолди фироқда
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Онанг бағри эзилиб қолди,
Бахтсизлиги сезилиб қолди.
Отанг қанча дод-фарёд солди,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

Рақибларинг мот қилай энди,
Сенинг исминг ёд қилай энди,
Руҳингни мен шод қилай энди,
Ўн тўққизга кирмаган дўстим.

ИЖОДКОРГА КУЛМАНГЛАР

Бўлса агар қалам отаси,
Бўлармиди қоғоз онаси.
Илҳом уйи унга хонаси
Ижодкорга кулманглар, дўстлар.

Дардларини тўкиб солганда,
Гоҳо йиғлаб, кулиб қолганда.
Аламини шеърга солганда,
Ижодкорга кулманглар, дўстлар.

Тортишади нечаси билан,
Севишади қанчаси билан.
Ухламайди кечаси билан,
Ижодкорга кулманглар, дўстлар.

Гоҳ севгини бўрттириб ёзса,
Ўзин ишққа чўктириб ёзса,
Бир кечада ўн кило озса,
Ижодкорга кулманглар, дўстлар.



ФАРИШТАМ

Мени севар ўзимдан ортиқ,
Таърифласам сўзимдан ортиқ,
Қилар ишққа жонини тортиқ,
Мен севган қиз мисли фаришта.

Кўнгилгинам кутган керагим,
Ранжитгани кўрқар юрагим,
У биландир эзгу тилагим,
Мен севган қиз мисли фаришта.

Ёмонимни яширар доим,
Яхшилигим оширар доим,
Қувончимни тоширар доим,
Мен севган қиз мисли фаришта.

Ишқ боғимни гуллатади у,
Фам тоғимни қулатади у,
Таърифига топган гапим шу —
Мен севган қиз мисли фаришта.

Маъмур АБДУЛЛА



1987 йилда Ўзбекистон туманидаги Яккатут қишлоғида туғилган. Қўқон Давлат педагогика институти талабаси. Қўқондаги “Ниҳол” адабий тўғариғи аъзоси.

ТОНГНИ СЕВИБ

Тонг отмоқда севгим мисоли,
Нурга белаб бутун дунёни.
Қулоч ёйдим тонгнинг йўлига,
Кўзларимга қамаб самони.

Майин эсди тонгги шаббода,
Юзларимга лабларин босиб.
Бирдан шудринг келиб ўзини —
Кипригимга қўйди-ку осиб!

Кўларимни жим юмганимча,
Соф ҳаводан нафас оламан.
Ҳар тонг унинг ишқида ёниб,
Мен шу тонгни севиб қолганман.

Тонг, отавер — севгим мисоли,
Нуринг сочиб барча юракка.
Сени севган ҳамма ошиқлар,
Етаверсин эзгу тилакка!

СЕВГИ ОШЁН ҚУРИБДИ

Атлас кўйлагинг алвон —
Юрагимнинг рангидир.
Оҳ, бу нозу карашманг
Ошиқ диллар жангидир.

Битта-битта нозланиб,
Кулиб ўтдинг ёнимдан.
Тунлар бедор танамни
Жудо қилиб жонимдан.

Шундан буён қалбимда
Севги ошён қурибди.
Куйган дилим тентираб,
Сени излаб юрибди...

ИНТИҚМАН...

Танҳоман...
Жисмим турар қирғоқда,
Азоб чекиб фироқда,
Айнан, ҳозир шу чоқда
Ёнимда бўлсанг эди.

Танҳоман

Азобли...

Оҳ, бунчали бу ҳижрон,
Кўзларимдан оқар қон,
Эҳ, лаънати сен армон,
Бутунлай ўлсанг эди.
Азобли...

Ёндирар...

Юракни ишқ, муҳаббат,
Қалбимда сенсан фақат,
Айт, қанча қилай тоқат,
Севишим билсанг эди.
Ёндирар...

Интиқман...

Йўлингга кўзим тикиб,
Кутмоқдаман энтикиб,
Маили, қаддимни букиб,
Бир бора келсанг эди.
Интиқман...

Нуриддин РАҲМОН



1988 йил 7 апрелда Фурқат туманидаги Каттаянги қишлоғида туғилган. Қўқон Давлат педагогика институти талабаси. Қўқон шаҳридаги “Ниҳол” ижодкорлар тўғараги аъзоси

ЯШАМОҚНИ ЎРГАТАДИ КУЗ

Тонгда турдим ёмғирлар билан,
Йўллар бўлган худди ойнадек.
Йиллар осмон ғир-ғирлар билан,
Қатра ёшлар баргнинг бўйнидек.

Четда туриб баргни кузатдим,
Кипригида ёшлар қалтирар,
Кўнгил эриб қўлни узатдим,
Ерга тушиб гўё мўлтирар.

Тонгда турдим, тонгда япроқлар
Томчиларга юзин ювади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кунишганда янги титроқлар,
Товонгача қочиб қувади.

Тонгда турдим, эримаган муз,
Сергак бўлиб хаёлларимсиз,
Турдим тонгда, ҳар турганимда
Яшамоқни ўргатади куз.

МИТТИ БАРГМАН

Митти баргман
Самолардан дард олиб,
Ўзин ерга отгувчи.
Юраксиздан гард олиб,
Барин елга сочгувчи.

Митти баргман
Митти баргда —
Шунча фикр юради.
Эркин эсиб гоҳида
Пешонамга уради.

Митти баргман
Митти барглар —
Томчиларни севади,
Қучиб олган бандини,
Қамчиларни севади.

Мен кимни ҳам севаман,
Саболарни лол қилган,
Ялпизними, ифорли,
Қишлоғимни куйдирган
Наргизними, киборли.



Мен кимни ҳам севаман,
Митти баргим қуваман.
Барчасидан яхшиси
Мен ўзимни севаман.

КЎЛМАК ЁНИДА

Кенг бўшлиқда кезар қалдирғоч,
Бунда дарахт жигарранг рангда.
Хаёлларинг кўкда қолдиргач,
Тинч кўлмакка бир тикилсанг-да.

Бунда ҳеч ким жилваланмаган,
Кўзларингдек қадим бир жимлик.
Осмонда айб — ерни намлаган,
Қилгинг келар битта жиннилик.

Оёғингни босасан аста,
Халқобланиб лойқаланар сув.
Дала ханграб кўнглин бўшатса,
Киприк қоқиб қарайсан масрур.

Кенгликларда кўринасан сан,
Боқийликка бир қадам қолгач...
Расо тиниқ кўринмаса ҳам,
Кенг бўшлиқда кезар қалдирғоч.

МУНДАРИЖА

Ориф Толиб	47
Муҳаммаджон Иброҳим	1813
Дилшода Ҳалимҷонова	22
Дилнавоз Қўлдошева	230
Илмиддин Умматалиев	41
Гўзалхон Эргашева	53
Абдуманноб Мансуров	60
Муирира Қўқонова	67
Дилрабо Ҳалил	71
Дилдора Аҳророва	377
Иқбол Юсуф	85
Моҳинур Муҳаммаджон қизи	90
Марям Ғаниева	95
Дилфуза Қосимова	102
Дилноза Жамолиддинова	106
Қобилҷон Шерматов	111
Меҳрихон Эминбоева	115
Актамҷон Тўрақулов	10122
Одинахон Муталипова	125
Тоҳирҷон Шералиев	127
Ражабали Қодиров	13129
Дилдора Аҳмаджонова	133
Ошиқ Ақмал	12135
Зухро Юлдуз	140
Назокат Мўминова	141
Баҳром Зиёев	14143
Асрорҷон Солиҷонов	144
Қўқонали Ҳабибуллоҳонов	148
Гулзода Саидумарова	9154
Маҳмуд Ақбар	159
Элёр Раҳимов	163

Гулҳаё Ашурова	168
Нилуфар Абдужалилова	191
Мадаминжон Солижонов	174
Шоҳсанам Турсунова	179
Абдуҳаёт Абдуқодиров	183
Рӯзихон Алиева	191
Мадинабону Холмирзаева	193
Муборак Умрзоқова	196
Иқболой Мамажонова	198
Сожида Шералиева	200
Дилафрӯз Фанижонова	204
Зулфия Эргашева	209
Саидхон Ҳафизов	214
Гулбаҳор Умарова	217
Ойдиной Матмусаева	220
Зулфия Солиева	222
Маърифат Ваҳобжонова	224
Зарнигор Турғунбоева	226
Гулбадан Абдусаломова	230
Раънохон Машрабжонова	236
Муҳайё Деҳқонова	239
Насиба Абдурахмонова	242
Шоҳсанам Азизова	244
Илҳомжон Комилов	246
Матлуба Шокирова	249
Гулмира Исмоилова	253
Хушнудбону Имомалиева	257
Ҳилола Қозоқова	261
Абдусамат Назаров	268
Маъмур Абдулла	272
Нуриддин Раҳмон	275

Адабий-бадиий нашр

ҲАЙРАТ БУЛОҚЛАРИ

Шеърлар

Муҳаррир *Ш.Бўтаев*
Расмлар муҳаррири *Ҳ.Сафаралиев*
Техник муҳаррир *Е.Голочко*
Мусахҳиҳ *Г.Азизова*

Босишга руҳсат этилди 30.07.2010 й. Бичими 84x108/32
Таймс гарнитурасида. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т.
17,5+1,0 вкл. Нашр т. 18,0. Адади 1000 нусха.
Буюртма № 254.

«Niso poligraf» ШК босмаҳонасида чоп этилди.
100182, Тошкент, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 41.